

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқукида**

**УДК: 821.512.133-193**

**УМАРОВА СОҲИБА ЗАКИРОВНА**

**СУЙИМА ҒАНИЕВА ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ: ТАДҚИҚОТ  
УСУЛЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

**мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)  
даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Илмий раҳбар:** филология фанлари доктори, профессор  
Ш.С.Сирожиддинов

**ТОШКЕНТ – 2021**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3-12
<b>I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЛМИЙ БИОГРАФИЯСИ ВА АДАБИЙ ДАВРАСИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ НАВОИЙШУНОСЛИК ТАКОМИЛИДА ТУТГАН ЎРНИ</b>	
§1.1. Алишер Навоий илмий биографияси яратилишида олима тадқиқотларининг аҳамияти.....	13-44
§1.2. Алишер Навоий адабий давраси ва ижод манбасини ўрганиш тамойиллари.....	44-63
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	63-65
<b>II БОБ. СУЙИМА ҒАНИЕВАНИНГ ТАДҚИҚ УСУЛЛАРИ</b>	
§2.1. Олима тадқиқотларида қиёсий-тарихий ва социологик методнинг ўрни.....	66-79
§2.2. Навоийшуносликда герменевтик метод самаралари.....	79-97
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	97-98
<b>III БОБ. ОЛИМАНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ЕТАКЧИ ХУСУСИЯТЛАР</b>	
§3.1. Олима илмий фаолиятидаги асосий мезонлар.....	99-110
§3.2. “Мажолис ун-нафоис”га доир тадқиқотларнинг ўзига хослиги.....	110-120
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	120-121
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	122-124
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	125-134

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида адабиёт тарихини ўрганиш устида йиллар давомида фаолият олиб борган олимларнинг илмий-адабий тафаккур маҳсулини хусусий ва умумий аспектда таҳлил қилиш ҳамisha долзарб саналган. Зеро, ҳар бир олим мероси муайян даврнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, эришилган хулоса-мулоҳазалар кўрсаткичига айланади. Соҳадаги йирик олимлар фаолиятини ўрганиш жаҳон адабиётшунослиги тараққиёти билан боғлиқ кўплаб назарий ва амалий муаммоларнинг ечимини топишда муҳим ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослиги тенденциялари, барча соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришлар қаторида бадиий ижод маҳсули бўлган ходисаларни янги тадқиқот усуллари билан таҳлил этишга қаратилмоқда. Айни дамда, адабиётшунослик ривожини, мумтоз асарлар таҳлилида тарихийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришга эришиш ҳамда муайян олим тадқиқот усуллари ва илмий-адабий фаолияти давомида белгилаган мезонларини ўрганиш орқали аниқ назарий хулосаларга келиш зарурияти сезилмоқда. Айниқса, дунё адабиётшунослигида турли мактаб вакилларига хос ижодий изланишларнинг янги босқичга кўтарилиши илмий мерос тадқиқи борасида ҳам ўзига хос ёндашувларни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам кўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этиши”<sup>1</sup> ҳамда “миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги Қарори.

тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани”<sup>1</sup> боис ўзбек адабиётшунослари илмий ишлари, улар томонидан олиб борилган тадқиқ усуллари ва адабиётшунос-олим сифатида қатъий амал қилган мезонларини илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганишга асос бўлмоқда. Ўзбекистонда етишиб чиққан илк шарқшунос олима, Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий асарлари тадқиқи устида тинимсиз ишлаган, қатор давлат мукофотларига сазовор бўлган профессор Суйима Ғаниева илмий-адабий меросини яхлит кўламда ўрганиш муҳимдир. Жумладан, олиманинг тарихийлик тамойили асосида асар матнини контекстуал таҳлил этиш ва шарҳлаш усуллари, илмий фаолиятидаги анъанавийлик, холислик, тизимлилик, ихчамлилик ва далилийлик каби мезонларни монографик тарзда ўрганиш соҳа вакиллари учун муҳим илмий хулосалар беради. Суйима Ғаниева илмий концепциясининг муҳим категорияси маданий-маънавий соҳадаги изланишлар ривожига ҳисса қўшиш, янгиликлар олиб кириш бўлган эди. Олима “Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиб, ўзининг теран илмий тадқиқотлари билан навоийшунослик соҳасида ўзига хос илмий мактаб яратди ҳамда Навоийнинг насрий меросини ўрганиш – Суйима Ғаниева илмий фаолиятининг энг салмоқли, энг намунали қисмини ташкил этган”<sup>2</sup>. Навоийшунослик илми равнақига қўшган ҳиссаси учун Суйима Ғаниевани “ўзбек навоийшунослигининг маликаси” деб атадилар. Ҳозирда унинг илмий фаолияти аудиторияси янада кенгайди. Олима илмий лабораториясини ўрганиш ҳамда унинг фанга олиб кирган янгиликларини кузатиш, соҳада унинг ўзига хос ёндашувлари ўрнини белгилаш адабиётшунослик тараққиёти узлуксизлигини таъминлаб, ҳар бир тарихий босқичда олдинги мактаб вакиллари эришган ютуқларни умумлаштириш ва ўзлаштириш, кейин эса уларни илмий-ижодий ривожлантириш имкониятини беради. Шу жиҳатларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш., Ёўлдошев Н., Исмоилов Н., Арипов А., Ёўлдошев Б., Каримов Н. Ўзбекистон Қаҳрамони – Суйима Ғаниева / Ўзбекистон овози, 2018, 4 сентябр.

назарда тутган ҳолда, олима илмий-адабий меросини тадқиқ этиш муҳим вазифа саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида таниқли олимлар ҳаёти, илмий-адабий меросини ўрганишга қаратилган муайян тадқиқотлар амалга оширилган<sup>1</sup>. Ўзбек адабиётшунослигида эса

---

<sup>1</sup> Гилагова Ч.М. Проблемы литературоведения в историко-литературном наследии Г. Сағди. Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Казань, 2006; Фролов М.А. Проблема текстологии в научном наследии Ю.Г. Оксмана. Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Москва, 2013; Мельцаев Д.М. Проблемы литературоведения фольклористики в научном наследии А.И.Маскаева. Автореф.дисс.канд.филол.наук. –

Абдурауф Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Абдурахмон Саъдий, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов каби олимлар илмий фаолияти махсус тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилган<sup>1</sup>.

Профессор Суйима Ғаниеванинг илмий-адабий мероси махсус илмий тадқиқ доирасида ўрганилмаган бўлса-да, олима адабиётшуносликка кириб келишидан эътиборга тушган<sup>2</sup>. Суйима Ғаниеванинг илмий янгиликлари, ўзбек адабиётшунослиги ва навоийшунослигида тутган ўрни ҳақида А.Ҳайитметов, Ш.Шукуров, Н.Каримов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, М.Муҳиддинов, И.Бекжонов, Н.Жумахўжа, А.Ҳабибуллаев, Р.Баракаев, С.Олимов, М.Мирзааҳмедова, Қ.Эргашев, К.Муллахўжаева, М.Назарова, Д.Раҳматуллаева, Р.Ҳайитова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган<sup>3</sup>.

Адабиётшунослар томонидан олима “XX аср ўзбек матншунослиги, навоийшунослиги ва мумтоз адабиётимиз матнларини нашр этиш борасида амалга оширилган ишларни, бу соҳада қўлга киритилган ютуқларни Суйима

---

Саранск, 2005. Злобина Н.Ф. Концепция историзма в филологическом наследии Ф.И.Буслаева. Автореф.дисс.докт.филол.наук. – Москва, 2010.

<sup>1</sup> Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол.фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1996; Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни: Филол.фан. номз... дисс. – Тошкент, 1995; Мўминова Н. Абдурахмон Саъдийнинг адабиётшунослик мероси: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2002; Адизова О. Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методнинг ўрни: Филол.фан. фалс.докт (PhD)...дисс. – Қарши, 2018; Қувонов З. Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик фаолияти: Филол.фан.фалс.докт (PhD)... дисс. – Самарқанд, 2020.

<sup>2</sup> Мирзамухамедова М. У ўз бахтини илмда топди / Тошкент ҳақиқати, 1959. – 4 август. – Б. 4; Умарова З. Суйима / Ёш ленинчи, 1960. – 5 ноябр. – Б. 5; Раҳмонов Р. Ҳувайдо / Совет Ўзбекистони, 1961. – 10 январ. – Б. 6.

<sup>3</sup> Қаранг: Ҳайитметов А. Навоийшунос олима жасорати // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2007. – № 1. – Б. 24-26; Шукуров Ш. Навоий ҳақида асар: (С.Ғаниеванинг “Алишер Навоий” монографиясига тақриз) / Ленин йўли, 1962. – 28 авг. – Б. 4; Каримов Н. Суйима Ғаниева // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – № 3. – Б. 68-70; Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: “Маънавият”, 2005. – Б. 40; Ҳаққулов И. Улкан салоҳият соҳибаси // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2007. – № 1.– Б.23; Муҳиддинов М. Навоийшунослар маликаси. “Заҳматкаш олима сиймоси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд давлат университети, 2019; Бекжонов И. Навоийнинг миниатюрадаги сиймоси / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993. – 18 июн; Жумахўжа Нусратулло. Нафис мажлислар муҳабаси / Ватанпарвар, 2008, 25 январь. – Б. 8; Ҳабибуллаев А, Баракаев Р. Фидоий олима // Шарқ машъали, 2002. – № 1. – Б. 28-32; Олимов С. Илм ғаввоси / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002. – 15 март. – Б.5; Мирзааҳмедова М., Эргашев Қ. Суйима Ғаниева // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002, – № 1. – Б. 87-88; Муллахўжаева К. Илм нури билан қалбларни ёритган олим // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал, 2018, – № 4(23). – Б. 338-342; Назарова М. Ўзбек навоийшуносларининг “Қироличаси” / Туркистон, 2009, – 22 март; Раҳматуллаева Д. Навоийдан нур олган олима (Профессор Суйима Ғаниева фаолиятига чизгилар) “Нафис мажмуалар”. Тўплам. –Т.:ТДШИ, 2011. – Б. 23-27; Ҳайитова Р. Йўл. (“Йўл” кинофильми ва Суйима Ғаниева ҳақида) // Гулистон, 2014. – № 4. – Б. 26-28.

Ғаниеванинг номи ва фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайдиган<sup>1</sup>, – каби эътибор ва эътироф билан тилга олинади.

Асрор Самаднинг “Ўзбекнинг ардоқли Суйимбекаси” (2012) номли китоби олима ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятига доир портретдир. Муаллиф олима илмий салоҳияти хусусида сўз юритар экан, “агар Суйима Ғаниева биргина “Мажолис ун-нафоис” тадқиқоти билангина чекланганда ҳам у матншунос ва навоийшунос олима сифатида тан олинар эди”<sup>2</sup>, – деган асосли фикрни билдиради.

Суйима Ғаниеванинг “Мажолис ун-нафоис” асари устида олиб борган тадқиқотларига хорижий мутахассислар, хусусан, Ирмгард Энгельки, Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний, Камол Эраслан ва Алмаз Улвий Биннатова кабилар ўз ишларида мурожаат этишган<sup>3</sup>.

Суйима Ғаниеванинг Навоий насрий асарлари тадқиқи хусусида адабиётшунос Нусратулло Жумахўжа шундай ёзади: “Навоийнинг “Муншаот” асари ҳам олиманинг жиддий тадқиқот манбаларидан бирига айланган. Олима бу асардаги Навоий мактублари орқали мутафаккир ва давлат арбоби қалб оламининг очилмаган қирраларини кашф этади, унинг мактублари қандай маънавий моҳиятга эга эканлигини, ўзи яшаб турган жамият ҳамда унинг вакилларига қандай таъсир этганлигини, мактубларнинг ижтимоий жараёнда тутган ўрнини мароқли ёритиб беради”<sup>4</sup>.

Бундан ташқари Суйима Ғаниева ҳақида “Йўл” (2014) номли ҳужжатли кинофильм суратга олинган<sup>5</sup>.

Олиманинг ҳаёти, илмий фаолияти, навоийшуносликдаги янгиликлари, Навоий асарлари нашридаги иштироки, матбуотдаги мунозарали чиқишлари хусусида билдирилган тақриз, мақола, китоб, кинофильм кабилар Суйима

<sup>1</sup> Ҳаққулов И. Улкан салоҳият соҳибаси // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2007. – № 1. – Б. 22.

<sup>2</sup> Самад Асрор. Ўзбекнинг ардоқли Суйимбекаси. – Т.: “MERIYUS”, 2012. – Б. 46.

<sup>3</sup> Irmgard Engelke. Alisher Navoi. – Berlin: Oriental-istische Tiferaturzeitung, 1962. – S.24; Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний. Девони Султон Хусайн Мирзо. – Кобул: Давлат илмий нашриёти, 1968. – Б. 3-46; Kemal Eraslan. Ali-şir Nevayi.Mecalisu'n-nefayis (Giris ve Metin). 1-2-kitab. – Ankara: Turk dil Kurumu Yayinlari, 2001. – S.16; Almaz Qasim qizi Binnatova. Azərbaycan - özbək (çağatay) ədəbi əlaqələri (dövrələr, simalar, janrlar, təmayüllər). – Bakı: Qartal, 2008. – Б. 78.

<sup>4</sup> Жумахўжа Нусратулло. Нафис мажлислар муҳибаси / Ватанпарвар, 2008, 25 январь. – Б. 8.

<sup>5</sup> Сценарий муаллифи Э.Шукуров, режиссёр А.Усмонов, тасвирчи М.Юсупов.

Ғаниева илмий-адабий мероси, хусусан, унинг тадқиқот усуллари ва мезонларини яхлит ёритишни мақсад қилмаган, балки олима илмий фаолиятининг айрим жиҳатларинигина таҳлил этиш билан чекланган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва фольклорини тадқиқ этишнинг долзарб масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Суйима Ғаниеванинг ўзбек адабиёти тарихи тараққиётига қўшган ҳиссаси, олиманинг навоийшунослик тақомилида тутган ўрни, мумтоз асарларни ўрганишдаги асосий ёндашув усуллари ҳамда олима фаолияти давомида белгилаган мезонларини аниқлаш ва очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Суйима Ғаниеванинг илмий-адабий фаолиятини ёритиш;

олиманинг ўзбек адабиётшунослигида тутган ўрнини белгилаш;

олиманинг навоийшуносликдаги тадқиқотларининг илмий-назарий қийматини аниқлаш;

олиманинг ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш усуллари ажратиб кўрсатиш;

олима илмий-адабий фаолияти давомида амал қилган мезонларини таҳлил қилиш;

олиманинг мумтоз адабиёт вакиллари ижодини ўрганишда тўплаган тажриба мактабини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Суйима Ғаниева илмий фаолияти давомида чоп эттирган мақола, рисола, китоб ва таржималари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Суйима Ғаниеванинг асосий тадқиқ этиш усуллари ҳамда мезонларини аниқлаш ташкил этади.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни ёритишда илмий таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-тарихий таҳлил, комплекс таҳлил ва талқин этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий илмий биографияси тадқиқида олима томонидан “Муншаот” асаридаги мактублар характериға кўра гуруҳлаштирилгани, шоирнинг насрдан олдин назмда асарлар яратиш сабаблари, ижодкор насрида муаллиф ички қиёфасини очиб берадиган нуқталар мавжудлиги каби қоронғу нуқталари аниқланган ҳамда Хирот адабий муҳит вакиллари ҳаёти ва ижодининг бир тизимда ўрганилишида буюк мутафаккирнинг Абдурахмон Жомий, Хусайн Бойқаро ҳамда замондош туркигўй шоирлар билан муносабатлари Суйима Ғаниева илмий изланишларида алоҳида ўрин тутганлиги далилланган;

Алишер Навоий “Муножот”ининг яратилишида Шайх Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” асари муҳим ўрин тутганлиги мисоллар асосида исботланган;

Суйима Ғаниеванинг ижод лабораторияси текширилиши натижасида олима илмий ёндашувларида қиёсий-тарихий, социологик ва герменевтик усуллар етакчи эканлиги ҳамда илк марта герменевтик қарашларнинг Шарқдаги шаклланиш тарихи мисоллар орқали далилланган;

Суйима Ғаниева амал қилган анъанавийлик, илмий холислик, мантиқий далиллаш, тизимли ёндашув сингари илмий мезонлар кўрсатилган, “Мажолис ун-нафоис” асари илмий-танқидий матнини тузиш илмий тажрибаси замонавий ўзбек матншунослигини назарий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилганлиги очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Суйима Ғаниеванинг илмий-адабий меросининг ўзбек навоийшунослигида тутган ўрни ёритилган;

олима илмий қарашларининг ўзбек адабиётшунослигида муҳим илмий далил ва маълумотлар эканлиги кўрсатилган;

Суйима Ғаниеванинг тадқиқот усуллари ва илмий-эстетик мезонларини ўрганиш орқали уларнинг ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги такомилда муҳим тажриба мактаби эканлиги, мумтоз адабиёт тарихини ўрганишда таянч манба бўла олиши далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектни ўрганишда қўлланилган таҳлилларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотлар илмий манбаларга асосланганлиги ҳамда уларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар тавсифлаш, талқин этиш, қиёсий-тарихий, комплекс таҳлил усуллари асосида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилгани, натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, матншунослик, манбашунослик каби соҳаларга оид назарий қарашларни бойитиш, мумтоз адабиёт вакиллари, хусусан, Мавлоно Ғадойи, Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Ҳувайдо каби шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганишда манба бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса тадқиқот материалларидан магистратура ва бакалавриат босқичлари учун адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, матншунослик, манбашунослик соҳалари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш, илмий маърузалар, махсус курс, семинарларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суйима Ғаниеванинг тадқиқот усуллари ва мезонларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Суйима Ғаниева томонидан Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини рус тилига таржима этишда қўлланган тадқиқот усуллари ва илмий хулосалардан ИТД-1-119 рақамли “Ўзбек адабиёти антологияси”ни инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари”(2012-

2014) мавзусидаги амалий лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-1084-сон маълумотномаси). Натижада “Навоий” романининг инглиз тилига ўгирилишида рус тилидаги таржималар асосида асардаги тарихий сўзларнинг инглизча эквиваленти танланишига эришилган;

Суйима Ғаниева томонидан ўрганилган Алишер Навоийнинг “Муножот”, “Муншаот”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат” асарлари матни тарихи, нашр этилишига оид илмий-назарий хулосалардан ОТ-Ф1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7 жилд) чоп эттириш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг амалий қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-887-сон маълумотномаси). Натижада Навоий адабий меросининг илмий-монографик тавсифи такомиллаштирилган, навоийшуносликдаги мавжуд маълумотларга аниқлик киритилган;

Суйима Ғаниева томонидан тадқиқ этилган ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, Мавлоно Ғадой, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Ҳўжаназар Ҳувайдолар ҳаёти ва ижодига доир илмий хулосалардан Карабук университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимида Классик адабиёт тарихи тадқиқотларида фойдаланилган (Карабук университети Адабиёт факультетининг 2021 йил 4 февралдаги маълумотномаси). Натижада Карабук университети Турк тили ва адабиёти бўлимида ўзбек адабиётининг кенг ёритилишига асос бўлган;

Суйима Ғаниеванинг мумтоз адабиёт тарихини ўрганишдаги тадқиқот усуллари, мезонларини аниқлаш юзасидан чиқарилган илмий хулосалардан “Ўзбекистон тарихи”, “Мавзу”, “Тақдимот” кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 01-13-164-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

# **I БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЛМИЙ БИОГРАФИЯСИ ВА АДАБИЙ ДАВРАСИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ НАВОИЙШУНОСЛИК ТАКОМИЛИДА ТУТГАН ЎРНИ**

## **1.1. Алишер Навоий илмий биографияси яратилишида олима тадқиқотларининг аҳамияти**

Алишер Навоий ижодиёти ўзбек адабиёти тарихида алоҳида мавқега эга. Буюк шоир адабий меросини ўрганиш мустақил йирик соҳа – навоийшуносликни юзага чиқарди. Навоий ҳаёти ва ижоди XIX аср ўрталари ва XX аср 20-йилларида хориж ва маҳаллий адабиётшуносларнинг асосий эътиборида бўлди. Профессор Шухрат Сирожиддинов XX аср навоийшунослигини шартли равишда икки даврга, яъни қуйидагича ажратиш мумкинлигини ёзади:

1. Таништирув даври (XX аср 50-йилларигача);
2. Илмий ўрганиш даври (бугунги кунларгача)<sup>1</sup>.

XX аср навоийшунослигини бундай икки даврга ажратилишига сабаб навоийшуносликдаги ишлар хроно-типологик таҳлил натижасидир. Таништирув даврида кўпроқ Алишер Навоий ҳаёти, яратган асарлари, ўша давр сиёсий-ижтимоий, маданий жараёнлари ҳақидаги умумий қарашлар бўлганлиги, илмий ўрганиш давридан эътиборан эса шоир ҳаёти, бадиий-адабий мероси махсус муаммо-мавзулар доирасида тадқиқ этила бошланганлиги билан изоҳланади.

Бунга қўшилган ҳолда, ўтган аср навоийшунослигининг тараққиёти 20-30-йиллар, 40-йиллар, 60-йиллар ва 70-йиллардаги илмий изланишларнинг умумий хусусиятлари билан бирга бир-биридан фарқли жиҳатлар мавжудлигини ҳам кўраемиз. Таъкидлаш лозимки, бу жиҳатлар кўпроқ хронологик тартибга кўра эмас, балки навоийшуносликда олиб

---

<sup>1</sup>Қаранг: Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид ХУ–ХІХ асрларда яратилган форс-тожик манбалари: Филол.фанлари д-ри....дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 3.

борилган тадқиқотлар бир-бирига яқин, уйғун мақсадларга таяниши билан белгиланади. Шу жиҳатдан қаралса, 20-30-йилларда Абдурауф Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Абдурахмон Саъдий каби навоийшунослар, асосан, Навоий ҳаёти ва ижодини таништириш, Навоийнинг миллий-маданий меросимизда тутган ўрнини белгилаш, шоир асарлари ғоявий-бадий қиймати, оригиналлик даражасини кўрсатиш мақсадида кўпроқ ижодий-эстетик тамойилларга таянишди. Уларнинг илмий қарашлари нисбатан эркин, сиёсат таъсирига тушмаган эди. Навоий асарларидаги диний, тасаввуфий ғоялар борича таҳлил этилганди.

Ўтган асрнинг 40-йиллар навоийшунослиги бевосита Олим Шарафуддинов, Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Воҳид Зоҳидов, Александр Кононов, Иззат Султонов, Ғулом Каримов, Солиҳ Муталлибов, Порсо Шамсиев каби олимлар томонидан шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида олиб борган ишлари билан боғланади. Бу давр навоийшунослик такомилни Навоий ҳаёти ва ижодининг кенг миқёсда: асарларини нашр этилиши, шоир ҳақида драматик ва насрий асарлар ёзилиши, йирик давлат муассасаларига Навоий номини берилиши каби илмий-амалий жараёнлар олиб борилишида кўринади. Айнан шу йилларда қатор илмий-оммабоп мақола, тўпламлар эълон қилинди, Навоий асарлари илмий-танқидий матнларини тузиш ишлари бошланади. Жумладан, Солиҳ Муталлибов “Ҳайрат ул-аброр”нинг танқидий матни”, Порсо Шамсиев “Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонининг илмий-танқидий матни ва уни тузиш принциплари” мавзусида номзодлик ишларини амалга оширдилар.

Навоийшунослик тарихида ўтган асрнинг 60-йиллари кўлөзма манбаларни ўрганиш ҳамда нашрга тайёрлаш ишларига эътибор сиёсий талаб даражасида кўтарилганлиги билан ажралади. Хусусан, 1957 йили Тошкентда ўтказилган Шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ биринчи конференциясида давлат раҳбари Н.А.Муҳиддиновнинг “афсуски, биз ўрта аср Шарқининг кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари асарларини жуда

секин нашр этмоқдамиз. Республика ҳукуматининг Алишер Навоий асарларининг тўла тўпламини нашр этиш тўғрисидаги қарори султ бажарилмоқда”<sup>1</sup>каби даъват ва топшириғи Навоий асарларини чоп эттириш жараёнларини қизгин тус олишига олиб келди. Вазият тақозоси билан шоир асарлари тўла ўрганилмаган бўлса-да, илмий-оммабоп шаклда халқимизга етказилди. Асосийси, Навоий ижодига эътибор кучайди ва шоир илмий биографиясига доир ўрганилмай қолган ўринларни ёритиш, шоир асарлари қўлёзма нусхаларини аниқлаш каби тадқиқотлар йўлга қўйилди. Олдинги даврлардан фарқли ўлароқ 60-йиллар навоийшунослиги шоир ижодини муҳим ва долзарб муаммолар бўйича тадқиқ этиш босқичига кўтарилди. Навоийшуносликда янгича тамойилларнинг ривож топиши шоир ижодини ўрганишда турли йўналишдаги илмий-эстетик таҳлиллар кўпая борганлиги, илмий мақола, монографиялар билан бирга илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши кенгайганлиги ҳамда навоийшунослик ишлари Ҳамид Сулаймонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева, Латиф Халилов, Шарофиддин Эшонхўжаев сингари олимлар томонидан махсус тадқиқ этила бошланганлиги билан аҳамият касб этади.

Ўзбек навоийшунослигига Суйима Ғаниева ўтган асрнинг 60-йиллар бошидан кириб келди ва умрининг охиригача шу соҳага хизмат қилди. Суйима Ғаниева илмий изланишлари ўзбек навоийшунослиги такомилининг жаҳон илм-фанда юқори босқичга чиқиши ҳамда навоийшунослик мактаби тараққиётида ўзига хос замин яратди. Адабиётшунос А.Расулов биография атамасини “умр тарихи”, “битикдаги тақдир”<sup>2</sup> маъноларини англатишини ёзганидек, ижодкор илмий биографиясини яратиш ҳамда унинг ҳаётидаги муҳим воқеа-ҳодиса, сана, ижод йўлини тадқиқ этишнинг ўзи янги тадқиқот манбаига айланади.

---

<sup>1</sup> Муҳиддинов Н.А. Совет шарқшунослигининг янги муваффақиятлари сари / Тошкент шаҳрида шарқшуносларнинг Бутуниттифок биринчи конференциясида сўзлаган нутқи. – Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони сурх” бирлашган нашриёти, 1957. – Б. 35.

<sup>2</sup> Расулов А. Илми ғарибани кумсаб. – Т.: Фан, 1998. – Б. 21-22.

Суйима Ғаниева Навоий ҳаёти ва ижоди, хусусан, насрий асарларини кенг кўламда ўрганиши давомида “Алишер Навоий: ҳаёти ва ижоди” (1961), “Навоийнинг прозаик асарлари” (1981), , “Навоий насри нафосати” (2000), “Навоий ёдга олган асарлар” (2004), , “Тазкиранавислик анъаналари ва тасаввуф” (2010, ҳаммуаллифликда), “Наво топти Навоий” (2012) каби китоб ва рисолалар, юзга яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар эълон қилган.

Суйима Ғаниева 1932 йили 20 февралда Тошкентнинг Сомонбозор (ҳозирги Ўрда бўйи, Қашқар маҳалласи рўпараси) маҳалласида дунёга келади. Бўлажак олима 1939-1946 йиллар 5-ўрта мактабда, 1946-1947 йиллар Ўрта Осиё давлат университети тайёрлов бўлимида ўқийди. Олима 1947-1952 йиллар Ўрта Осиё давлат университети Шарқ факультети Эрон-афғон филологияси ихтисослиги бўйича таълим олди, унга филолог-шарқшунос мутахассислиги бўйича диплом берилди. Суйима Ғаниева 1953-1956 йиллар Ленинград давлат университети Шарқ факультети аспирантурасида ўқийди. 1956 йили шарқшунос А.Н.Болдирев раҳбарлигида “Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари адабий-тарихий таҳлили ва III-IV мажлислар танқидий матни” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Ёш ўзбек олимаси учун бундай тадқиқот мавзусининг танланиши бевосита унинг устозлари ҳамда илмий раҳбари шарқшунос А.Н.Болдиревнинг узокни кўра билиш фазилатлари билан боғлиқ. Олима илмий изланишларининг бошланиши ҳақида Асрор Самад шундай ёзади: “А.К.Арендс Ленинградга юборган хатида мавзуни шакллантириб юборган эди: “Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари давр адабий ҳаётини ўрганиш учун манба сифатида”. А.К.Арендс шогирди Суйима Ғаниеванинг иқтидорини билар, унинг қамров доирасини яхши ўрганган эди, шунинг учун ҳам бу “теша тегмаган” мавзуни тавсия қилди. Суйима опа хатни дарҳол А.Н. Болдиревга кўрсатади”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Самад Асрор. Ўзбекнинг ардоқли Суйимбекаси. – Т.:“MERIYUS”, 2012. – Б.18.



Маълумки, Альфред Карлович Арендс (1893-1977) “Форсча-русча луғат”(1950), “Масъуд тарихи” (1963) каби китоблар муаллифи бўлиб, Ўрта Осиё давлат университетида фаолият олиб борган рус шарқшуносларидан бири эди. Олима тадқиқот мавзусининг нечоғлик долзарб ва аҳамиятли эканлигини англайди. Кейин бу мавзу юзасидан илмий ишларини кенгайтирган олима қуйидаги сўзларни ёзади: “Айрим олимлар “Мажолис ун-нафоис” юзасидан анча фойдали илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Лекин бу ишлар амалга оширилган чоғда илмий-танқидий матн бўлмаганлиги ва асар махсус равишда ўрганилмаганлиги сабабли унинг биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган аксар томонлари атрофлича ёритилмай, тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган эди”<sup>1</sup>.

Зеро, олима Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасини тадқиқот маркази қилиб олиш орқали бир нечта илмий йўналишда фаолият олиб борган адабиётшунос даражасига кўтарилишга эришди, яъни:

1. Навоийшунослик.
2. Ўзбек адабиёти тарихи.
3. Форс-тожик адабиёти тарихи.
4. Адабий манбашунослик.
5. Матншунослик.
6. Тазкирашунослик.
7. Таржимачилик.

Олиманинг навоийшуносликдаги илмий изланишлари “Алишер Навоий” китобида акс этади, унда шоир ҳаёти ва ижодини кенг китобхонларга етказиш асосий мақсад қилинган. Албатта, айрим хулосаларида Алишер Навоийни “у умр бўйи катта ҳақиқат излади, ахтарди, адолат тантанасини таъмин этиш учун уринди”<sup>2</sup>, шоир яшаган замонни эса “ситамкор давр”, “мураккаб шароит ва муҳит”<sup>3</sup> тарзидаги баёнларни давр

---

<sup>1</sup>Ганиева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий матн. – Т. : ЎзФА нашриёти, 1961. – Б. 5.

<sup>2</sup>Ганиева С. Алишер Навоий. – Т. : Ўзфанакадашр, 1962. – Б. 82.

<sup>3</sup>Ганиева С. Алишер Навоий. – Т.: Ўзфанакадашр, 1962. – Б. 82.

таъсиридан юзага келган бирёқлама ёндашув эди, деб изоҳлаш тўғри бўлади. Шу билан бирга, адабиётшунос Н.Шукуров ёзганидек, “бу асар Навоий ҳақидаги биринчи монография эмас, албатта. Улуғ шоирнинг ижоди ва ҳаёт йўли О.Шарофиддинов, Е.Бертельс ва С.Айнийларнинг бундан анча илгари босилган монографияларида маълум даражада атрофлича ёритилган. Суйима Ғаниеванинг китоби булардан Навоийнинг сермашаққат ҳаёт йўли, изланишлари, адабий-илмий ҳамда давлат арбоби ва жамоатчи сифатидаги фаолиятининг оммабоп услубда баён этилиши, янги манбалардан фойдаланилганлиги билан ажралиб туради”<sup>1</sup>. Суйима Ғаниева бу китобида Навоий ҳаёти, ижодини ёритишда шоирнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Мажолис ун-нафоис”, “Вақфия” асарлари ҳамда Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”, Бобурнинг “Бобурнома” каби манбаларига асосланган. Олима китобнинг “Нозик туйғу, теран фикрлар хазинаси” фаслида Навоий лирикаси хусусида фикр юритади. Жумладан, олима шундай ёзади: “Навоий лирикасида май мавзусида ёзилган кўпгина ғазаллар мавжуд. Уларда, бир томондан, Навоий маҳбубанинг вафосизлигини ва ҳижроннинг дарду аламини бир оз бўлса-да, унутиш мақсадида май ичишга даъват этса, иккинчи томондан, майни Навоий хурсандчилик тимсоли деб тушуниб, гоҳ-гоҳ май ичиб ҳаёт ва ундаги лаззатларни тоттиш ва уларнинг қадрига етиш каби ғояларни илгари суради”<sup>2</sup>. Академик Азиз Қаюмов эътибор қаратганидек, навоийшунослик “шоир биографиясининг айрим томонлари тўлдирилиши керак”<sup>3</sup> бўлган талабга жавобан илмий тадқиқот доирасини кенгайтириб, баъзи ўринларда хатоликларни тузатиб борди. Суйима Ғаниева кейинги китобларида “истиклол баҳралари ҳар соҳада, айниқса, адабиёт илмида, навоийшуносликда янгича қараш, шоир асарларининг моҳиятини тўғри талқин ва таҳлил қилиш имкониятини яратди”<sup>4</sup>, – деб

---

<sup>1</sup>Шукуров Н. Навоий ҳақида асар / Ленин йўли, 1962. – 28 август. – Б. 4.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Алишер Навоий. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1962. – Б. 28.

<sup>3</sup>Қаюмов А. Навоий ва навоийшунослик // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968. – № 5. – Б. 11.

<sup>4</sup>Ғаниева С. Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). – Т.: “O‘zbekiston”, 2015. – Б. 125.

ёзади ва илмий мушоҳадаларида диний, тасаввуфий масалаларга доир янгиликлар киритилиши кузатилади<sup>1</sup>.

Олима изланишлари давом этар экан, у кўпроқ Навоий ҳаёти, ижод йўли, илмий-адабий фаолиятини ёритишда шоирнинг насрий асарларига мурожаат этади. Олима Навоий насрий асарлари шоир умрининг сўнгги ўн йили мобайнида яратганига аҳамият қаратган. Биз олима томонидан “Навоийнинг насрга бундайн кеч қўл уриши ўша даврларда ҳукмрон бўлган назмнинг насрдан устунлиги анъанаси билан ҳам изоҳланади”<sup>2</sup>, – деган хулосасига қўшиламиз. Чунки шу давргача араб шеърятининг балоғати таъсирида назм биринчи ўринда турган; илми бадеъ, илми қофия, илми аруз сингари шеърят илмлари алоҳида ўрганилган.

Ҳасанхожа Нисорий “Музакири аҳбоб” тазкирасида шеър таърифи ва шарафида шундай дейди: “Маънолар пойдевори муҳандислари ва суҳандонлик мактабининг муаллимларига яширин қолмаяжакким, агар ҳар бир сўз тотли тил орқали йўқлик қаъридан борлиқ майдонига оёқ босса ва сўзловчиси уни Сурайё юлдузлари туркуми каби бир ерга йиғиб назм (тартиб) ипига инжудек тизса, ҳамда шеър вазнларидан бирига мос туширса уни назм дейдилар. Агар ўша назм (тартиб) тизмасини узиб, сўз жавоҳирларини варақлар бўйлаб теварак-атрофга садаф сочмаси каби сочиб, наср (сочиқлик) юзага келтирса, буни наср дейдилар. Бу олий ҳимматли умматнинг кўпчилик сўзамоллари шеърга тил очиб, – Байт: Пешу паси борғаҳи кибриё, пас шуаро омаду пеш анбиё. – Буюклик саройига биринкетин: аввал пайғамбарлар, кейин шоирлар келишган, деган мақолини тараннум қилганлар”<sup>3</sup>.

Ўрта аср шарқида назм асосий бўлиб, ҳар бир шоир ўзидан олдинги шоирлар ижодидан бир неча минг намуна билиши муҳим омил ҳисобланган, бадиий адабиётда шеърларга илоҳий инъом сифатида қаралган. Навоий

<sup>1</sup>Қаранг: G‘aniyeva S. Alisher Navoiy (Hayoti va ijodi). – Т., 2012; Ғаниева С. Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). – Т.: “O‘zbekiston”, 2015.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Навоий насри ҳақида. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 11.

<sup>3</sup>Нисорий, Ҳасанхожа. Музакири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси): Тазкира (Таржима ҳамда сўзбоши, изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.12.

“Назм ул-жавоҳир” асарида назмнинг ҳикматомузлиги ва насрнинг нафислигини Қуръон Карим ва ҳадис шариф билан тасдиқлайди: “Ва мундин сўнгра нубувват тилининг осориким “Ва янтиқу ʻанил-ҳаво” анинг шонидадур. Рисолат лисонининг гуфториким “Инна ҳува илла ваҳйуй-йўҳа” анинг баёнидадурким, назмда балоғат ва насрда фасоҳат таърифида “Инна мин аш-шеъри лаҳикматун ва инна мин ал-баёнис-сеҳран” буюрубдурур ва сеҳр демайким, мўъжиза кўргузубдурур<sup>1</sup>.

Девонларнинг дебочаларида ҳам шеърнинг улуғворлигига ишоралар мавжуд. Муҳаммадризо Огаҳий девони дебочасида ўқиймиз: “...бас шеър бир неъматин узмодурким, Тангри таоло они ҳар кишига ато қилмамишдурур ва они айтмоқ ҳунари ҳар кимнинг қўлидин келмамишдурур ва шеър шоирнинг иззат ва давлат неъматин ҳосил қилмоқиға сабаб, балки икки дунё манзилати саодатиға восил бўлмоғиға боисдурур”<sup>2</sup>.

Албатта, насрий баён тафсилот қамрови кенг бўлиб, назмдан қолишмайди. Агар назмда шуъур биринчи ўринда турса, насрда сўз ҳисобланган. Хулоса шуки, Навоий шунинг учун ҳам аввал назм, кейин насрга мурожаат этади.

Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов ёзганидек, Суйима Ғаниева “Шарқ насри, бинобарин, Навоий насрининг муҳибаси” сифатида насрий ифода кучи, бадий наср билан илмий тафаккурнинг узвий боғлиқлигини ўрганишга кучли эътибор қаратган. Суйима Ғаниева шоир насрий асарларини тадқиқ этиш орқали қуйидагиларни аниқлайди:

1. Навоий насрий асарлари аниқ мақсад билан яратилган.
2. Навоий насрида муаллиф ички қиёфасини очиб берадиган нуқталар мавжуд.
3. Навоий насрда назмга ўрин ажратган.

Суйима Ғаниева “Навоий биографиясига оид бир ҳужжат” номли мақоласида шоирнинг ҳаж сафарига бориш учун ижозат сўраб, Султон

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. Мукамал асарлар тўплами. 15 жилд – Т. : Фан, 1999. – Б. 125-126.

<sup>2</sup>Муҳаммадризо Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. – Т.: ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б. 38.

Хусайн Бойқарога мурожаати ва шоҳнинг чиқарган фармонларини таҳлил этар экан, шундай ёзади: “Алишер Навоий ҳақида нимаики бўлса, биз учун қизиқарли ва аҳамиятли. Шоир ҳаётига оид ҳамма тафсилотларни билгимиз келади, уларга илмий таважжух билан қараб, тўғри талқин қилинишини истаймиз”<sup>1</sup>. Чинакам эътиқод билан Навоий ижодини ўрганишни мақсад қилган олима шоирнинг насрий асарлари, хусусан, “Муножот”ни ўрганиш орқали Навоий дунёқарашининг янги қирраларини кўрсатиб берди.

Навоийнинг “Муножот” асари Аллоҳга илтижо тарзида ёзилган насрий асар ҳисобланади. У ҳамд, наът, муножотни ўз ичига олади ва ҳар бир жумласи Аллоҳга мурожаат, яъни “Илоҳий” (Эй яратган зот) сўзи билан бошланади. Муаллиф илтижолари раҳмли ва меҳрибон Аллоҳга қаратилади. “Муножот”да тазод, иштиқоқ каби тасвир воситалари кенг қўлланган, сажъ усулидан фойдаланилган. Мусиқий оҳангдорлик асарда юксак илоҳий ҳолатни ифодалаган.

Маълумки, “Муножот” асари Алишер Навоий куллиётининг бош саҳифасига китобат қилинганлиги боис сўзбоши, деб қараб келинган эди. “Муножот” ҳақида дастлаб 1958 йили турк олими Огоҳ Сирри Лаванд ўз қарашларини баён этган. У Истанбулдаги Тўпқопи сарой кутубхонасида сақланаётган Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан кўчирилган куллиётдаги “Муножот” ҳақида мулоҳазаларини билдиради.

Ушбу куллиётдан “Муножот”, “Назм ул-жавоҳир”, “Лисон ут-тайр”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Хамса”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёра”, “Садди Искандарий”, “Чор девон”, “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-бидоя”, “Фавойид ул-кибар”, “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” каби 27 асари жой олган<sup>2</sup>. Ҳар бир асар алоҳида “Лисон ут-тайр”, “Лайли ва Мажнун”, “Чор девон” сингари янги саҳифада нақшлар

<sup>1</sup> Ғаниева С. Навоий биографиясига оид бир ҳужжат // Ўзбек тили ва адабиёти, 1981. – № 1. – Б. 9.

<sup>2</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Куллиёт. – Т.: Алишер Навоий номидаги Адабиёт ва санъат музейи. Микрофильм. Архив. – № 483. 1- саҳифа.

билан безатилган махсус рамкаларда берилган. “Муножотнома” ҳам алоҳида саҳифадан бошланади<sup>1</sup>.

Шу куллийет қўлёмасига асосланиб, манбашунос Ҳамид Сулаймонов “Навоийнинг ўзи куллийети учун махсус ёзган “Муножот” деб атаган сўзбошиси бор. Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган куллийет шу Муножот билан бошланади”<sup>2</sup>, – деб ёзади. Шу билан бирга олим “Куллийет учун ёзилган сўзбоши – Муножот табиийки, шоир ижодини яқунловчи хулоса, деб қараганимизда куллийет кўчирилиб тугаллангандан сўнг яратилган, деб ҳисоблаш лозим. Бинобарин, Муножотнинг ёзилиш тарихи ҳам 905/1499-1500 йил бўлиши керак”<sup>3</sup>, – деган хулосага келади. Табиийки, шу ўринда савол туғилади, “Муножот” куллийет “кўчирилиб тугаллангандан сўнг яратилган” экан, қандай қилиб у яна куллийетнинг сўзбошиси бўлиши мумкин?

Суйима Ғаниева навоийшунослик учун ноаниқ бўлиб турган бу масалага аҳамият қаратади. Олима 1988 йили Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган анъанавий илмий анжуманда биринчи бор “Муножот” мустақил асар, деган фикрни баён этади. Суйима Ғаниева “Муножот”ни мустақил асар эканлигини шу тарзда изоҳлайди: “...Навоийнинг “Муножот” асари шоир куллийети учун ёзилган сўзбоши эмас, балки ҳаёти охирида эътиқодлари мустаҳкам, имони комил, ижодда ғоявий ниятлари юксак, орзу-умидлари пок ва холислигига инонса-да, яна бир бор Аллоҳдан нотинч руҳиятига осудалик тилаб, авлодларни маънавий камолотга, эътиқодий устуворликка, ўзлигини қадрлаш ва уни муҳофаза этишга чорлаш мақсадида ёзилган, ўтмишга эмас, келажакка қаратилган асардир”<sup>4</sup>. Суйима Ғаниева бу билан Навоий ҳеч бир сўз ёки иборани

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Куллийет. – Т.: Алишер Навоий номидаги Адабийет ва санъат музейи. Микрофильм. Архив. – № 483. 2-саҳифа.

<sup>2</sup>Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллийети қўлёмалари тадқиқотидан. Адабий мерос. Манба ва тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1973. – Б. 90.

<sup>3</sup> Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллийети қўлёмалари тадқиқотидан. Адабий мерос. Манба ва тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1973. – Б. 90.

<sup>4</sup>Ғаниева С. Илоҳи, кўнглумни дарду шавқинг муҳаббати билан овут. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 136.

ноўрин ишлатмаганидек, мақсадсиз асар ҳам яратмаганини аниқ кўрсатиб берган.

Биз олиманинг “шоир “Муножот”ни алоҳида ижодий ният билан ёзган”, деган фикрига қўшиламыз. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари аввалги мақолотида қуйидаги воқеа келтирилади: “Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умур ва ғаробатлиғ сўзларким, андин аларнинг бу фақирга илтифот ва хусусиятлари зоҳир бўлур: Бир кун Мавлоно Шайх Абдуллоҳ котиб муқарраби Ҳазрати Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома”га мавсум “Муножот” рисоласин фақир қошига келтуруб эрди ва мавлоноий мазкурнинг кутуби байъ ва широсиға ҳам муносабати, ҳам ҳазрати Хожаға авлодлиғ нисбати бор. Фақир ул рисолаанинг аввал саҳифасин очиб, хутбасин ўқумоқ бунёд қилдим, бу хаёл билаким, бир саҳифа ё ғояташ бир варақ ўқулғай, андоқки эл маъхудиатур. Сўзнинг хўблур ва равонлиғидин ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки жузвдин ортуғроғ эди – итмомға етти. Мажлис хуззори воқиф бўлуб, таажжуб қилдиларким, бир рисолаким, икки жузвға яқин, балки ортуғроқ бўлғай, бир таважжух била боштин-оёққача ўқумоқ холи аз ғаробат эмас. Тонгласи ҳазрати Махдум бандахонаға ташриф келтурдилар. Ул рисола ҳозир эрди, олиб очиб, муборак назарларин солдилар. Туно кунги асҳоб андоғки рўзгор аҳлининг ойину даъби бўлур, таажжуб изҳори юзидин туно ўтган воқеани ул ҳазрат хизматларида арз қилдилар. Алар табассум қилиб, дедиларким: “Ажаб амре иттифоқий бизнинг ва сизнинг оралиғда воқеъ бўлгон эрмиш: икки ё уч кун бурунроғ Мавлоно Шайх Абдуллоҳ ушбу рисолаани бизнинг қошимизга келтуруб эрди, биз доғи аввалдин бунёд қилдук, охириға дегинча ҳеч ерда турмоқ бўлмай туганди”. Тонгласи Мавлоно Шайх Абдуллоҳ келди, то китобин ё баҳосин олғай. Баъзи анга айттиларким: “Фалон яъни банда бу китобни аввалдинким ўқумоғ бунёд қилди, тугагунча иликдин қўймади”. Ул таажжуб юзидин дедиким: “Ҳазрати Махдумий

хизматлариға ҳам элта бердим, аларға ҳам ушбу ҳол воқеъ бўлди”<sup>1</sup>. Парчадан маълум бўладики, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий хузурига шайх Абдуллоҳ котиб Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” рисоласини олиб боради, уларнинг иккиси ҳам асарни бир нафасда ўқиб тугатишади. Муножот тарзидаги ушбу асарни Навоий “сўзнинг хўблуг ва равонлиғидин ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки жузвдин ортуғроғ эди – итмомға етти” дея, унинг ўқимишли, равон ва ҳажман кичик эканлигини ёзади.

Биз ҳар икки буюк зотни бир нафасда ўқишга ундаган мазкур асарни изладик ва интернет сайтларидан топишга муваффақ бўлдик. “Муножотномаи Хожа Абдуллоҳ Ансорий” сажъ усулида, 262 та муножотдан иборат. Баъзи муножотлар муаллиф хоҳиши билан бир сатр, ёки тўрт сатргача ёзилган. Жумладан: “Муножоти шумораи 1: Ё Раб, дили поку, жони огоҳам дех. Муножоти шумораи 2: Илоҳий номи ту моро жавоз, меҳри ту моро жиҳоз, шиноҳти ту моро амон, лутфи ту моро аён. Муножоти шумораи 3: Илоҳий, заифонро паноҳий, қосидонро бар сари роҳий, мўминонро гувоҳий, чи азиз аст он кас, ки ту хоҳий. Муножоти шумораи 10: Илоҳий, ҳар ки тўро шиносад, кори у борик ва ҳар ки тўро нашиносад роҳи у торик, тўро шиноҳтан аз ту растан аст ва ба ту пайвастан аз худ гузаштан аст. Муножоти шумораи 13: Илоҳий, то ба ту ошно шудам аз халқ жудо шўдам ва дар ҳар жаҳон шайдо шудам, ниҳон будам, пайдо шудам”<sup>2</sup>.

Алишер Навоийнинг “Муножот”и: “Зиҳи исминг Азим, раҳмонлиқ ва раҳимлиғинг – вожибут-таъзим. Исм – Сенинг исминг ва раҳмонлиқ ва раҳимлиқ – Сенинг қисминг, Сен – ганжу, офариниш – тилсиминг. Исминг жамъи сифати – асмой ҳусно, раҳмонлиқ ва раҳимлиғингга юз минг ҳамду сано. Раҳим ҳам Сен, Раҳмон ҳам Сен, Субҳон ҳам Сен”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 15 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 14-15.

<sup>2</sup><https://ganjooor.net/abdullah/>

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Муножот. Мукаммал асарлар тўплами. 16 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 286.



Шоир асарда дуо одобларига риоя қилади. “Илтижолар дастлаб Аллоҳ таолога мақтов, ҳамду санолар билан бошланади, кейин Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга мақтов ва салавотлар айтилади. Сўнгра арзи ҳол қилинади, қалб кечинмалари баён этилади. Ундан сўнг Аллоҳ таолодан дилдаги тилаклар сўралади. Илтижоларнинг ҳаммаси бевосита Аллоҳ таолога қарата қилинган хитоблардир”<sup>1</sup>. “Муножот” асари “Муножотномаи Хожа Абдуллоҳ Ансорий”ига ҳамоҳанг: “Илоҳи, акрам ул-акрамин – сен ва мен – гуноҳкор. Илоҳи, арҳам ар-роҳимин – сен ва мен тийра рўзгор. Илоҳи, агарчи журму исендин ўзга ишим йўқ, аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ. Илоҳи, йўқ эрдим бор эттинг, тифл эрдим, улуғлар жарғасиға қоттинг, аммо нафсу ҳаво елидин зуҳдум ниҳолин ушоттинг ва офиятим хайлин ёзуқ сипоҳи турктозидин тарқаттинг. Илоҳи, ёмон афъолимдин паришонлигим чўқтур ва шум нафсимда пушаймонлик йўқтур, мундоқ балодин кутулурға уммидим сендин-ўқтур. Илоҳи, ўзлук ёмонлиғидин ўзлугум била ўта олмайдурмен ва яхшиларнинг этагин ёмонлигим уётидин тута олмайдурмен. Илоҳи, йиллар ибодат қилғонни рад қилсанг, ҳеч ким дахл қила олмас ва қарнлар исён қилғанни қабул қилсанг, ҳикматин ҳеч киши била олмас...”<sup>2</sup> – тарзда яратилган.

Демак, илоҳийнома ёхуд муножот типига асарлар ёзиш Шарқда қадим анъана бўлиб, Ҳаким Саной, Фаридиддин Аттор каби шоирлар ижодида ҳам учратиш мумкин. Шу маънода Шайх Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома”сидан Алишер Навоий таъсирланиб, сажъ услуби ва муножот мазмунида туркийда ўз “Муножот”ини ёзган. Навоий бу билан ҳам адабий таъсир ва ҳам новаторлик ғоясини илгари сурган. Албатта, олима қайд этганидек, “Хожа Абдуллоҳ Ансорий ва Алишер Навоий “Муножот”ларининг тил, услуб, муддаолар нуқтаи назаридан олиб караганда, бир-бирига яқин ва ўзига хос жиҳатлари бор”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Абдумажид Ҳ-Я., Абдумажид Ҳ-Я. “Навоийдан чу топқайлар навое”. – Т. : “Hilol-Nashr”, 2014. – Б. 177.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Муножот. Мукамал асарлар тўплами. 16 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 288.

<sup>3</sup> Ганиева С. Алишер Навоийнинг “Муножот” асари. Қўлёзмалар – дурдоналар. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2001. – Б. 49.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов “бу асарни нашр этиш ва чуқур эътиқод билан ўрганиш орқали олима навоийшунослик фанининг ривожланиш даражасини яна бир поғона юқори кўтарди” – дея таъкидлайди<sup>1</sup>. Кейинги илмий ишлар, масалан, А. Аъзамовнинг “Муножот” асарига ёзган шарҳи<sup>2</sup>, Н. Эркабоевнинг “Муножот” асари шакл ва мазмун уйғунлиги, ўзига хос композиция, бадиий хусусиятларни таҳлил этиши<sup>3</sup>, Д.Бекмуродовнинг “Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий “Муножот”лари қиёсий таҳлили”<sup>4</sup> каби изланишларда шоирнинг ушбу асари ўрганилиши кенгайган. Асарнинг илмий-қиёсий матни тайёрланган ва ҳозирги тилимизга ўгирилиб, изоҳлар билан берилган<sup>5</sup>.

Олима илмий кузатишларидан яна бири, Навоий насрида муаллиф ички қиёфасини очиб берадиган нуқталарга аҳамият қаратиш бўлади. Матншунос Юсуф Турсунов “Муншаот” асарининг ўрганилиш тарихи хусусида гапирар экан, бу борада Суйима Ғаниевнинг хизматларига алоҳида тўхталади<sup>6</sup>. Олиманинг “Иншо санъати – “Муншаот” номли мақоласида, “биринчи марта Навоий хатлари иншо санъатидаги мактубларнинг қайси турларида битилганлиги айтиб ўтилади – муаллифнинг кўрсатишича улар мактубларнинг “хитобия” ва “жавобия” турларида ёзилган” деган қарашларини маъқуллайди. Дарҳақиқат, “ҳар қандай ёзувчи, шоир ижодий ўзига хослиги тақозоси билан асарларида ўз шахсияти изларини ва суврати чизиқларини қолдиради. Зероки, унинг бутун ҳаёти, ақлу идроки бадиий ижодга бағишланади, у билан чамбарчас боғлиқ бўлади”<sup>7</sup>, – деган фикрда бўлган олима Навоийнинг насрий асарларига шу нуқтаи назардан ёндашади ҳамда шоирнинг ҳар бир асарида муаллиф шахсиятига хос жиҳатларни илғашга ҳаракат қилади. Олима “Муншаот”

<sup>1</sup>Ҳайитметов А. Навоийшунос олима шижоати. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 6.

<sup>2</sup>Аъзамов А. Алишер Навоийнинг “Муножот” асарига шарҳлар. Муножотнома. – Наманган, 1997.

<sup>3</sup>Эркабоева Н. Алишер Навоий ижодида муножот: Филол.фан. номз... дисс.авто. – Тошкент, 2008.

<sup>4</sup>Bekmurodova D. Ahmad Yassaviy va Alisher Navoiy “Munajat”lari qiyosiy tahlili / Alisher Navoiy va XXI asr. Xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materillari. – Т.: Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, 2020. – Б. 431-432.

<sup>5</sup>Қаранг: Абдумажид Ҳ-Я., Абдумажид Ҳ-Я. Муножот. “Навоийдан чу топқайлар навоё”. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2014. – Б. 181-215.

<sup>6</sup>Турсунов Ю. “Муншаот” асарининг матний тадқиқи. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2016. – Б. 19-21.

<sup>7</sup>Ғаниева С. Навоий насри ҳақида. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 150.

асаридаги муаллиф шахсий ҳаётига хос бўлган бир мактуб ҳақида ёзади: “Муншаот”да Навоийнинг асраб олган ўғлига ёзган, таъбир жоиз бўлса, монолог шаклида битилган мактуби бор. Бу мактубни ишончини оқламаган, бутун орзуларини пучга чиқарган ўғилга отанинг бевосита мурожаатининг қоғоздаги акси дейиш мумкин”<sup>1</sup>. Суйима Ғаниева эътибор қаратган мурожаат-мактуб “Муншаот”да ушбу рубоий билан шундай бошланади:

**“Эй нафс ҳавосиға гирифтор ўлғон,  
Шайтон ишига ишинг намудор ўлғон,  
Ҳам зуҳд ила иззатқа сазовор ўлғон,  
Ҳам фиксқ ила олам элига хор ўлғон.**

Эй саргаштаи худрой ва эй бахти баргаштаи бесарупой, ул вақтдин бериким, мазаллат туфроғидин рўзгоринг чехрасин супурдим ва меҳнат дашти саргардонлиғидин паришон хулқунгни йиғиштурдим. Агарчи кичик эрдинг, аммо андоқ эрмаски, хотирингдин маҳв бўлмиш бўлғай ва агарчи тифл эрдинг, андоқ эрмаски, замирингдин унутулмиш бўлғай...<sup>2</sup>. Ушбу мактубда Навоий ўзи тарбиялаган фарзандига нафс балосига учраб, шайтоннинг ишига бўйсунгани ва бу шоирнинг кўнглини қанчалик ранжитиб, кўнгил уйи вайрон бўлганини, ёзади. Олима таъкидлаганидек, мактубда “Навоийнинг ғоят куйинчаклиги, қинғирликларга, тубанликларга ўта мурасасиз одам бўлгани ўз аксини топиш билан бирга, шоирнинг маънавий қиёфаси, руҳияти ўз аксини топган”.

Дарҳақиқат, “Муншаот” нафақат давр сиёсий, маданий ҳаёти, балки Навоийнинг шахсий кечинмаларини бизга намоён этадиган манба ҳисобланади. Шунинг учун “Муншаот”даги хатлар анъанавий мактублардан фарқ қилади, асардаги мактубларнинг кимларга ёзилганлиги аниқ кўрсатилмаслиги ҳам асарнинг адабий-бадиий мақсадда ёзилганлигини тасдиқлайди.

<sup>1</sup>Ғаниева С. Навоий насри ҳақида. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 152.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Муншаот. Мукамал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 1998. – Б. 215.

Суйима Ганиева шоирнинг бошқа насрий асарлари, жумладан, “Вақфия”да Навоий шахсиятига хос жиҳатлар акс этганлигига ҳам эътибор қаратади. Олима “Вақфия”да Навоий шоҳга қилган икки илтимоси, бири – ҳаж сафари, иккинчиси – давлат ишларидан бутунлай озод бўлиб, бадий ижод билан шуғулланиш учун изн сўраганлик ҳолатини “муаллиф чекинишининг энг ёрқин намунаси бўлиб, унда ритмик интонацияга алоҳида эътибор қилинган. Навоийнинг кашфиётларидан бири – психологизмдан давр, муҳитнинг мураккабликлари, зиддиятларини очиб бериш мақсадида фойдаланган”<sup>1</sup>, – деб изоҳлайди.

Шунингдек, олима Навоий “насрий асарларининг белгиловчи хусусиятларидан бири – уларнинг ўта хассос шеърий даҳо қалами остидан чиққанлигидир”, – деб билади. Навоийнинг насрий асарларида ҳам шоир маҳорати сезилиб туради. Навоийнинг насрий асарларга шеър киритишидан мақсади олима қайд этганидек, “назмий парчалар фикрни хулосалаш, яқунлашда, шунингдек, муаллифнинг асарларидаги ғоявий ниятини янада ошириб, эмоционал таъсирчанликни, бадий таъсирни янада кучайтириб бериш учун ҳам хизмат қилади. Баъзан Навоий асарларида назм насрда ифодаланган фикрнинг давоми сифатида берилиб боради. Баъзан эса назм далилий манба сифатида келтирилади”<sup>2</sup>. Хусусан, олима “Муншаот” асаридаги бир мактуб борасида шуларни ёзади: “Мазмуни ва шеърий парчалардаги бир мисрадан маълум бўлишича, мактуб Хусайн Бойқарога йўлланган. Мактуб қуйидаги рубоий билан бошланади:

**Ёшунган эмиш қаро булутга моҳим,**

**Гардунни совурмоғлиғ эрур дилхоҳим.**

**Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,**

**Невчун қаро қилмасун фалакни оҳим.**

<sup>1</sup>Ганиева С. Навоий насрида муаллиф қиёфаси. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 155.

<sup>2</sup>Ганиева С. Навоий насрида назмнинг ўрни. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 155.

“Хатдаги асосий мақсад мана шу рубойга сингдирилган инсон ҳаётидаги энг табиий туйғу – яқин ва яхши кимсасидан жудо бўлиш бениҳоя ҳазин лирик лавҳада берилади”<sup>1</sup>.

Шоир ижодиётини тўла намоён бўлишида дунё қўлэзма фондларида сақланаётган Навоий асарларининг минглаб нусхаларини тавсиф ва тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади. Қўлэзма нусхалар рўйхатини ўрганиш орқали муайян даврларгача номаълум бўлган ноёб нусхалар, айниқса, Навоийнинг ўз қўли билан ёзган автограф(дастхат)ини топиш шарафли ишдир. Ўтган асрнинг 70-йилларига қадар Навоий дастхати борасида ўзбек навоийшунослигида билдирилган эмас. Жумладан, Ҳ.Сулаймонов “Девони Фоний”, “Ситгаи зарурия” каби асарлар қўлэзма манбаларини эълон қилар экан, “Навоийнинг ўз қўли билан ёзилган бирор бет автографи ҳозиргача фан оламига маълум эмас”<sup>2</sup>лигини қайд этади.

1979 йили академик Ботирхон Валихўжаев “Алишер Навоийнинг мўътабар дастхат девони ҳақида” номли мақоласини эълон қилди. Олим эронлик адабиётшунос Бадри Отабой томонидан нашрга тайёрланган “Қўлэзма девонлар каталоги” (“Фехристи девонҳои хатти”)да Эрон ҳукумати кутубхонаси хазинасида 1799 рақам билан сақланаётган девон тавсифидан бу қўлэзма Навоийнинг қўли билан ёзилган ва шоир муҳри босилган нодир манба эканлиги ҳақидаги маълумотга эътибор қаратади<sup>3</sup>. 1990 йили Техрон университети томонидан ташкил этилган Абдулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сининг 1000 йиллигига бағишланган Жаҳон конгрессида Суйима Ғаниева иштирок этади ва “Кохи Гулистон” музейи хазинасидаги қайд этилган “Наводир ун-ниҳоя”нинг нусхасини кўришга муяссар бўлади.

Суйима Ғаниеванинг Навоийга бўлган ҳурмати унинг эътиқод ва иймони билан боғланиши айна ҳақиқатдир. У доимо Навоий даҳосига

<sup>1</sup>Ғаниева С. Навоий насрида назмнинг ўрни. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 145.

<sup>2</sup>Сулаймонов Ҳ. Сўзбоши. Алишер Навоий. Илк девон. – Т.: Фан, 1968. – Б. 12.

<sup>3</sup>Қаранг: Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг мўътабар дастхат девони ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – № 3. – Б. 41-43.

муҳаббат билан қараган. Ҳатто 80 ёшдан ошганида ҳам Навоий ҳақида гапирганида жойида ўтириб сўзлашни ўзига лозим топмаган. Ана шу хурмат ва эътиқод ҳосиласи ўлароқ, ушбу девон фото нусхаси юртимизга олиб келинди.

Шарқшунос Исмоил Бекчанов билан ҳамкорликда девон ва муҳр матнини ўрганишда аниқлик киритишди. Жумладан, олима Бадри Отабой томонидан тузилган “Феҳристи девонҳои хаттӣ” каталогида девон ва муҳр борасида: “Шу ерда Навоий муҳри босилган. (“Кун, оша фи-д-дунё к-ал-ғариб в-ал-фақир. Алишер”) (яъни, Дунёда фақир ва ғариб Алишердек ҳаёт кечир). Хат ва муҳри шариф Ҳазрати Навоий, алайҳа раҳма аст (яъни, хат ва шарофатли муҳр Ҳазрат Навоийникидир, Оллоҳнинг унга раҳмати бўлғай!) деган Маҳдийхон Астрободий ёзуви ва муҳри босилган”<sup>1</sup>, – дея берилган бўлса-да, у дастхат микрофильмини диққат билан ўқишда ундаги сўзларни куйидагича эканлигини аниқлашди: “Кун, фи-д-дунё ка-аннака ғарибун ав обиру сабилин ал-фақир Алишер”. Яъни: “Сен дунёда ғарибдек ёки мусофирдек яшагил, фақир Алишер”<sup>2</sup>.

Демак, Навоий муҳридаги ҳадис унинг бутун умри давомида эл-юрт хизматида бўлгани, ўткинчи дунёнинг ҳавасларига берилмагани, баъзида давлат ишларига қўл силтаб, Пири Ҳирот деб улуғланган Шайх Абдуллоҳ Ансорийнинг мазорига жорубкашлик қилишгача фақирликни ихтиёр этгани, аслида Фаҳрий Ҳиротийнинг “Равзат ус-салотин” асарида келтирилганидек, “ҳар куни 75 000 динор амир хазинасига тушар эди ва 15 000 чиқим бўлур эди...”<sup>3</sup> дея таърифланган шоирнинг қанчалик камтарликни афзал кўрганлиги маълум бўлади. Бу жиҳатларни инобатга олсак, навоийшуносликда Навоий муҳри ёзувини ўрганиш борасидаги тадқиқлар аҳамияти янада ошади. Олима бу борада изланишларини давом эттирар экан, “Фавойид ул-кибар” девонидаги ушбу китъани “Кун фид-дунйа ка-аннака ғарибун ав обиру сабилун” (яъни, сен дунёда ғарибдек, ёки

<sup>1</sup>Қаранг: Ғаниева С. Навоий дастхати. Сўзбоши. – Т.: Фан, 1991. – Б. 6-7.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Навоий дастхати. Сўзбоши. – Т.: Фан, 1991. – Б. 9.

<sup>3</sup>Қаранг: Сироҷиддинов Ш. Алишер Навоий. – Т.: “Академнашр”, 2011. – Б. 289.

мусофирдек яшагил) ҳадисининг таржимаси шоир муҳрига нақшланган эканлигини ёзади:

**Деди: Ҳазрати муфҳизи коинот,  
Анга ким эди ҳузнин ўкситгучи.  
Ки, дунёда бўлғил нечукким, ғариб,  
Ва ёхуд анингдекки, йўл ўткучи<sup>1</sup>.**

Ёки айнан шу девон нусха охиридаги ғазал мақтаёси ҳам муҳрдаги сўзларга ҳамоҳангдир:

**Кўйида ўлди Навоий бу сифатким, бор эди,  
Тақя хороғу ҳасире, ёни остида тўшак<sup>2</sup>.**

Суйима Ғаниева ушбу қўлёзмаси котиби хати борасида: “Алиф”, “коф”, “лом” ҳарфлари ўнг томонга мойил қилиб ёзилган, мисраларнинг нотекислиги эса хатнинг мистарсиз ёзилганидан белги беради. Лекин, шубҳасиз, хат китобат санъатидан пухта хабардор одамнинг қўли билан ёзилган. Ҳарфларнинг муайян мутаносиблигини сақланиши, ҳар бир ҳарфнинг аниқ ифодаланиши, хусусан, ҳарфларнинг нуқталари алоҳида-алоҳида қўйилиши фикримиз далили бўла олади. Айни чоғда, ҳарфларнинг бу уст ва остки нуқталарининг аниқ ва дона-дона қўйилиш ҳолини қадимги ўзбек тилидан хабардор бўлмаган форсийзабон котибларга енгиллик туғдириш мақсадида қилинганлигидан далолат берувчи омил деб қараш мумкин”<sup>3</sup>, – деган фикрни билдиради.

Ҳақиқатан, Навоий хатнинг тўғри, равон ва аниқ ёзилишига эътибор қаратган. Масалан, шоир “Маҳбуб ул-қулуб” асарида: “Чиройли хати бор котиб сўзга оро беради ва сўзлағувчига роҳат бағишлайди. Агар хат битувчи хаттот тўғри ёзса, унинг битгани тўғрилар кўнглига сўзсиз мақбул бўлади. Муҳаррир, хоҳ бир байт, хоҳ юз байт ёзсин, таҳрири дуруст бўлса мақбул тушади. Агар ёзув шакли чиройли ва тўғри бўлмаса, билимли кишини

<sup>1</sup>Қаранг: Ғаниева С. Шарқ мумтоз шеърлятида қитъа жанри / Шарқ мамлакатларида адабий жараёнлар: жанр ва поэтика масалалари. Илмий-амалий анжумани материаллари. – Т.:ТДШИ, 2010. – Б. 10.

<sup>2</sup>Қаранг: Навоий дастхати. (Наводир ун-нихоя). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи С. Ғаниева. – Т.: Фан, 1991.

<sup>3</sup>Ғаниева С. Навоий дастхати. Сўзбоши. Навоий дастхати. –Т.: Фан, 1991. – Б. 8.

ташвишга солади”<sup>1</sup>, – деб ёзади. Бу шоирнинг хаттотликка бўлган талабчанлигини яққол кўрсатади. Навоий “Хазойин ул-маоний” лирик тўпламини тайёрлашда ҳам катта таҳрир ишини амалга оширган. “Навоий илк девондаги шеърларини “Хазойин ул-маоний”га киритар экан, илк девонни кўчириш вақтида котиб томонидан йўл қўйилган хатоларнигина тузатиб қўя қолмай, балки кўпчилик шеърларни қайта таҳрир ҳам қилган. Шунинг натижасида бошқа кўлёмаларда илк девондаги бир неча шеърларнинг янги вариантлари вужудга келган”<sup>2</sup>.

“Наводир ун-ниҳоя” девони устидаги илмий изланишларни кенгайтириш мақсадида олима томонидан фотонусха асосида “Навоий дастхати” китоби нашр этилди. Албатта, факсимел нашр манба ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди. Шу билан бирга олим Алимулла Ҳабибуллаев қайд этгандек, “факсимель нашр, одатда кўлёмма устидаги тадқиқотларни давом эттиришда кўлёмма нусха ўрнини босадиган китоб ҳосил қилиш учун чоп этилади”<sup>3</sup>. “Наводир ун-ниҳоя”нинг янги факсимил нашрини илм оламига тақдим этиш янги изланишларга сабабчи бўлди. Дастхат муаллифи борасида А.Ҳайитметов шундай ёзади: “Бизнингча, бу соҳадаги изланишларни бундан буён яна давом эттириш керак. Кўлёманинг биринчи бетидаги Навоийнинг “катабаху” деган сўзини эса “ёздим”, “кўчирдим” маъносида эмас, ушбу девонни “туздим”, “китобат қилдим” деган маънода тушуниш керак. Луғатларда бу сўзнинг шу маъноси ҳам бор. Яъни бу девонга шеърларни шахсан Навоийнинг ўзи танлаб, тайёрлаб берган. Бошқа одам кўчирган. Бу котибнинг номи эса бизга номаълум”<sup>4</sup>. “Наводир ун-ниҳоя” девони кўлёммасини шоир дастхати дейишга асослар етарли бўлмаслиги мумкин. Биз аҳамият қаратмоқчи бўлган нарса шуки, Суйима Ғаниева томонидан амалга оширилган бу иш Ватанимиздан узоқда қолиб кетган кўлёмма манбаларимизни юртимизга қайтариш, фидойилик, Навоий

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қуллуб. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 28.

<sup>2</sup>Исоқов Ё. Навоийнинг илк девонини текстологик текшириш принципиари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1962. – № 4. – Б. 66.

<sup>3</sup>Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б.155.

<sup>4</sup>Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997. – Б. 101.



ижодига бўлган ворислик туйғусининг кучли ифодаси ва шоир муҳридаги сўзларнинг аниқланишидир.

Алишер Навоий асарлари ўзи яшаган даврдаёқ эл орасида кенг тарқалди. Улар дунёга манзуру машҳур бўлди. Шоир асарлари фақат туркий ва форсий тилда сўзлашувчилар учун эмас, бошқа халқ вакиллари учун ҳам маънавий-маданий манба сифатида катта аҳамиятга молик эди. Адабиёт мухлислари Навоий асарларини турли тилларга таржима қила бошлашди. Хусусан, XVI асрдан ғарб шарқшунослари орасида шоир асарларига қизиқиш бошланган. Бу даврда Италияда Христофор Армений Навоийнинг “Сабъаи сайёр” ҳамда Хусрав Дехлавийнинг “Ҳашт бихишт” асарларидан илҳомланиб, “Шоҳ Сарандебнинг уч навқирон ўғиллари саёҳати” асарини италян тилида яратади. “Сабъаи сайёр” асари немис, француз ва голланд тилларига таржима қилиниб, йиллар давомида кўплаб нашр этилади. Шунингдек, XVII асрда грузин шоири Цицишвили “Сабъаи сайёр” достонини эркин таржима қилиб, “Етти гўзал” асарини эълон қилади. XX аср бошларида “Муҳокамат ул-луғатайн” асари турк, татар тилларига таржима қилинади<sup>1</sup>.

1966-1970 йиллари Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан шоир асарлари рус тилида 10 жилдлик асарлар тўплами шаклида нашр этилди. Бу навоийшуносликда йирик ҳодиса бўлиб, кўплаб навоийшунос, таржимон, шоирлар меҳнати натижасида юзага келди. Суйима Ғаниева навоийшунос ва таржимон сифатида бундай масъулиятли ишда иштирок этади. Олима Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” (Собрание избранных), “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” (Жизнеописание Пахлавана Муҳаммада), “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” (Жизнеописание Сайида Хасана Ардашера) асарларини ва кейин алоҳида “Муножот” (Мунаджат. Обращение к богу) асарини рус тилига таржима этди.

Маълумки, таржима лисоний ва ақлий-ментал қобилияти билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Таржима матнида таржимон нутқий-тафаккур

---

<sup>1</sup> Қаранг: Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. – Т. : Фан, 1968. – Б. 43.

фаолияти малака-кўникмаларини қай даражада эгаллаганлиги, тилнинг синтактик структураси қоидалари ҳамда ижтимоий-тарихий муҳитда тўплаган билим захирасининг мавжудлигида намоён бўлади. Таржимон ҳар иккала тилнинг лисоний-когнитив ва руҳий-семантик жиҳатларини яхши билиши, маданиятлараро мулоқот қилиш жараёнида тўғри қарор қабул қила олиши керак. Таржима мулоқотнинг икки тил тизимидан фойдаланиш жараёни экан, таржимон шу тилларни яхши эгаллаган мутахассис ҳисобланади.

Албатта, таржимон бажарган иш аҳамияти аслият муаллифи айтмоқчи бўлган фикрни матнда қай даражада сақлашга эришганлиги билан баҳоланади. Шунинг учун ҳам таржимон, аввало, аслиятни ўзлаштириши, яъни манбани тўла идрок этиши керак. Агар таржима қилинаётган манба мумтоз адабиёт, яъни таржимон замонидаги тил билан бир даврга оид бўлмаса, бу ҳолатда жараённинг нечоғлик мураккаб кечишини тасаввур этиш қийин эмас. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис”нинг 8-мажлисида Ҳусайн Бойқаро таърифи муаллиф тилида шундай акс этади: “Салтанат баҳрининг дурри яктоси ва хилофат сипехрининг хуршеди жаҳонороси, саховат ҳавосининг абри гуҳарбори ва шижоат бешасининг ҳузабр шикори, адолат чаманининг сарви сарбаланди ва мурувват маъданининг гавҳари аржуманди, кўшиш размгоҳининг Рустами достони ва бахшиш базмгоҳининг Ҳотами замони, фасоҳат илмининг нукта бирла сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат била мўъжиза пардози – Султон ус-салотин Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон...”<sup>1</sup>.

Суйима Ганиева эса ушбу парчани рус тилига: “Редкостный перл в море владычества, солнце, украшающее мир в небосводе власти, облако источающее жемчуг с небес щедрости, неустрашимый лев в лесу храбрости, высокий кипарис в саду справедливости, драгоценный камень в руднике великодушия, легендарный Рустам на поле битвы усердия, Хатам времени в чертоге дарения, проницательный чародей в мире красноречия, чудодей,

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б.173.

владающий благоречием вселенной, исполненным изящества, - султан всех султанов Абулгази Султон Хусейн Бахадыр-хан...”<sup>1</sup>, – тарзида ўгиради.

Матннинг асл вариантыдаги сўз, ибора, бирикмаларга аҳамият қаратадиган бўлсак, *дурри яктоси, яъни ягона дури, хилофат сипехри, яъни халифалик осмони, хуршеди жаҳонороси, яъни жаҳонни безовчи кўёши, абри гуҳарбори, яъни гавҳар сочувчи булуту, шижоат бешасининг хузабр шикори, яъни шижоат ўрмонининг вазжоҳатли шери, сарви сарбаланди, яъни баланддан баланд дарахти, мурувват маъданининг гавҳари аржуманди, яъни мурувват хазинасининг тоза гавҳари, кўшиш размгоҳининг Рустами достони, яъни саъй-ҳаракат майдонининг Рустами достони, бахшиш базмгоҳи, яъни кечирувчилик базмгоҳининг Ҳотами замони, фасоҳат, яъни нотиклик* каби дастлабки таржима олиб борилади. Эски ўзбек адабий тили билан бирга форс тили, араб тили асл матн манбаси бўлган, таржимон асл матндаги сўзларни аввал ҳозирги ўзбек адабий тилидаги маъноларини ўрганган, кейин асл матн рус тилига таржима этилган. Бу билан таржимон матнни таржима этишда икки босқични амалга оширган:

1. Идрок этиш (рецептив) босқич.
2. Қайта матн тузиш (репродуктив) босқич.

Биринчи босқичда олима асар матнини аслият мазмунини семантик жиҳатдан тушуниш учун луғатлар асосида дастлабки англаш, идрок этиш жараёнини олиб борган, иккинчи босқичда манбанинг рус тилидаги матнини тузади.

Баъзан таржимада муаллиф матнини ўзгартиришга йўл қўйилган. Мақсад гапда аниқлик ва ихчамлиликка эришишдир. Суйима Ғаниева таржима ишларида ҳам шу мақсадга интиланлик ҳолати кўринади. Олима шоир асарини таржима этишда ортиқча батафсилликдан қочади. “Мажолис ун-нафоис”нинг ҳар бир мажлис яқунланиши шоир томонидан турли хил

---

<sup>1</sup> Навои, А. Собрание избранных. Сочинения в десяти томах. 9-том. Перевод Суйимы Ганиевой. – Т.: Фан, 1970. – С. 152.

сўзлар: Аввалги мажлисининг итмоми, иккинчи мажлисининг ихтимомми, учинчи мажлисининг хатми, тўртинчи мажлис охири каби ишлатилган бўлишига қарамай, таржимон мажлисларнинг якунини “заклучение” (хотима) тарзида берадики, бунга сабаб ўқувчини чалғитмаслик, матн таржимасини оғирлаштирмасликдир.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарини рус тилига ўгирган таржимон С.Иванов ҳақли равишда “Навоий асарларини асл нусхада ўқийдиган киши матнда мазмун борасида оқилона шарҳ талаб этадиган кўпгина “дақиқ” ўринларга дуч келади. Матнни ўқиш ва тушунишда ҳатто мазкур соҳада ихтисослашган ҳамда кўп асрлик қадимий матнларни ўқиш тажрибасига эга бўлган филолог ҳам қийналиши мумкин. Шеърини матндаги маънони “чиқариш” кўпинча филологик тадқиқий табиатга эга бўлган катта иш билан боғлиқ”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган. Суйима Ғаниева “Мажолис ун-нафоис”даги ғазал, қасида, рубоий кабилар таржимасида асосан мазмунни сақлашга аҳамият қаратган. Лекин шеър шакли, вазни, оҳангини ўзгартириш билан таржима матнини яратган. Масалан, Еттинчи мажлисдаги Халил Султоннинг ушбу байти аслиятда:

**Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,**

**Коми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил<sup>2</sup>.**

Суйима Ғаниева байтни насрий шаклга мойил ҳолатда қуйидагича таржима этади:

**О пери, красавица тюрчанка, откажись от коварства,**

**Желание нашего сердца – рубин уст твоих, исполни его.**

Албатта, таржимада шеър вазнига мос ўлчамни танлаш таржимачиликдаги мураккаб назарий масалалардан биридир. Шунинг учун бошқа тилда асл нусхага яқин, унга монандроқ жаранглайдиган оҳанг танлаш тўғри бўлади. Олима байт таржимасида “*О пери, красавица*

<sup>1</sup>Иванов С. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони. Таржимон Абдулла Шер // Жаҳон адабиёти, 2015. – № 8. – Б. 25.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 203.

*тюрчанка*” ундалмаси, “*исполни его*”<sup>1</sup> буйруқ шаклини танлаш билан шеърнинг мусиқий кайфиятини сақлашга ҳаракат қилади.

Бугун Алишер Навоий ижоди нафақат рус тили, балки дунёнинг бошқа – француз, испан, немис, инглиз тилларига ҳам таржима этилмоқда. Жумладан, Навоий ғазалларини француз тилига ўгириш тажрибасини дастлаб бошлаган таржимонлардан бири М.Эргашев Шарқ шеърлятига хос бўлган шеърлий тизимни таржимада сақлаш борасида шундай фикрни билдиради: “Бизнинг бош мақсадимиз Навоийнинг сўзига хиёнат қилиб қўймаслик ва ғазалларнинг руҳи ва мазмунини француз китобхонига тўла етказиб бериш эди. Шунинг учун ҳам баъзи ўринларда мисраларни иккига бўлиб, вазни енгиллаштиришга, таржималаримизни бугунги француз китобхони ўрганиб қолган шакл ва оҳангга солишга ҳаракат қилдик”<sup>2</sup>. Шу нуқтаи назардан, таржима билан аслият матн транслитерацияси биргаликда нашр этирилишини тўғри, деб биламиз. Чунки бунда ўқувчи асл матндаги руҳиятни илғайди, қолаверса, таржимон маҳоратини аниқ кузата олиш натижасида таржимани холис баҳолаш имконига эга бўлади. Бундай нашр Навоий асарларини чет тилларга таржима этаётган хорижий мутахассислар томонидан ҳам қайд этилмоқда. Жумладан, шоирнинг “Лисон ут-тайр” асарини инглиз тилига таржима қилган канадалик адабиётшунос ва таржимон Гарри Дик Алишер Навоий мукамал асарлар тўпламини “дигитал” форматга ўтказиш устида иш бошлаган, бу лойиҳага Суйима Ганиевани ҳам таклиф этган эди. Хорижлик олим ўзининг Навоий асарларини инглиз тилига таржима этиш тажрибаси ҳақида гапириб шундай таклифни беради: “Маъно таржиманинг муҳим жиҳати. Ниҳоятда поэтик бўлган қадимги ўзбек тилини бу қадар поэтик бўлмаган бошқа бир тилда сақлаб қолиш ниҳоятда мураккаб. Мен Навоийнинг яна бошқа бир асарини таржима қилмоқчи бўлсам қандай иш юритган бўлардим? Биринчи навбатда, маънони таржима қилардим ва ишончим комилки, аслиятдаги

---

<sup>1</sup>Навои, А. Собрание избранных. Сочинения в десяти томах. 9 том. Перевод Суйимы Ганиевой. – Т.: Фан. 1970. – С. 152.

<sup>2</sup>Эргашев М. Икки мақолага бир жавоб // Ёшлик, 2011. – № 2(243). – Б. 52.

мазмун ифодаланган байт кўринишидаги маъноли мисралар инглиз тилида ҳам чиройли жаранглайди. Шунингдек, мен таржимамга инглиз тилига транслитерация қилинган аслият матнини ҳам илова этаманки, натижада инглиз китобхони аслиятда ғазал қанақа жаранглашини овоз чиқариб ўқиш имкониятига эга бўлади”<sup>1</sup>.

Мумтоз асарлар таржимасида аслиятнинг транслитерацияси берилиши ўзга тил вакилларига аруз вазнидаги асарлар жарангини йўқотмасдан мазмун ва шаклни яқинроқ ҳис этиш имкониятини ҳам яратади. Суйима Ғаниева “Таржимаҳои осори Хайём ба ўзбеки” мақоласида Шоислом Шомухамедовнинг таржимонлик маҳоратини Абдурауф Фитрат, Жамол Камол, Нусрат Карим кабилар билан қиёслар экан, шундай ёзади: “Бу таржималарда ҳаммадан кўра маънонинг бир хиллиги, рубойнинг асл мазмунини сақланишини назарда тутган. Таржимон шеърӣ таржималарида бадий санъатларни, рубойӣ балоғатини сақлаган ҳолда шоирнинг руҳиятига кириб бориб, шеърларнинг ритм ва оҳанглариини ўз ҳолича сақлашга ҳаракат қилган”<sup>2</sup>. Олима шу ўринда қиёслаш учун бир бетда уч тилдаги рубойӣ жойлашган параллел матндан фойдаланади. Параллел шаклда турувчи асл матн, таржима ёки табдил тадқиқотчиларнинг изланишларига ҳам жуда қўл келади.

Суйима Ғаниевада Навоӣ асарларини рус тилига таржима этиш учун махсус илмӣ тайёргарлик ва шароит мавжуд эди:

1. Таржимонда шоир асарларини рус тилига таржима этишидан аввал унинг шахсияти ва асарларига бўлган муҳаббат, руҳӣ яқинлик, миллий ғурур шаклланган, яъни олима Навоӣни англаган, кейин таржима ишига киришган.

2. Таржимон – аслият тилини мукамал эгаллаган, таржимон – навоӣшунос, таржимон – рус тилини пухта эгаллаган. Мана шу учта

---

<sup>1</sup>Гарри Дик. Гўзалликнинг туғилган куни / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2014. – 7 февраль.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Таржимаҳои осори Хайём ба ўзбакӣ // Сино, 2006. – № 22. – Б. 51-53.

фаолият бирлиги Навоий асарларининг рус тилига пухта таржима бўлишини таъминлаган.

3. Таржимада луғатлар муҳим саналади. Олима ижодий лабораториясида турли ноёб луғатлар араб, форс, рус, ўзбек тилларининг изоҳли ва таржима луғатлари доимо мавжуд бўлган. У таржимада ноёб луғатларга асосланганки, бу амалга оширилаётган таржимага ишонч хиссини берган. Масалан, рус ҳарбий шарқшуноси И.Д.Ягеллонинг “Арабча-форсча-русча луғат” (Тошкент, 1910) каби луғатлар олима кутубхонасида бўлган.

Суйима Ғаниеванинг таржимачилик фаолиятидаги яна бир ютуғи – рус тилидаги “Ўзбек адабиёти тарихи”ни тайёрлашдаги иштироки бўлади. “Илк бор рус тилида нашр этилган икки жилддан иборат “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида ўзбек классик адабиёти бир бутун ҳолда илмий холислик асосида таърифланганки, биз ўзбек адабиётининг бошқа тилларида чоп этилган бундай тарихига эга эмас эдик. Табиийки, бу йирик тадқиқот унинг яратган муаллифларидан чуқур билим, теран нуқтаи назар ва катта бардошни талаб этган”<sup>1</sup>, – деб ёзишади адабиётшунослар Р.Орзибеков ва Ҳ.Абдусамиевлар. С.Ғаниева бундай машаққатли ва масъулиятли ишда иштирок этгани учун 1992 йили Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотиغا савозор бўлди. Ҳақли равишда таъкидланганидек: “...муаллифлар ҳамкорлигида яратилган рус тилидаги икки жилдлик тадқиқот бизнинг кўз ўнгимизда ўзбек адабиётининг кўп асрлик тараққиёт манзарасини, унинг холис, объектив илмий тарихини тўла намоён қила олади. Асар жумхуриятимиз илмий-маданий ҳаётида муҳим воқеа, ўзбек филологияси тараққиётида янги улкан ютуқ сифатида юксак баҳоланишга арзигуликдир”<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, мумтоз асарларни рус тилига таржима этилиши тарихий жараён бўлиб, ўзига хос таржимачилик мактаб вужудга келган эди.

<sup>1</sup>Орзибеков Р., Абдусамиев Ҳ. Адабиёт ва тарих / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 29 ноябр.

<sup>2</sup>Мамажонов С., Мирзаев Т. Адабиётимиз кўзгуси / Ўзбекистон овози, 1991, 19 ноябр.

Олима шоирнинг диний, тасаввуфий йўналишдаги асарлари нашрида ҳам иштирок этган. Давр тақозоси билан нашр этилмасдан қолган “Сирож ул-муслимин” асари 2000 йили Алишер Навоий мукаммал асарлари тўпламида изоҳлар билан олима томонидан биринчи марта эълон қилинди. Албатта, соф диний йўналишда бўлган бу асар кейинги тадқиқотларда ўрганилиб, дастлабки нашрнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилмоқда<sup>1</sup>.

2001 йили С.Фаниева Марғуба Мирзааҳмедова билан ҳамкорликда “Насойим ул-муҳаббат” асари нашрга тайёрланди. Тазкира матнини тузишда ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 857 ва 5420 инвентар рақамли қўлёзмалар ҳамда асарнинг Туркияда доктор Камол Эраслон томонидан 1996 йили чоп этилган танқидий матни асос қилиб олинган. Шунингдек, матнларни қиёслаш, шахс ва жой номларини тўғри ёзиш, таржима ва изоҳлар тузишда Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс” асари қўлёзмаси, Эрон ва Тошкентда чоп бўлган изоҳли манбалар, Маҳмуд бин Усмон Али томонидан усмонли турк тилига ўгирилган таржимадан фойдаланилганлиги қайд этилади<sup>2</sup>.

2011 йили матншунос Ҳомидхон Исломий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасини илмий-танқидий матн ҳолида нашр эттирди. Ҳ.Исломий илмий-танқидий матн тайёрлашда таянч нусха сифатида Истанбул Тўпқоқи музейи Реван кутубхонасидаги 808 рақамда сақланаётган Алишер Навоийнинг 1495-96 (901 ҳижрий) йили Ҳиротда китобат қилинган “Куллиёт”и фотонусхасини танлаган. Шунингдек, кўмакчи қўлёзмалар, XVI асрда Ҳиротда кўчирилган, ҳозирги вақтда Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти Санкт-Петербург қўлёзмалар фондида Д97 рақами билан сақланаётган нусха ва Истанбул Сулаймония музейи Фотиҳ кутубхонасида 4056 рақамли Навоий асарлари куллиёти каби манбаларни

---

<sup>1</sup>Қаранг: Абдумажид Ҳ-Я., Абдумажид Ҳ-Я. “Сирож ул-муслимин”(Насрий баёни ва қисқача изоҳи билан). “Навоийдан чу топқайлар навое”. – Т. : “Nilol-Nashr”, 2014. – Б. 116-174.

<sup>2</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17 жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 2-3.



ишга жалб этганлигини ёзади. Ҳ.Исломий ишга ўзига хос тарзда ёндашган, яъни, кўлёзма асарда ёзилган сўзлар мураккаблиги туфайли матнни осонроқ илғаб олиш ва ўқиш учун тиниш белгиларини кўйиб чиққан, кўчирма гапларни кўштирноққа олиб, ажратиб берган. Арабий, форсий ибораларига, ҳозирги ўзбек адабий тилида кам ишлатиладиган туркий сўзларга ҳаракат белгиларини мумкин қадар аниқликда кўрсатиш, Қуръон оятлари, ҳадислар тўғри ўқилиши учун ҳаракат белгиларини кўйиш орқали тазкиранинг кейинги нашри, айтиш керакки, анча енгил ўқилади. Ана шу қулайликларни ҳисобга олиб Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Тошкент давлат шарқшунослик институти Ҳ.Исломий тайёрлаган илмий-танқидий матнни кирилл ёзувига таъдил қилиб, 2017 йили “Мовароуннаҳр” нашриётида чоп этиришди<sup>1</sup>. Ҳ.Исломий ва 20 жилдлик тўпламдаги нашр матнини ўзаро солиштиришда айрим фарқлар кўзга ташланади. Масалан: Аҳмад Хузравийх Балхий қ.с. (47.МАТ) – Аҳмад ал-Хузравийа ал-Балхий (47. Ҳ.Исломий), Ахий Фараж Занжоний (179.МАТ) – Ахий Фарах Занжоний (179.Ҳ.Исломий), Шайх Абу Али Формадий (437. МАТ) – Шайх Абу Али Формазий (437. Ҳ.Исломий), Хожа Абдулхолик Ғиждувоний (442. МАТ) – Хожа Абдулхолик Ғуждавоний (442. Ҳ.Исломий), Хожа Ориф Ривгарвий (443. МАТ) – Хожа Ориф Ривигиравий (443. Ҳ.Исломий).

Ёки: “Шайх Муҳйиддин Абдулқодир Жилий қ.с.Куниятлари Абу Муҳаммаддур. Насабда Алавий Ҳасаний эрмишлар. Она жонибидин Шайх Абу Абдуллоҳ Савмаъийға набира бўлурлар” (МАТ) берилган бўлса, кейинги нашрда: “Шайх Муҳийуддин Абдулқодир Жилий қаддасоллоху сирраҳу. Куниятлари Абу Муҳаммаддур. Насабда Алавий Ҳасаний эрмишлар. Ани жонибидин Шайх Абу Абдуллоҳ Савмаъийға набира бўлурлар” (Ҳ.Исломий).

Бундан ташқари, нашриёт ва матн қоидаларига кўра, асосий матнда учровчи такрорий сўзлар қисқартмаси берилади, жумладан, ҳар бир

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойимил футувват. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Ҳ.Исломий. – Т.: “Movarounnahr”, 2017.

авлиёнинг исми охирида келтириладиган “қаддасоллоху сирраху”, “қаддасоллоху таоло руҳаху” сингари алқовлар Ҳ.Исломий матнида қисқартма шаклида берилмаган ва мазкур қоидага амал қилинмаган. Хуллас, Алишер Навоийнинг МАТдаги Суйима Ғаниева ва М.Мирзааҳмедова томонидан тайёрланган ўн еттинчи жилд нашри баъзи имловий хато, камчиликларни ҳисобга олмаганда, кўп томлик нашрлар қоидасига кўра тайёрланган.

Энди навоийшуносликдаги мулоҳазали ҳолат, хусусан, “Рисолаи тийр андохтан” асари хусусида тўхталмоқчимиз. Рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс “Навои” монографиясида шоир асарлари қаторида “Рисолаи тийр андохтан” деб номланган китоб ҳам келтиради<sup>1</sup>. Суйима Ғаниева асарни илк бора матбуотда ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишни лозим топади<sup>2</sup>. Олима “Фаразлар ва тахминлар” рукни остида эълон қилинган ушбу асар хусусидаги мунозарали ёндашувлар бўлганлигини шундай изоҳлайди: “Ушбу сатрлар муаллифларидан бири – Суйима Ғаниева қўлида Алишер Навоийнинг 1667-70-йилларда кўчирилган тўлиқ бўлмаган 17 асардан иборат куллиёти мавжуд. Унинг 151-152 саҳифаларида “Рисолаи тийр андохтан” асари ўрин олган. Асар матншунос Порсоҳон домла Шамсиевга кўрсатилган эди. У киши: “Бу асар Навоий қаламига мансуб бўлмаса керак, ривоятнома мазмунидаги бирор бир “Қисса” каби асардан парчага ўхшайди”, – деган фикрни билдирган, шоир Ғафур Гулом эса, бу асар Алишер Навоий қаламига мансуб, деган тахминимизга анча кескин муносабатда бўлган эди”<sup>3</sup>. Олиманинг ўзи ҳам тўлиқ ишонч билан “Рисолаи тийр андохтан”ни Навоийнинг асари деган хулосага келмаган. Бизнингча, “Рисолаи тийр андохтан” асари Навоийга нисбат берилган асар ҳисобланади.

<sup>1</sup>Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. – М. -Л.: Академии Наук СССР, 1948. – Б. 270.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Рисолаи тийр андохтан // Тафаккур, 1995. – № 3-4. – Б. 122-123.

<sup>3</sup>Ғани қизи Суйима, Урфон Отажон. Ўқ ва ёй рисоласи // Тафаккур, 1995. – № 3-4. – Б.120.

“Рисолаи тийр андохтан” Навоийнинг шу мавзудаги бошқа асарларидан фарқ қилади. Жумладан, шоир “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида ёзади: “Одам салавотуллоҳ алайҳ хилқати. Одамнинг кунияти Булбашардур ва лақаби Сафиюллоҳдур. Чун иродатуллоҳ анинг хилқатиға муқтазий бўлди, Жаброил (а.с.) га амр бўлдиким, бир миқдор туфроғ анинг тийнати тахаммури учун ул ердинки, ҳоло Макка анинг ўрнидадур, келтурсун. Жаброил (а.с.) бу амрға иштиғол кўргузди, бир ҳол тили била анга онт бердиким, туфроғни мендин олмаким, бўлмағайким, бу махлуқдин ношойист амр вужудқа келгайким, ул сабабдин мен ҳақ таолонинг мужиби сахту хитоби бўлғаймен. Жаброил (а.с.) қайтиб анинг сўзин арз қилди эрса, Микойилға ҳукм бўлди. Ул дағи ердин ҳам андоқ онт эшитиб қайтди, эрса, Исрофилға ҳукм бўлди...”<sup>1</sup>.

Энди “Рисолаи тийр андохтан”дан олинган парчага эътибор қаратадиган бўлсак: “Аммо хабарда андоқ келтирурким, чун Ҳазрати Одам Сафий (салавотуллоҳи алайҳ) дунёга келгондин сўнг Худойи таоло анинг гуноҳин бағишлади эрса Жаброил (а.с.)га амр бўлдиким, Одамға деҳқончиликни ўгротгил. Жаброил (а.с.) келиб айди: – Ё Одам, Худойи таоло санга айди, андин сўнг амр қилдиким, деҳқончилик қилсун. Чун Одам (а.с.) бу пайғомни эшитти, эрса қабул қилди. Ва Жаброил (а.с.) уруғ олиб келди ва Одам (а.с.) сочти ва ерни мола қилди. Қазоға қарғалар келиб, эккан буғдойни ковлаб олиб ея бошлади. Одам (а.с.) андоқ кўруб, муножот қилиб айдиким: –Илоҳи, менинг, экканимни зоеъ қилмагил. Бас, Худойи таоло Жаброил(а.с.)дин Одами Сафийға бир ёй ва неча ўқ йиборди. Чун Одамға ўқ отмоқни ўгротти...”<sup>2</sup>

Бу икки асардан олинган парча ўзаро солиштирилганда шундай тафовутлар кўринади:

1. Услубий фарқ, яъни биринчи парча бадий-илмий услубда, иккинчи парча кўпроқ оммабоп услуб ва халқона тилда ёзилган.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Мукамал асарлар тўплами. 16 жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 97.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Рисолаи тийр андохтан. Мукамал асарлар тўплами. 16 жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 293.

2. Асарларда араб, форс тилидаги сўзларнинг қўлланиш даражаси ҳар хил, яъни биринчи парчада: кунияти, хилқатиға, муқтазий бўлмоқ, тийнати тахаммури, иштиғол кўргузмоқ, ношойист, мужиби сахту хитоби каби сўз ва иборалар қўлланган бўлса, иккинчи парчада эса нисбатан кам: пайғом, муножот сўзлари ишлатилган.

3. Асарларда келтирилган сўзлар Алишер Навоий асарлари луғатида мавжудлиги жиҳатидан, яъни “Рисолаи тийр андохтан”дан олинган парчадаги “мола” сўзи форсча, молидан – текисламоқ сўзидан олиниб, уруғ сочиш учун ҳайдалган ерга дон сочиш ва текислашда ишлатиладиган текислаш асбобини англатди, бу сўзни “Навоий асарлари луғати”да учратмадик<sup>1</sup>.

Бизнингча, “Рисолаи тийр андохтан” асари Навоий асарлари сирасига котиб томонидан нотўғри киритилган, бошқа нусхаларда бу хатолик такрорланган. Тарихда котибларнинг кўчираётган асарига баъзан эркин муносабатда бўлиш ҳолати учрайди. Масалан, XIX асрда Навоий “Хамса” асарининг Муҳаммад Раҳимхўжа ибни Подшоҳхўжа Насафий деган котиб томонидан кўчирилган нусхасида “Сабъаи сайёр” достони тугагандан сўнг котибнинг 17 байтдан иборат маснавийси келтирилади<sup>2</sup>. Ш.Сирожиддинов котиб Насафийнинг 17 байтли маснавийси хусусида “котиблар кўчираётган асарларига баъзан ижодий-эркин муносабатда бўлган”<sup>3</sup>, – деб ёзади. Шундай ҳолатга яқин, “Рисолаи тийр андохтан” асари муаллифи номаълум бўлиб, котиб ихтиёри билан Навоий куллиётига киритилган ҳамда бу илова бошқа нусхаларда ҳам такрор кўчирилган.

Албатта, бу каби илмий фаразлар ёки мунозарали ҳолатлар учраши Суйима Ғаниеванинг Алишер Навоий илмий биографиясини яратишдаги сермашаққат илмий изланишлари савиясини туширмайди. Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Суйима Ғаниева ўзбек

<sup>1</sup>Қаранг: Навоий асарлари луғати. – Т. : Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

<sup>2</sup>Қаранг: Валихўжаев Б. Алишер Навоий “Хамса”сининг қўлёзма нусхалари. Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. Тўплам. – Самарқанд, 1981. – Б. 20.

<sup>3</sup>Қаранг: Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – Б.16.

навоийшунослигига 60-йиллар бошларидан кириб келиб, Навоий биографиясини яратишда илмий-адабий қарашлари, таржима ишлари, матншунослик ва манбашунослик оид илмий янгиликлари билан мунтазам иштирок этиб келди ва ўзига хос илмий йўналишни яратди.

## **1.2. Алишер Навоий адабий давраси ва ижод манбасини ўрганиш тамойиллари**

Навоийшуносликда Суйима Ғаниева илмий-адабий тадқиқотлари улуг шоир ижод лабораторияси, мактаби, суҳбатдошлари ва адабий давраси ижодкорлари фаолиятини ўрганишга қаратилганлиги билан ажралади. Олима Ҳусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Гадоий каби бевосита шоир адабий ҳаётига яқин кишилар ҳақида илмий изланишлар олиб борган. Айни шу ҳолат олима тадқиқотларида атрофлича мулоҳаза билдириш, Навоий шахсиятини гавдалантириш ҳамда шоир ҳаётидаги воқеалар ҳақида тасаввур ҳосил қилишда илмий асос бўлади. Олиманинг Алишер Навоий адабий даврасини ўрганиш ишларига дастлаб адабиётшунос Нажмиддин Комилов: “Илм нури ила кўнгли чароғон олима Суйима Ғаниева Навоий ижодини атрофлича тадқиқ этиш учун Ҳирот адабий муҳити, хусусан, Жомий ва Ҳусайн Бойқаро ижоди, уларнинг Навоий билан маслакдошлиги, ижодий ҳамкорлиги ҳақида бир туркум тадқиқотлар яратди”<sup>1</sup>, – деган фикрлари билан эътибор қаратган эди.

Суйима Ғаниева илмий изланишларида Ҳирот адабий муҳитини ўрганиш асосий мақсад бўлган. У “Алишер Навоий” китобида ёзади: “Навоий бошчилик қилган Ҳирот маданий муҳитида тилшунос олимлардан Сайфиддин Аҳмад, Шайх Ҳусайн, адабиётшунослардан Давлатшоҳ, Сайфи Бухорий, Шамсиддин Муҳаммад Бадахший, Камолиддин Ҳусайн, тиб олими Дарвешали, тарихчи олимлар Мирхонд ва Хондамир, хаттотлар Султонали Машҳадий, Абдужамил котиб, Султонмуҳаммад Хандон, рассомлардан Камолиддин Бехзод, Шохмузаффар, бастакор ва созандалардан Ғулом

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Суйима Ғаниева. Автобиография. – Т.: ТДШИ, 2015. – Б. 9.

Шодий, Хожа Мирворий, устод Қулмуҳаммад Удий, Шайх Нойи, Ҳусайн Удий, устод Кичик Али Танбурий, устод Али Хоний, ҳофиз Султонмаҳмуд Айший, шоирлардан Шайхим Сухайлий, Бобо Шўрида, Камолиддин Биноий, Ҳофизи Саъд, Осафий, Соҳиб Доро, Бадриддин Ҳилолий ва бошқалар самарали ижод билан шуғулланганлар”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Хуросон давлатида Ҳирот маданият, маърифат, санъат марказларидан бири бўлган. Ҳирот адабий мактабининг ҳомийси, асосчиси Алишер Навоий эди. Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги соқийномасида Ҳирот адабий муҳитини шундай гавдалантиради:

**“Соқийё, дўстлуғе кўргузгил,  
Дўстга не қадаҳе еткузгил.  
Ким, кирар дўстларим ёдимга,  
Ўт солур хотири ношодимга.  
Чектилар барча жамол узра ниқоб,  
Уйлаким, меҳр жамолиға саҳоб.  
Бириси пири Муаммойи эди  
Ким, ҳарам бодия паймойи эди.  
Яна бири нағмазани соҳиби ҳол,  
Ҳам анинг ҳамқадами Хожа Камол.  
Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ,  
Лек кўп эрди бадиънда нифоқ.  
Яна бир олими Сабзо(во)рий эди  
Ким, маоний дурри гуфтори эди.  
Ҳар бири ўз таврида бешибху назир  
Бордилар барча – не айлай тадбир.  
Бўлайин ёдлари бирлан маст,  
Яна то кимсага бўлмаё побаст.  
Бириси Мир Атойи янглиғ,**

---

<sup>1</sup> Ғаниева С. Алишер Навоий. – Т.: Фан, 1962. – Б. 13.

## **Бири дарвиш Фанойи янглиғ...”<sup>1</sup>.**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳусайн Бойқаро замонидаги олим, фозил ва шоирлар ҳақида гапириб, уларнинг саромади Мавлоно Абдурахмон Жомий, шунингдек, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфи Бухорий ва бошқалар ҳақида тўхталиб, шундай таърифни беради: “Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажиб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай”<sup>2</sup>.

Ҳирот адабий мактаби кейинги давр учун ҳам ибрат бўлди. Жумладан, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асаридаги Убайдий зикри бобида ўқиймиз: “Шеър ва девонлари арабий, форсий ва туркийда айтибдурлар, холо бор. Илми мусиқийға кўшиш айлар эрди. Алғараз, подшоҳ эрдик, жами сифатларда баркамол эрди. Анинг тириклик вақтида Бухородаги фузало ва булаголар, халойиқ ва алойиқ Ҳиротдин – Мирзо Ҳусайн замонасидин ёд берур эрди”<sup>3</sup>. Парчадан маълум бўладики, Бухоро хони шоир Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон каби ҳукмдорлар давлатнинг ижтимоий, маданий ҳаётига эътибор қаратиш ва шоирлар даврасини ташкил этишни Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигидаги Олий мажлисга монанд тарзда олиб боришга интиланлар.

Ҳирот адабий мактаби туркий халқлар адабиётининг олтин саҳифаларини яратди. Бунда Ҳусайн Бойқаронинг хизмати катта бўлди. Олий мажлис деб аталган алоҳида ўтиришлар айнан Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан бошқарилиб, Ҳусайний шоҳ ва шоир сифатида адабиёт, санъат ривожига катта аҳамият қаратган. “Ҳайрат ул-аброр” асаридаги Марвийга ишора этган “Золи зар ва Шоҳ Ғозий ҳикояти” ҳам бежизга киритилмаган. Умуман, темурийлар даври маданий ҳаёти ва Ҳирот адабий

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукамал асарлар тўплами. 6 жилд. – Т.: Фан, 1990. – Б. 515-516.

<sup>2</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1989. – Б. 159-160.

<sup>3</sup> Ҳомидий, Ҳ. Даҳолар давраси. – Т.: Ўқитувчи, 2011. – Б. 234.

муҳити ҳақида махсус тадқиқотларда қимматли маълумотлар берилган<sup>1</sup>. С.Ғаниева томонидан эса Навоий адабий давраси куйидаги тамойиллар асосида ўрганилганлиги маълум бўлади:

1. Навоий ва Жомий.
2. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро.
3. Навоий ва туркийгўй шоирлар.

Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг пурмаъно ижод хазинаси ўзбек халқи учун нечоғли қимматли бўлса, у Навоийнинг энг яқин дўсти эканлиги янада кадрлидир. Абдурахмон Жомий Алишер Навоий билан биринчи марта Абу Саид хукмронлиги даврида Хиёбон мавзесида ҳамма қатори кўришган. Шунда Жомий унга ўзининг бир рисоласини тақдим қилган. Гарчи Жомийнинг Навоийдан ёши анча улуғ бўлса ҳам моҳиятан улар чин дўст ва ҳамкор бўлганлар. Жомий ўзининг “Нафаҳот ул-унс”, “Баҳористон” ва бошқа бир қанча асарларида Навоийни, Навоий ҳам ўз асарлари, жумладан “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат” каби асарларида Жомийни ҳурмат билан тилга олади.

Суйима Ғаниеванинг “Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий”<sup>2</sup> номли ҳаммуаллифликдаги китоби, “Мавлоно Абдурахмон Жомий”<sup>3</sup> номли рисола ва қатор мақолалари Навоий ва Жомий адабий ҳамкорлигини ёритишга қаратилган.

Жомий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Ж.Холмўминов ёзганидек, “Суйима Ғаниева Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижодини адабий алоқалар асосида яъни, Навоий ва Жомий йўналишида ўрганади”<sup>4</sup>. Яъни, олима Навоийнинг “Муршиду устоду пир манга” деган эътирофига аҳамият қаратиб, Ҳирот адабий мактабида Абдурахмон Жомийнинг ниҳоятда кучли ўрин тутиши ва ҳатто Ҳусайн Бойқаро ижодий фаолиятига таъсир

<sup>1</sup>Қаранг: Бертельс Е.Э. Наваи и Джами. – Москва: Наука, 1965; Шодиев Э. Навоий ва ёш тожик адиблари. – Ленинобод: С.М.Киров номидаги Ленинобод давлат университети, 1969; Афсаҳзод, А. Чомӣ – адиб ва мутафаккир. – Душанбе: Ирфон, 1989; Charles, F. Persian poetry in the Timurid period. – Californian: University of Californian, 1989; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологияк, текстологияк таҳлили. – Т.: “Академнашр”, 2011.

<sup>2</sup>Шамсиев П., Ғаниева С. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. – Т.: Фан, 1966.

<sup>3</sup>Ғаниева С. Мавлоно Абдурахмон Жомий. – Т.: ТДШИ, 2014.

<sup>4</sup>Холмўминов Ж. Жомийшуносликка доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 1. – Б. 36.



ўтказганлигини бевосита Навоий тарафидан қўллаб-қувватлаб турилган, деган фикрни билдиради. Олима қайд этганидек, Жомийнинг қатор асарлари Навоий хоҳиши, таклифи билан ёзилган. “Навоий Жомийга ўз шеърларини жамлаб, девонларга ажратишни ва уларга махсус номлар беришни таклиф қилган. Айтиш жоизки, Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” номли тўрт девони тузилгани Жомий таклифи билан амалга оширилган. Бу ҳам тасодиф эмас. Жомий ва Навоий ҳамкорлигининг гўзал, ибратли тажассумидир”<sup>1</sup>.

Суйима Ғаниева Жомийнинг асарлари, хусусан, уларнинг яратилиш жараёни орқали Навоий шахсияти, шоир ижодидаги муҳим бурилишлар, анъана ва янгиликларнинг кашф этилиши кабиларга аҳамият қаратади. Жумладан, олима шундай ёзади: “Навоий 1476 йилда Жомийни ўзига тариқат йўлидаги устоз, пир деб қабул қилади ва Жомий хузурида суфийлик рамзлари, ишоратлар ва истилоҳларни ўрганишга киришади. Шунда баъзи асарларга шарҳ битиш лозим деган хулосага келган Навоий Жомийдан илтимос қилганда Фахруддин Ироқийнинг “Ламаъот” (Шуълалар) асарига “Ашиъат ул-ламаъот” (Порлоқ шуълалар) номли шарҳ яратади”<sup>2</sup>.

Олима Навоий ва Жомий адабий алоқалари билан бирга, Жомийнинг Навоийга маънавий таъсир кўрсатгани, улар ўртасидаги “муршиду устоду пир” муносабатига кўп тўхталади<sup>3</sup>.

Суйима Ғаниеванинг “Навоий, англаки, боби вафо ёзилмайдур...”<sup>4</sup> деб номланган мақоласида Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги **“Вафо тариқида ул ким тиларки, қилса сулук...”** деб бошланувчи ғазалининг:

**Навоий, англаки, боби вафо ёзилмайдур,**

**Агар Фусусдурур, гар Нусусу йўқса Фукук”, –**

мақтаъсини таҳлил этилган. Суйима Ғаниева, аввало, ушбу ғазалда вафо ва унинг моҳияти, вафо аҳлининг садоқати борасида мулоҳаза беради,

<sup>1</sup>Ғаниева С. Мавлоно Абдурахмон Жомий. – Т.: ТДШИ, 2014. – Б. 6.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Яна “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ҳақида. Жомий ва ўзбек адабиёти. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, “Мовароуннахр”, 2005. – Б. 27.

<sup>3</sup>Қаранг: Ғаниева С. “Муршиду устоду пир манга”. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 86-91.

<sup>4</sup>Ғаниева С. “Навоий, англаки, боби вафо ёзилмайдур...” // Тафаккур, 2008. – № 2. – Б. 72-74.

кейин эса ғазалнинг охирги байтида шоир тилга олган “Фусус”, “Нусус”, “Фукук” сўзлари маъноси ва ғазалда келтирилиш сабаби, жумладан, ғазалда ёзилган “Фусус” сўзини шундай изоҳлайди: “Фусус” арабча “фасс”нинг кўплиги бўлиб, унинг луғавий маъноси узук кўзига ўрнатилган қимматбаҳо тошни англатади, байтда келтирилган “Фусус”нинг тўлиқ номи “Фусус ал-ҳикам” (Ҳикматлар гавҳари)дир. Бу асар машҳур олим, Ибн ал-Арабий номи билан танилган Абу Бакр Муҳйиддин Муҳаммад ибн Али ал-Ҳотамий ал-Андалусий томонидан ёзилган”<sup>1</sup>. Агар Алишер Навоий фалсафий-ирфоний дунёқарашида Абдурахмон Жомийнинг таъсири катта бўлганлигини инобатга олсак, “Вафо тариқида улким тиларки, қилса сулук, Керакки, тутса вафо аҳли шевасин маслук” матласи билан бошланган ғазалнинг мақтаъси мазмунига Суйима Ғаниеванинг эътибор қаратиши шоир диний, тасаввуфий қарашларини тушунишда яна бир восита бўлади.

Маълумки, Шайх ул-акбар Муҳйиддин Ибн ал-Арабий (1165-1240) ислом оламида кенг тарқалган “ваҳдат ул-вужуд” таълимоти асосчисидир. Ибн Арабий кўп жилдлик “Футуҳоти Маккия” (Макканинг кашфи) ва “Фусус ул-ҳикам” (Ҳикматлар гавҳари) номли асарлари билан машҳур бўлган. Ибн Арабийдан кейин Абдурахмон Жомий фалсафий-ирфоний қарашларида ваҳдат ул-вужуд таълимоти етакчилик қилган. “Жомий тасаввуф ва ирфон мавзусида асар ёзишни Шайх Муҳйиддин Ибн ал-Арабийнинг “Нақш ал-фусус” номли асарига “Нақд ун нусус фи шарҳ Нақш ал-фусус” номли шарҳ боғлаш билан бошлаб, илмий-ирфоний изланишларига яна Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” номли тасаввуф ва ирфон тарихида машҳур бўлган асарига “Шарҳи Фусус ул-ҳикам” номли шарҳ ёзиш билан якун ясайди”<sup>2</sup>.

Суйима Ғаниева “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида Навоийнинг ғоявий-фалсафий қарашлари акс этганлиги хусусида тўхталар экан, “ваҳдат ул-вужуд” таълимотининг “асосий ижтимоий вазифаси ҳамда

<sup>1</sup>Ғаниева С. “Навоий, англаки, боби вафо ёзилмайдур...” // Тафаккур, 2008. – № 2. – Б. 73.

<sup>2</sup>Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. – Б. 31.

мақсади ҳар нарсадан олдин инсонни илоҳийлаштириш ва шу йўл билан унинг кадр-қимматини тиклаш, уни реал воқелик билан боғлаш эди”<sup>1</sup>, – деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, Ибн ал-Арабийнинг ушбу фалсафий қараши Навоий даврида жуда кенг оммалашган. Шу сабаб Ибн ал-Арабийнинг китобларига шарҳлар ёзилган, ҳатто турли хил баҳслар ҳам бўлган. “Насойим ул-муҳаббат”да бу ҳақда кўп маълумотлар берилган. Жумладан, Навоий Шайх Камолуддин Абдураззоқ Коший (р.т.) зикри бўлимида шундай ёзади: “Шайх Камолуддин Абдураззоқ Коший р.т. Ул Шайх Нуриддин Абдуссамад Натанзийнинг муридидир. Зоҳир ва ботин улумиға жомеъдур. Ва кўп таснифоти бор, “Таъвилот” тафсиридек, “Суфия истилоҳоти” ва “Фусус ул-ҳикам” шарҳидек ва “Манозил ус-соирин” шарҳидек. Ва Шайх Рукнуддин Алоуддавла қ.с. била муосирдур. Ва ораларида ваҳдати вужуд қавлида мухолафот ва мубоҳасот воқеъдур. Ва ул бобда бир-бирига мактублар битибдурлар. Мир Иқбол Сийистоний Султония йўлида Шайх Камолуддин Абдураззоққа ҳамроҳ бўлгандур. Андин бу маъно истифсори қилиб, анга бу бобда ғулув кўрубдур. Мир Иқболдин сўрубдурки, сенинг шайхингнинг Ҳазрат Шайх Муҳиддин Арабийға ва анинг сўзлариға не ақидаси бор? Ул жавоб дебдурки, азим уш-шаън тутар маорифда. Аммо дерки, буки Ҳақни Вужуди мутлақ дебдур, ғалат қилибдур ва бу сўзин бегонмас”<sup>2</sup>.

Бундан кўринадики, ўша даврда, яъни XV асрларда бу асар мавзусида кўплаб мунозаралар бўлган. Ваҳдат ул-вужуд мавзуси баҳсида замондош икки Шайх – Шайх Камолуддин ва Шайх Рукнуддиннинг орасида мактублар ёзилган. Ҳатто, ушбу асарга шарҳ ёзган Абдураззоқ Коший Рукнуддин Алоуддавла (қ.с.) шогирди Мир Иқбол Сийистонийбилан йўлда ҳамроҳ кетаётганда ҳам шу мавзудан сўз очиб, пирининг бу асарга қандай муносабати борлигини сўраган. Навоий бу баҳсларни, мактуботларни тўлиқ билишни хоҳлаган киши Жомийнинг “Нафаҳот”ига мурожаат қилсин дея, зикрини тугатади. Суйима Ғаниева ғазал таҳлилида Навоий тутган йўлдан

<sup>1</sup> Ғаниева С. “Сайид Ҳасан Ардашер сияр ҳолатида”. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 93.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамойимил футувват. – Т.: “Movarounnahr”, 2017. – Б. 386-387.

бориб, сўзни мухтасар қилган ва тўлиқ маълумот олишни хоҳлаган кишини асл манбага йўналтирган.

Шунингдек, Навоий “Шайх Зайнуддин Абубакр Хавофий қ.с. ҳақида шуларни ёзади: “Дарвеш Аҳмад Самарқандий Шайхнинг ишин қилган муридларидин ва хулафосидин эрди, сўфия сўзларин кўруб эрди ва минбар устида ани яхши баён қилур эрди. “Фусус” мутолааси ва дарсиға қиём кўргизур эрди. Ва Ҳазрат Махдумий н.м.н. “Нафаҳот ул-унс”да битибдурларки, анинг ўз хатти била “Фусус ул-ҳикам”нинг охирида кўрубменки, битибдурларки, хилватда эрдимки, Ҳазрат Рисолат с.а.в. манга “Фусус ул-ҳикам” дарсиға ишорат қилди. Ва Ҳазрат Расул с.а.в.дин саволот қилиб жавоблар топқанини ҳам “Нафаҳот”да битибдурлар. Шайх раҳимахуллоҳу саккиз юз ўттуз саккизда шаввол ойининг иккисида якшанба кечаси дунёдин ўтубдурлар”<sup>1</sup>.

Бу парчада Дарвеш Аҳмад Самарқандий воқеаси орқали Ибн ал-Арабий асари қиймати кўрсатилади. Яъни, минбарда суфийларнинг ҳикматидан яхши маъруза қилувчи Дарвеш Аҳмад Самарқандий “Фусус ул-ҳикам” мутолаасига киришиб кетган. Навоий, Жомийнинг “Нафаҳот”ига таяниб, мазкур асар ҳатто Пайғамбар а.с.нинг назарига тушгани, Дарвеш Аҳмад Самарқандийнинг тушига кирган Пайғамбар а.с. уни ушбу асарни ўқишга ундаганини ёзади.

Алишер Навоий ёшлигида ул зотнинг дуосидан баҳраманд бўлган – Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кусуий Жомий (қ.с.) зикри бўлимида ҳам ушбу асарнинг шу даврда улуғ зотлар орасида машҳур ва маъруф бўлганини шундай эътироф этади: “Шайх Муҳйиддин Арабий қ.с. мусаннафотин кўп ўқур эрдилар ва муътақид эрдилар. Ва тавҳид масъаласин аларға мувофиқ тақрир қилурлар эрмиш. Ва ани минбар устида уламо қошида андоқ баён қилурлар эрмишки, ҳеч кимга эътироз ва инкор мажоли бўлмас эрмиш... Ва Мавлоно Саъдуддин Кошғарий ва Мавлоно Муҳаммад Асад ва Мавлоно

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамоиймил футувват. – Т. : “Movarounnahr”, 2017. – Б. 387-388.

Боязид Пуроний ва алардин ўзга машойих ва азизларки аларға муосир эрдилар, алар мажлисида ҳозир бўлур эрдилар ва мутабаррик нафасларидин маҳзуз бўлур эрдилар. Ваъз ва самоъ мажлисининг асносида аларға азим важд юзланур эрди ва сайҳалар тортар эрдиларки, мажлис аҳлиға сироят килур эрди. Бу фақирнинг атосининг (Ғиёсиддин кичкина –У.С.) аларға иродати кўп эрди. Ва сафарларда суҳбат ва хидматлариға етиб эрди. Ва фақир ҳам (Алишер Навоий – У.С.) кичик ёшимда аларнинг муборак назариға етиб, илтифот топиб, фотиҳалариға мушарраф бўлубмен ва азим фойда андин умидим бор. Умид улки, ноумид бўлмағаймен. Саккиз юз олтмиш учда (1458) жумод ул-аввал ойининг йигирма учида шанба куни дунёдин ўттилар”<sup>1</sup>. Хуллас, Шайх Муҳйиддин Ибн ал-Арабий қ.с.нинг ваҳдат ул-вужуд назариясига оид “Фусус ул-ҳикам” асари ўз даврида жуда машхур бўлган.

Ҳирот адабий муҳитида шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга хурмати, унинг ижодига алоҳида таважжуҳ билан қараши буюк ҳодиса экан, Суйима Ғаниева Навоий адабий даврасини ўрганишда энг кўп тадқиқ доирасига олган шахс – бу Ҳусайн Бойқаро бўлиши ҳам тўла асослидир. С.Ғаниева “Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола”<sup>2</sup> китобини тайёрлашда мавжуд бўлган манбалар, хусусан, Боку нашри (1926)га ҳам мурожаат этади.

Ҳусайн Бойқаро ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи 1926 йили Бокуда ўтказилган биринчи туркологлар қурултойи билан боғлиқ. Боку туркологлар қурултойи адабиёт тарихини ўрганиш, мумтоз шоирларимиз ижодини тадқиқ этишда илмий ёндашувларнинг бошланиши эди. Турк олими Жамол Ҳасанлининг ёзишича, қурултойда Озарбайжон, Ўрта Осиё Республикалари, Татаристон, Қрим, Туркия, Волгабўйи, Сибир, Олтой, Шимолий Кавказ, Москва, Петербург, Олмония, Австралия каби жойлардан таклиф этилган 131 нафар қатнашчи иштирок этади ва 38 га яқин маъруза

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамойимил футувват. – Т. : “Movarounnahr”, 2017. – Б. 389-390.

<sup>2</sup> Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.

тингланади<sup>1</sup>. Курултойда Навоий ҳақидаги илмий маърузалар билан бир қаторда Ҳусайн Бойқаро ҳаёти ва ижодига бағишланган чиқишлар бўлади. Айнан “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”(1941), “Ўзбек адабиёти” (1959) мажмуаларидаги Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги маълумотлар курултой материалларига таянилган.

Ҳусайн Бойқаро ижодининг ўрганилиш тарихида аҳамиятлиси шуки, “илмий адабиётларда, дарслик ва қўлланмаларда Ҳусайнийга феодал-клерикал, сарой шоири тамғаси босилиб, унинг ижодига етарли баҳо берилмаган”<sup>2</sup> даврда Суйима Ғаниева Ҳусайний ижоди ўзбек адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллашини кўрсата олган. Олима “Ҳусайн Бойқаро фаолиятини ҳамда ижодини атрофлича ўрганиш ҳам тарихчиларимиз, ҳам адабиётшуносларимиз, ҳам маданиятимиз тарихи билан шуғулланувчи олимларимиз қаршисида турган муҳим вазифалардан”<sup>3</sup> эканлигини қатъий баён этади. Албатта, 1968 йилдаги нашр амалга оширилган вақтда “Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида”ги чиқарган қарори асосида адабиётга, миллий қадриятларимизга бўлган муносабат кескин чеклаган эди. Адабиётга синфийлик назарияси билан бир ёқлама ёндашиш маънавий меросимизни тўла тадқиқ этилишига имкон бермасди. Шунинг учун ҳам шоҳ Ҳусайний “Девон”ини чоп эттириш Суйима Ғаниеванинг илмга, ўзбек адабиётшунослиги равнақига қўшган улкан ҳиссаси бўлди. С.Ғаниева “Девон” нашридан кейин уни Комитетга чақириб сўроқ қилишганини айтади. Шунинг учун олима “Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола” китоби наشري сўзбошисида вазиятни аввалдан инобатга олганлиги унинг куйидаги сўзларидан маълум бўлади: “Тўғри, Ҳусайн Бойқаро шоҳ сифатида ўз давридаги ҳоким синфга мансуб ҳукмдор эди. У билан Навоий орасидаги вақти-вақти билан юз бериб турган ихтилофлар ҳаммадан олдин шу билан изоҳ этилади. Лекин кўп масалаларда Ҳусайн Бойқаро шу синфга

<sup>1</sup>Hasanli Jamal. Birinci Turkoloji Qurultaya Qisa Tarixi Baxis. 1926 Bakû Türkoloji Kongresinin 70. Yil Dönümü Toplantısı. – Ankara: Kültür Bakanlığı, 1999. – S. 9.

<sup>2</sup>Жалолов Б. Султон Ҳусайн Бойқаро. – Андижон: Андижон нашриёти, 1997. – Б. 11.

<sup>3</sup>Ғаниева С. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968. – Б.117.

хос бўлган маҳдудликдан холи эди. Унинг давлат бошлиғи сифатидаги, маданият, жумладан, Навоийга бўлган муносабати ва ўз ижодидаги қатор-қатор ижобий фазилатлар худди шу билан изоҳ этилади”<sup>1</sup>. Ёки олима китоб сўзбошисида: “Бизларга Хусайн Бойқаро қадимий ўзбек маданияти равнақи, ўзбек тилининг ривожини йўлидаги ижобий фаолияти ва гўзал асарлари учун қадрлидир”<sup>2</sup>, – деган қайдларни беради.

С.Ғаниева Хусайн Бойқаро “Девон”и Боку нашрида баъзи сўз ёки жумлалар хато ёзилганлиги ёки ғазаллар мисралари алмашиб кетганлигини ёзади<sup>3</sup>. Шу билан бирга Суйима Ғаниева томонидан тайёрланган 1968 йилдаги нашрда ҳам баъзи ноаниқликлар учраши кўзга ташланади. Масалан, олима қуйидаги мисраларни тўртлик, деб китобда шундай келтиради:

**Бу соз фанида қилди сеҳри комил,  
Бу фанга сози бордур асру шомил.  
Биз уш чўлдин келиб биз очиб-ориб,  
Бизингдек бўлмағай оламда сойил<sup>4</sup>.**

Кейин эса аслида бу тўртлик бўлмасдан Хусайний ғазалларидан бирининг матлаъ ва иккинчи байти эканлиги аниқланиб, девоннинг кейинги нашрида ғазал қуйидаги тартибда давом эттирилган:

**Кел эмди, соқийи гулчехра маҳваш,  
Қўлунгни бўйнума қилғил ҳамойил.  
Бизнинг парҳезимизни билди хўблар,  
Онинг учун биза бўлмади мойил.  
Ҳирийнинг хўблариға бўлди рамзе,  
Хусайний сўзларидин бўлма ғофил<sup>5</sup>.**

Шуни қайд этиш керакки, С.Ғаниева “Бу соз фанида...” бошланувчи ғазалнинг шу уч байтини олдинги нашрда келтирган<sup>1</sup>. Олима бу ғазалнинг

<sup>1</sup>Хусайн Бойқаро. Девон. Рисола. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1968. – Б.12.

<sup>2</sup>Хусайн Бойқаро. Девон. Рисола. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1968. – Б.13.

<sup>3</sup>Қаранг: Ғаниева С. Хусайн Бойқаро асарларининг кўлёзма ва нашрлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969. – № 1. – Б. 52.

<sup>4</sup> Қаранг: Хусайн Бойқаро. Девон. Рисола. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1968. – Б.19.

<sup>5</sup>Хусайн Бойқаро. Жамолингдин кўзум равшан. Ғазаллар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С.Ғани кизи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 30.

давомини афғонистонлик олим Муҳаммад Яъқуб Жузжоний тақдим этган икки ғазалдан бири, деб нашр охирида илова этади, лекин олима иккинчи шеър айнан юқорида қайд этган ғазалнинг давоми эканлигига аҳамият бермайди.

Ғазалдаги сўзларнинг ёзилишида ҳам фарқланишлар учрайди. Масалан, ғазалнинг иккинчи байти: “Биз уш чўлдин келиб биз очи́б-ори́б, Бизингдек бўлмағай оламда сойил”, – тарзида берилади. Биринчи мисрадаги очи́б-ори́б жуфт сўз шакли кейинги нашр, жумладан, Ҳуснигул Жўраева томонидан тайёрланган девоннинг йиғма-қиёсий матнида шундай келади:

بیز اوش چولدين کليب بيز آزيب آريب  
بیزنینگ دیک بولماغای عالمده سایل<sup>2</sup>.

Байт мазмунига кўра ҳасби ҳол; Ҳусайний ёзади: биз ўша чўлдан озиб, тўзиб, чарчаб келибмиз, ҳеч ким бизнингдек сойил – тиланчи бўлмасин! Бизнингча, бу байтда Ҳусайн Бойқаронинг ҳали давлатни ололмасдан, чўлларда дарбадар кезиб юрган пайти тасвирланган. Бироқ, С.Ғаниева вариантидаги мазмун ҳам кўпол хато эмас. Яъни, олима вариантида: “биз ушбу чўлдан очикиб, ориқлаб келибмиз”, деган мазмун тушунилади ва бу ҳол айнан сойил, яъни тиланчига хосдир. Чунки, тиланчи – сойил, аввало, очикқани учун нарса сўрайди, тиланчилик қилади. Демак, мазмун жиҳатидан ҳар иккала вариант ҳам ҳасби ҳол шаклидаги мазкур байт мазмунига мос келади. Фақат байтдаги “келиб биз” феълининг алоҳида берилгани тилшунослик нуқтаи назаридан тўғри эмас; бу ерда “келиббиз” кўшиб ёзилиши тўғри бўларди, зеро бу сўз “келибмиз” феълининг ўша даврдаги шаклидир.

Олиманинг Ҳусайн Бойқаро ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги ишларига кейинги тадқиқотларда матншунослик жиҳатидан кенгайтирилган<sup>3</sup>. Жумладан, Афтондил Эркинов ёзади: “Ушбу китобни нашрга тайёрлашда

<sup>1</sup>Қаранг: Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1968. – Б. 158.

<sup>2</sup>Девони Султон Ҳусайн Бойқаро. Йиғма-қиёсий матн. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Жўраева. – Т.: “Mumtoz so‘z”, 2016. – Б. 87.

<sup>3</sup>Қаранг: Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 218.



1968 йили Кобулда Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний таҳрири остида чиққан нусхани асос қилиб олар эканмиз, ўша йили Суйима Ғаниева Тошкентда чоп эттирган шоир мероси нашри ва бошқалардан ҳам кенг фойдаландик”<sup>1</sup>. Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний ҳам “Девони Султон Ҳусайн мирзо” китобида “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матнидаги 8-мажлис матнини тўлалигича беришни лозим топган <sup>2</sup> . Матншунос Ҳуснигул Жўраева Ҳусайн Бойқаро “Девон”и йиғма-қиёсий матнини тайёрлашда Суйима Ғаниеванинг нашр ишларини ўрганади<sup>3</sup>.

С.Ғаниева Ҳусайн Бойқаронинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, мамлакат маданий тараққиёти учун олиб борган ишлари, албатта, Навоийга бўлган муносабатини ўрганади. Олима “Навоий ва Ҳусайн Бойқаро”<sup>4</sup> мақоласида Ҳусайн Бойқародек шоҳнинг Навоий шахсиятига бўлган ишонч, ҳурматини Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарида келтирилган бир воқеани келтириш билан асослайди. Тазкирада ёзилишича, Ҳусайн Бойқаро Хоразмни ободонлаштириш ва деҳқончиликни кенг йўлга қўйиш мақсадида уч минг хонадонни у ерга кўчириш ҳақида фармон беради. Аммо Навоий давлат манфаатидан келиб чиққан ҳолда бунга ўзининг монелигини билдиради. Шунда Ҳусайн Бойқаро Навоий норозилигини инобатга олгани натижасида Хоразмга кўчирилиши керак бўлганларнинг бир қисмигина кетади. Суйима Ғаниева бу вазиятни “Навоийга шоҳ томонидан яратилган катта имконият, ўз муддаоларига хилоф тарзда бўлса ҳам, Навоийнинг маслаҳат ва ёхуд мулоҳазаларидан тўғри хулоса чиқариш, бинобарин, Навоий сўзлари шоҳнинг наздида эътиборли бўлгани”<sup>5</sup>, – деб ёзади.

Айтиш мумкинки, Навоий ва Ҳусайн Бойқародек икки йирик шахсият доим ҳам ҳамфикр бўлиша олмаган. Баъзан шоҳ ва шоир ўртасида ўзаро муносабатлар бир хил кечмаган. Шоирнинг бир ғазалида: *Эй Навоий, нега*

<sup>1</sup> Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. Нашрга тайёрловчи А.Эркинов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1995. – Б. 7.

<sup>2</sup> Девони Султон Ҳусайн мирзо. Нашга тайёрловчи Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний. – Кобул: Давлат илмий нашриёти, 1968. – Б. 3-46.

<sup>3</sup> Қаранг: Девони Султон Ҳусайн Бойқаро. Йиғма-қиёсий матн. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Жўраева. – Т.: “Mumtoz so‘z”, 2016.

<sup>4</sup> Ғаниева С. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968.

<sup>5</sup> Ғаниева С. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968. – Б. 109.

*маъюс ўлғай улким, шоҳидур, Хусрави Ғозий муиззи мулку дин Султон Хусайн*” тарзида шоҳ олий мақомда таърифланган бўлса, Навоий умрининг охириги йилларида “*Шоҳ Ғозийга карам аввалгиларга ўхшамас*” деган сўзларни ёзиши фикримизни тасдиқлайди. Суйима Ғаниева томонидан Навоий ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги ўзаро муносабатни “анчагина жиҳатдан мураккабдир”, – деб баҳоланишининг сабаби ҳам шундандир.

Алишер Навоий XV аср туркий адабиётнинг ёрқин вакиллари Саккокий ва Лутфий ижодига: “Туркий алфозининг булагосидин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, бирининг ширин абётининг иштиҳори Туркистонда бағоят ва бирининг латиф ғазалиётининг интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдур”, – деб баҳо берар экан, олима бундай таъриф омилларини ўрганadi. Хусусан, Суйима Ғаниева бу масалада Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Абдуллоҳ Кобулий ҳамда “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларига мурожаат этади. Олима “Насойим ул-муҳаббат”да Лутфий ҳақидаги фикрада Навоий Мавлоно Лутфийнинг Абдурахмон Жомийга бўлган ҳурмати ва ботиний эътиқоди ҳақида сўз юритгани, Лутфий даврининг таниқли тариқат пешволаридан Шаҳобуддин Хиёбоний хизматларига етишиб, “Мажолис ун-нафоис”да Навоий уни “азиз ва мутабаррук киши эрди”, деб таърифлагани ва Лутфий ижодида тасаввуф оҳанглари шоирнинг ўзида ҳам “дарвешликка мойиллик” бўлганлигидан тазкирага киритилган, деган фикрни беради. Олима “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида қуйидаги: “Лутфий шеъриятида дунёвийлик тушунчаси устунлиги англашилади: кунларнинг бирида Паҳлавон Муҳаммад Навоийдан туркийгўй шоирлардан қайси бири яхшироқ ёзган ва сен хуш кўрасан, мақбул кўрасан? – деб сўрабди. Навоий жавоб қилибди: Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва малик ул-каломдур. Паҳлавон Муҳаммад: Нечук Насимий демадинг? – деганларида Навоий: хотирға келмади ва бар тақдир келмоқ, Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубтур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайду, балки ҳақиқат

тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди”<sup>1</sup>, – каби воқеани келтириш билан Навоийнинг Мавлоно Лутфийга бўлган юксак муносабатини асослайди.

С.Ғаниева “Мавлоно Лутфийнинг қасидалари”<sup>2</sup> мақоласида Навоийнинг Лутфий ғазалларига ёзган мухаммаслари ҳақида гапириб, унда “лекин буларни ўрганиш даркор, минг афсус, бизда Лутфий девони тўла нашр этилмаган. Бинобарин, шоирнинг Анқарада босилган девони ҳар жиҳатдан муҳим воқеадир” деб матншунослик масаласига аҳамият қаратган эди.

Туркигўй шоирлардан бири Мавлоно Гадоий Навоий адабий даврасининг йирик вакили сифатида “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида ҳамда “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида тилга олинади. Суйима Ғаниева “Мажолис ун-нафоис”да: “Мавлоно Гадоий – туркигўйдур, балки машоҳирдиндур. Бобур Мирзо замонида шеъри шуҳрат тутти... Мавлононинг ёши тўқсондан ўтубдур...”<sup>3</sup>, – деган маълумотга таянади. Олима тазкира ёзилган ва иккинчи марта таҳрир этилган даврга суянган ҳолда Гадоийнинг туғилган йилини қуйидагича кўрсатади: “Навоийнинг хабар беришича, юқоридаги сатрлар ёзилаётганда Гадоий тўқсон ёшдан ошган экан. “Мажолис ун-нафоис” 896/1490-1491 йилда ёзилган. Шунга асосланиб Гадоийни 809/1403-1404 йилда туғилган дейиш мумкин”<sup>4</sup>.

Адабиётшунос Эргаш Рустамов эса “Мажолис ун-нафоис”да Навоий кайд этган тарих – 896/1490-91 йил тазкиранинг фақат иккинчи мажлисигагина оид деб қарайди. Гадоий Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган даврда 97 ёшга кирган бўлса керак, Гадоий қасидаси эса Темурнинг набираси Халил Султонга бағишланган ва қасида ёзилган пайтда Гадоий

---

<sup>1</sup>Ғаниева С. Лутфий ва Навоий шеърляти: классикларимиз ижодида анъана. Шарқ классик филологияси. Илк тўплам. – Т.: ТДШИ, 2009. – Б. 60.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Мавлоно Лутфийнинг қасидалари. Ўзбек шарқшунослигининг бугуни ва эртаси / Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Т.: ТДШИ, 2013. – Б. 23.

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1976. – Б.105.

<sup>4</sup>Ғаниева С. Шоир Гадоий: сўзбоши. Гадоий. Шеърлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 4.

йигирма ёшдан ошган, деган тахминга келади<sup>1</sup>. С.Ғаниева “Яна Гадоийнинг қасидаси ва “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш тарихи тўғрисида”<sup>2</sup> номли мақоласида Э.Рустамовнинг фикрларини асоссиз, деб билади. У ўз мулоҳазасида “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридаги маълумотларга таянганлигини таъкидлайди: “Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра, Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон 1404 йилда Темур розилигисиз Шодмулкка уйлангач, Темур ғазабига учрайди. Темур уни Тошкент атрофидаги аскарларига бошлиқ қилиб пойтахтдан узоқлаштиради. Темур вафотидан сўнг 1405-1409 йилларда Халил Султон Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик қилади. 1409 йилда Шоҳрух Темур давлатининг олий ҳукмдори деб эълон қилингач, у ўз ўғли Улуғбекни Мовароуннаҳрга ҳоким қилиб тайинлайди. Халил Султон 812/1409-1410 йилда Шоҳрухга мулозим бўлиб Мовароуннаҳрдан Ҳиротга келади. Бир неча кундан кейин Халил Султон Ироқ томон жўнайди. Халил Султон бир неча муддат Райда яшайди. Исфаҳонга келади ва Райга қайтиб кетади ва ўша ерда 16 ражаб 814 йилда (3 ноябр, 1411) вафот этади”<sup>3</sup>.

С.Ғаниева Мавлоно Гадоий қасидасини Абулқосим Бобурдан сўнг тахтда ўзи яхши таниган ва билган шаҳзода, Шоҳрухнинг набираси (қизининг ўғли) Халил Султон ибни Муҳаммад Султон ибни Жаҳонгир ибни Темур Кўрагонга бағишлаб ёзган, қасида ёзилган пайтда Гадоий тахминан 50 ёшларда бўлган, “Мажолис ун-нафоис” ёзилаётган вақтда (896/1490-1491йили) шоир 90 ёшлардан ошган эди, деган хулосага келади. Олиманинг мулоҳазасига бошқа адабиётшунослар муносабати ҳақида гапирадиган бўлсак, хусусан, Гадоий шеърларини нашрга тайёрлаган Э.Аҳмадхўжаев ҳам Э.Рустамовнинг тахминини қувватлаб, шоирнинг туғилган йили ва қасида кимга бағишлангани ҳақидаги хулосага қўшилади. Лекин кейинчалик масалага Э.Аҳмадхўжаев: “Биз Гадоийнинг қасидаси

<sup>1</sup>Рустамов Э. Гадоийнинг бир қасидаси ва “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. – № 2. – Б. 36-41.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Яна Гадоийнинг қасидаси ва “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш таърихи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – № 5.

<sup>3</sup>Ғаниева С. Яна Гадоийнинг қасидаси ва “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш таърихи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – № 5. – Б. 20.

бағишланган шахс ва шоирнинг туғилган даврини аниқлаш масаласида илгари босилган мақолаларимизда Э.Рустамовнинг Гадоий тахминан 1360 йиллар атрофида туғилган ва унинг қасидаси ёзилган вақтни белгилашга доир тахминини қувватлаганимизнинг сабаби шунда эдики, бунгача биз Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарининг А. Ўринбоев таржимасидаги II жилдининг ҳали нашр қилинмаган кўлёмаси билан таниш эмас эдик”<sup>1</sup>, – деб ўзининг чалкашлигига изоҳ беради ва олим бу масала борасидаги охириги хулосасини шундай билдиради: “Янош Экман билан Суйима Ғаниеванинг “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилган санаси, Гадоийнинг туғилган йили, шоир қасидаси бағишланган шахс ҳақидаги хулосалари бир-бирига яқин бўлиб, уларда Гадоийнинг туғилган йили тўғри аниқланган”<sup>2</sup>.

Охириги тадқиқотларда бу масалага ўзгача ёндашувлар кузатилади<sup>3</sup>. Жумладан, М.Хасанова Гадоий қасидаси борасида ўзининг муносабатини шу тарзда билдиради: “Биз ушбу тадқиқот учун “Матлаи саъдайн...”нинг янги наشري билан танишиб чиқдик. Унда Халил Султон ибн Мироншоҳ мирзо, Халил Султон ибн Муҳаммад Жаҳонгир, Мирзо Халил ибн Солиҳ, Халилуллоҳ Дарбандий, Халилуллоҳ Шервоний каби 7 нафар Халил исмли шахслар зикр этилган. Ушбу манбада фазилатлари зикр этилган шахзода Султон Халил бошқа Халилларга қараганда, мадҳ этилишига лойиқ бўлган. Абусаъид мирзонинг вафотидан кейин “ким шоҳ бўлади?” деган савол пайдо бўлганлиги табиийдир. Шоир эса Хуросонни шу вақтда бошқариб турган шахзода Султон Халилни подшоҳ сифатида кўришни истамаган бўлиши мумкин. Хуллас, қасида Халил Султон ибн Мироншоҳга ҳам, Халил Султон Муҳаммад Жаҳонгирга ҳам эмас, Султон Халил ибн Абусаидга бағишланган”<sup>4</sup>. Биз эса бу фикрни ўринсиз деб биламиз. Тарихчи

<sup>1</sup>Ахмадхўжаев Э. Гадоий. Ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Фан, 1978. – Б. 39.

<sup>2</sup>Ахмадхўжаев Э. Гадоий. Ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Фан, 1978. – Б.41.

<sup>3</sup>Хасанова М.Ж. XV аср туркий шеърятда қасида жанри: Филол.фан.фалс.докт (PhD)...дисс. – Самарқанд, 2018; Асланова Х.А. Гадоий шеърятда бадий маҳорат ва услуб масалаларининг тадқиқи: Филол.фан.фалс.докт (PhD)...дисс. – Самарқанд, 2020.

<sup>4</sup>Хасанова М.Ж. XV аср туркий шеърятда қасида жанри: Филол.фан.фалс.докт (PhD)...дисс. – Самарқанд, 2018. – Б. 14-15.

Т.Файзиёвнинг “Темурийлар шажараси” номли китобида шундай ёзади: “Султон Халил Мирзонинг қачон ва қаерда туғилгани ҳамда вафоти ҳақида ҳозирча маълумот учрамади. Фақат Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Султон Халил Мирзо отаси Султон Абусаид Мирзонинг ҳалокати вақтида, Ҳиротда яшаб турган. Ҳирот тахтига Султон Ҳусайн Бойқаро ўтиргач, Султон Халил Мирзони Мовароуннаҳрга жўнатади”<sup>1</sup>. Султон Халил Мирзо ҳақидаги бундай фикрлар берилар экан, бу шахзодага Мавлоно Гадоий қасидаси бағишланган, деган тахминни тушуниш қийин бўлади. Умуман, С.Ғаниева томонидан Гадоийнинг қасидаси ва “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиши, қайта таҳрир этилиши бўйича етарлича асослар келтирилган<sup>2</sup>.

Адабиётшунос Дилором Салоҳий ёзганидек, “олима ўзига хос илмий услубга эга. Матнлар қатидаги кўпчилик эътиборини тортмаган, аммо ўқувчи учун фойдали, қизиқарли бирор ҳодисага диққатини қаратади. Хусусан, Навоийнинг Унсиядаги кутубхонаси таркиби, мазмун-мундарижаси ҳақидаги қизиқишлар навоийшуносларни кўпдан буён ўйлантириб келарди”<sup>3</sup>. Суйима Ғаниеванинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги тамойилларидан яна бири, олима томонидан шоир ижоди учун манба бўлган асарларни ўрганишга аҳамият қаратилганлигидир. Олиманинг бу борада олиб борган изланишлари шоир ўрганган ва истифода этган асарлар ҳақида тасаввур бера олади.

Бизга маълумки, Алишер Навоий ўзидан олдин яратилган асарларга холис баҳо беради ва уларга қай даражада мурожаат этилганлигини очик баён этади. Олима қайд этганидек, “уларда ёдга олинган бир қанча асарларга дуч келасиз. “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Мажолис ун-нафоис”ни истисно қилганда, бу асарларнинг муаллифлари ким ва улар қачон ёзилган, мазмуни қандай эканлиги айтилмайди”<sup>4</sup>. Суйима Ғаниева

<sup>1</sup>Файзиёв Т. Темурийлар шажараси. – Т.: “Ёзувчи”, 1995. – Б. 210.

<sup>2</sup>Қаранг: Ғаниева С. “Мажолис ун нафоис”нинг таърихига қайтиб... Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 43.

<sup>3</sup>Салоҳий Д. Суйима Ғаниева. Автобиография. – Т.: ТДШИ, 2015. – Б.11.

<sup>4</sup>Ғаниева С. Навоий ёдга олган асарлар. – Т.: ТДШИ, 2004. – Б.3-4.

“Насойим ул-муҳаббат”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби шоир асарлари асосида Навоий келтирган асарлардан 100 тадан ортиғини ўрганади. Шу тариқа олима мазкур асарларнинг шоир ижодида қайси ўринда учрашини аниқлайди.

Маълумки, хамсачилик ривожда дostonлар ёзиб, анъаналарни давом эттиришга ҳаракат қилган ижодкорлар, шеърят ихлосмандлари ҳам ижобий роль ўйнаганлар. Шунинг учун Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида “Лайли ва Мажнун” дostonини яратишда Ҳожунинг “Гавҳарнома”, “Сабъаи сайёр”ни ёзишда Ашрафнинг “Ҳафт пайкар” дostonларидан ҳам таъсирланганини қайд этади. Суйима Ғаниева “Ҳайрат ул-аброр”да Навоий томонидан келтирилган бир нечта асарлар дoston диний, тасаввуфий моҳиятини очишда муҳим бўлиши билан бирга, “Ҳайрат ул-аброр”ни ёзишда Навоий мазкур асарларга таянгани диққатга сазовордир”<sup>1</sup>, – деган фикрни билдиради.

Суйима Ғаниеванинг “Хамса” учун адабий манба бўлган бошқа асарлар, масалан, “Жомаспнома” – паҳлавий тилида ёзилган, қарийб 5000 сўздан иборат қадимий Эрон подшоҳлари таърифидаги китоб. Навоий “Сабъаи сайёр”да 3-мусофир ҳикоятидаги қаҳрамон Саъднинг кўрган туши таъбирини шу китобдан топади”<sup>2</sup>, – деган қайдлари Навоий ижодий мактабини кенгроқ ўрганилишида муҳим аҳамият касб этади.

Суйима Ғаниева Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида олимлар ҳақидаги фикрларини ўрганар экан, улар ҳақида: “...Шайх Боязид Бистомий, Ҳорун ар-Рашид, Шайх Баҳлулларнинг ёдга олиниси Навоий билими камрови ҳақида тасаввур пайдо қилади. “Маҳбуб ул-қулуб”да ҳаёт, адабиёт,

---

<sup>1</sup>Ғаниева С. “Ҳайрат ул-аброр”нинг тасаввуфий моҳияти / Шарҳ фалсафаси кадриялари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни. II Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДШИ, 2010. – Б. 66-68.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Навоий ёдга олган асарлар. – Т.: ТДШИ, 2004. – Б.11.

илм-фан, дин, тасаввуф, ҳунарда маълум ва машҳур шахслардан 55 ном келтирилади”<sup>1</sup>, – деб ёзади.

Олима томонидан қўллаган бу тамойилни кенгайтириш орқали куйидаги масалаларга ойдинлик киритилиши мумкин бўлади:

1. Навоий ёшлигида ўқиган асарлар аниқланади.
2. Навоий кутубхонасидаги китобларга доир маълумот йиғилади.
3. Навоийнинг асарлари учун манба бўлган баъзи манбалар ўрганилади.

### **Боб бўйича хулосалар**

1. Навоийшуносликнинг тарихий тараққиёт босқичлари мавжуд бўлиб, Суйима Ғаниева ўтган аср 60-йиллар бошларидан соҳага илғор қарашлари ҳамда фаол амалий ишлари билан кириб келди ва адабиётшунослик, матншунослик, манбашунослик, таржимачиликка оид кенг қамровли тадқиқотлар олиб борди.

2. С. Ғаниева Алишер Навоийнинг насрий асарлари аниқ ижодий мақсад билан яратилганлиги, шоир насрий асарларида муаллиф ички қиёфасини очиб берадиган нуқталар мавжудлиги, Навоий насрида назмнинг ўрни катта эканлигини таҳлил этди.

3. Алишер Навоийнинг “Муножот” асари мустақил асар эканлигига Суйима Ғаниева ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб аҳамият қаратди. “Муножот” олима қайд этганидек, мустақил асар бўлиб, Абдулла Ансорийнинг “Илоҳийнома” асари таъсирида ёзилган.

4. Суйима Ғаниева Навоийнинг диний, тасаввуфий асарларини тадқиқ этган. “Сирож ул-муслимин” асари биринчи бор олима томонидан изоҳ ва таржималари билан нашрга тайёрланди ҳамда илмий истеъмолга кирди. “Насойим ул-муҳаббат”(2001) нашри матншуносликдаги энг йирик ишлардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Ғаниева С. Навоийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари тизимидан (“Маҳбуб ул-қулуб” асосида) / Шарк фалсафаси ва Ўзбекистонда ижтимоий тафаккур ривожини. III Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДШИ, 2012. – Б. 30.



5. Суйима Ғаниева “Наводир ун-нихоя” Техрон нусхаси микрофильмини Ўзбекистонга олиб келишга эришди. Шоир дастхати билан боғлиқ тадқиқотлар кенгайтириши учун “Наводир ун-нихоя” Техрон нусхаси китоб ҳолида эълон қилинди. Олима шоир муҳридаги сўзларни аниқ ўқиб берди.

6. Суйима Ғаниева навоийшуносликда анъанавий концепцияларга асосланади. Олима Навоий адабий даврасини муттасил тадқиқот марказига олди. У Навоий шахси, ҳаёти, фаолияти ва ижодини унга ҳамфикр бўлган Мавлоно Гадоий, Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаролар ижоди билан боғлаб ўрганди. Олима имкон борича шоир яшаган даврга яқин ижодкорлар ҳақидаги материалларни қамраб олишга ҳаракат қилди.

7. Суйима Ғаниева Навоий адабий давраси вакиллари ижодини ўрганиш орқали шоир ҳаёти ва ижодини янада кенг кўламда тадқиқ этишга эришди. Олима “Мажолис ун-нафоис”да алоҳида мажлисни Ҳусайнийга ажратилиши ва кучли эътибор қаратилишини Султон Ҳусайн Бойқаронинг маданият, маърифат аҳлини қадрлагани учун деб билди.

8. Мавлоно Гадоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда олима шоир туғилган йили ҳақидаги мунозарали фикрларга аниқлик киритди, унинг девонида 13 байтигина маълум бўлган қасидаси кимга бағишланганлигини тўғри талқин этди.

9. Суйима Ғаниеванинг Навоий асарларини рус тилга таржима этишда миллий колоритни чиқариш, мумтоз асарлар матни масалаларга аҳамият қаратган. Олима Навоий асарларини рус тилига қилинган таржима ишлари билан таниш бўлган. Олима “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Муножот” асарларини таржима этишда муаллиф услубий йўналиши ва асар руҳини сақлашга эришган.

10. Суйима Ғаниева Навоий асарларида истифода этган манбаларни ўрганиш орқали шоир ижодий мактаби ҳамда “Унсия” каби кутубхонада мавжуд бўлган нодир асарларни кўрсата олди.

## **II БОБ. СУЙИМА ҒАНИЕВАНИНГ ТАДҚИҚ УСУЛЛАРИ**

### **2.1. Олима тадқиқотларида қиёсий-тарихий ва социологик методнинг ўрни**

Алишер Навоий ҳам ўз ижодида устозлар усулидан баҳра олганини “Фавойид ул-кибар” девонидаги “Уч кишининг сўзи нашъа ва маънисидин ўз

сўзида чошни исбот қилмоқ ва бу маънидин мубоҳот қилмоқ” сарлавҳали китъасида шундай эътироф этади:

**Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ  
Ким, андин яхши йўқ назм эҳтимоли.  
Бири муъжиз баёнлиғ соҳири хинд  
Ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.  
Бири Исо нафаслик ринди Шероз,  
Фано дайрида масту лоуболи(й).  
Бири қудсий асарлик орифи Жом  
Ки, жоми Жамдуруру синған сафоли.  
Навоий назмиға боқсанг, эмастур,  
Бу учнинг ҳолидин ҳарбайти холи.  
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,  
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли<sup>1</sup>.**

Шунингдек, шоир “Фавойид ул-кибар” девони соқийномасида киёматлик дўсти Паҳлавон Муҳаммад Неъматободийнинг турли фанларда ўз усул – йўналишига эга эканлигига эътибор қаратади:

**Таври ҳар фанда келиб мустаҳсан,  
Балки ҳар фан аро таъби якфан.  
Фанни адворда сеҳр айлаб фош,  
Баҳри ашъорда худ гавҳарпош<sup>2</sup>.**

Албатта, адабиётшуноснинг бадий асар матни талқинига ёндашуви унинг дунёқараши, назарий ва эмпирик билимларига боғлиқ бўлади. Суйима Ғаниева илмий изланишлари анъанавий ёндашув ҳамда устозлар усулидан андоза олиш асосида шаклланиб борди. Олима тадқиқот усуллари устозлари, асосан, шарқшунос олим А.Н.Болдирев, матншунос Порсо Шамсиевлар, замондош ҳамкасблари Тўхтасин Жалолов, Азиз Қаюмов, Ботирхон Валихўжаев, Ҳомиджон Ҳомидий, Абдуқодир Ҳайитметов,

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукамал асарлар тўплами. 6 жилд. – Т.: Фан, 1990. – Б. 525.

<sup>2</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукамал асарлар тўплами. 6 жилд. – Т.: Фан, 1990. – Б.508-509.

Шавкат Эшонхўжаев кабиларга ҳамоҳанг бўлиши билан бирга ўзига хослик касб этади.

Суйима Ғаниеванинг асосий тадқиқ манбаи адабиёт тарихининг XIV-XVI асрлар даврини ёритиш бўлиб, олима қарашлари тарихийлик тамойилига асосланади. “Мазкур тамойилнинг мазмун-моҳияти шуки, у адабий жараёни, адабиёт ҳодисаларини конкрет ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ ўрганишни кўзда тутди. Яъни, адабиёт тарихи ўтмишдаги адабий ҳодисаларни келтириб чиқарган, яратилган асарларнинг ғоявий-мазмуний хусусиятларини белгилаган, бадиий тафаккур ривожи, поэтик усул ва воситаларнинг ўзгариши ва шу кабиларга асос бўлган ижтимоий-тарихий, сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий омилларни аниқлаб, адабиётнинг тараққиёт йўлини узлуксиз жараён сифатида илмий ёритиб беради”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, “адабиёт тарихи бадиий адабиётни ретроспектив равишда, яъни "ортга назар ташлаб", ўтмишда кечган ҳодисаларнинг сабаб, оқибатларини текширар”<sup>2</sup> экан, бадиий асар матнида унинг ифодасини ҳам топади. Тарихийлик тамойили асосида бадиий асарларни ўрганишнинг энг маҳсулдор методларидан бири қиёсий-тарихий тадқиқот усули бўлиб, олима ёндашувларда бу усулга мурожаат этилгани кўзга ташланади. Қиёсий-тарихий тадқиқот усули билан асарнинг ёзилган йили, жойи, даври, ўрганилиши, нашр этилиши каби ҳолатларни аниқланар экан, Суйима Ғаниева бу тадқиқот усулини муайян асарлардаги ўзига хослик ва анъанавийликни кўрсатиш, оригиналлик даражасини белгилаш учун қўллайди. Хусусан, олиманинг “Фахрий Ҳиротий “Равзат ус-салотин” асари ва туркигўй шоирлар”, “Ошиқ Чалабийнинг тазкираси”, “Сахий тазкираси”, “Латифий тазкираси”, “Жавоҳир ул-ажойиб” – шоирлар ҳақидаги тазкира”, “Мажолис ун-нафоис” ва “Замима” тазкиралар” каби мақолаларида қиёсий-тарихий ёндашув орқали форсий ва туркий тазкирачилик тарихи ҳамда

<sup>1</sup> Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Akademnashr, 2018. – Б. 7.

<sup>2</sup> Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қахрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Т.: “Tafakkur qanoti”. 2012. – Б. 7.

уларнинг ўзаро фарқланиш жиҳатлари ўрганиб чиқилган. Олима тазкирачилик тарихи ва яратилиш мақсади хусусида шундай ёзади: “Биринчи мустақил тазкира 1222 йилда яратилган Муҳаммад Авфий Бухорийнинг “Ўубоб ул-албоб” асаридир. Тазкиралар турли усуллар асосида яратилган: алфавит тартибида; тарихга кўра, яъни вафот ёхуд таваллуд санасига кўра; ватан, яшаш жойларига кўра; мазҳабларига кўра; нуфуз ва рутбаларига кўра; насаб ва сулолаларига кўра ажралади”<sup>1</sup>. Суйима Ғаниева 1945 йили Техронда Алиасғар Ҳикмат томонидан нашр этилган “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий таржималарини ўрганиш давомида “у даврларда таржима қилиш иши бирмунча бошқачароқ тушунилан. Таржимон матнини истаганча қисқартириб ё ўзгартиб, баъзан тўлдириб кетаверган”<sup>2</sup>, – деган хулосага келади ва таржималарга оригинал асар ҳақида умумий тушунча бера оладиган янги китоб сифатида қабул қилади. Хусусан, олима “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи форсий таржимони Фахрий Ҳиравийнинг “Латойифнома” асарига 9 та мажлисни илова қилиб, яна шу мажлис ўз навбатида 9 қисмга ажратилиши ҳамда 189 шоир ҳақида маълумот киритилишини муаллифнинг ижодий ёндашуви, деб баҳолайди.

Олима “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий иккинчи таржимони Муҳаммад Қазвиний томонидан амалга оширилган таржима ишидаги кўшимча маълумотларни ўрганар экан, уларни шундай таҳлил этади: “Қазвиний “Мажолис”даги Биноий ҳақидаги мақолани тўла таржима қилади ва Навоийнинг “...Ҳирийда тура олмай Ироққа борди” деган жумласидан сўнг ўзидан Ироқдан Озарбайжонга борганини ва Табрезда Султон Яъқубга мусоҳиб бўлганини ва аксар вақтини ижод билан ўтказганини илова қилади. Сўнгра мутаржим Биноийнинг “Мажолис”даги байтини келтиргач, Навоий билан Биноий ўртасидаги ҳазил-мутойибалардан икки зарофатни ҳикоя қилади. Булар “Бобурнома” ҳамда “Бадоеъ ул-вақоеъ”ларда Навоийга

---

<sup>1</sup> Ғаниева С. Фахрий Хиравий ва унинг тазкиралари. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2014. – Б. 3.

<sup>2</sup> Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси: археографик кириш // Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий матни. – Т.: Фан, 1961. – Б. 14.

бағишланган ўринларда келтирилган. Шундай ҳазиллардан кейин, – дейди Қазвиний, – Навоий билан Биноий муносабатлари кескинлашиб кетди ва Биноий Хуросонда тура олмай Ироққа жўнайди ҳамда Султон Яъқуб саройида шуҳрат қозонади. Султон Яъқуб вафотидан кейин яна Хуросонга қайтади ва Шоҳибекхон ўзбек салтанати айёмида иззат ва ҳурматга сазовор бўлиб, юксак лавозимларга кўтарилади, ўзбекларнинг сафавийлар билан қилган жангларининг бирида шаҳид бўлди”<sup>1</sup>.

Асарнинг форсий таржималарини ўрганган Раҳим Воҳидов “Мажолис ун-нафоис” асарини тадқиқ этишда, унинг илмий-танқидий ва оммавий нашрларини тайёрлашда С.Ғаниеванинг хизматларини алоҳида ўринли шундай таъкидлайди: “Суйима Ғаниева, шунингдек, “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш тарихи, адабий-эстетик аҳамияти, таржималари устида ҳам муҳим фикрлар билдирган”<sup>2</sup>.

Маълумки, “Мажолис ун-нафоис” тазкираси анъанаси кенг ривож топди ва ундан таъсирланиб ёзилган туркий тилдаги тазкиралар силсиласи вужудга келди. Масалан, Муҳаммад Али Содиқбек Содиқий Афшар (Китобдор)нинг “Мажмаъ ул-хавос” асарини асосли равишда Алишер Навоий тазкирасининг ижодий давоми ҳисобланади. Дарҳақиқат, Содиқий Афшар асар муқаддимасида Навоийга юксак баҳо беради. У Навоийни куёш, ўзини зарра, уни дарё, ўзини қатра деб билади. Асарда: “Авалло, шайх ул-исломи нуран Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”ининг бир равзасидур. Ва яна амири кабир Алишернинг “Мажолис ун-нафоис”идур. Ва яна “Тазкираи Давлатшоҳ”дур. Ва яна шахзодаи оламу оламиённинг “Тухфаи Сомий”сидур. Бу силсилаи сарҳалқа интизоми бир-биридин узулмасун дею ва бу тазкиралар сарриштаси бузулмасун дею, мен муосир шоирлар ҳақида Амир Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси каби саккиз фаслдан иборат бўлган бир тазкира ёздим ва одини

<sup>1</sup> Ғаниева С. “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий таржималари. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 48.

<sup>2</sup> Воҳидов Р. “Мажолис ун-нафоис”нинг таржималари. – Т.: Фан, 1984. – Б. 5.

“Мажмаъ ул-хавос” кўйдим”<sup>1</sup>, – деб ёзилган муаллифнинг эътирофи ўз тазкирасини анъаналар асосида яратганига ишорадир.

Суйима Ганиева тазкиранинг яратилиш даври, шоирлар сони, ижодкорлар ҳақидаги маълумотларга тарихий шароит нуқтаи назаридан ёндашиб, манбаларни ўзаро солиштириб таҳлил этади. Олима шундай ёзади: “Биз бу асарнинг форсий таржимаси ва оригинали билан танишиб чиқдик. Асар чигатой (мутаржим) тилида (муаллиф тили мўғул) 1016 (1597-98) йилда ёзилган. Табрез Донишгоҳининг муаллими доктор Абдуррасул Хайёмпур уни форс тилига таржима қилиб, 1327 йил шамсияда (1948) Эроннинг Табрез шаҳрида нашр эттирган. Мутаржим китобга 8 саҳифадан иборат муқаддима ёзган. Таржимага киши исмлари кўрсатгичи илова қилинган”<sup>2</sup>.

Олима бир манба (“Мажолис ун-нафоис”) таъсирида ёзилган бошқа бир тазкира (“Мажмаъ ул-хавос”)нинг икки хил варианты (ҳам оригинали, ҳам таржимаси) билан қиёслаб таҳлил қилган. Олима қиёсий таҳлилини шу тарзда давом эттиради: “Содиқ Китобдор ҳам Навоий каби ҳар бир шоирга характеристика берганда унинг қаердан эканлиги, таҳаллуси, насаби, қобилияти, қайси тилларда ижод қилиши ҳақида ёзади ва у яратган асарларини санаб ўтади. Навойдан фарқли равишда Содиқ Китобдор шоирлар ижодидан келтирилган намуналарни чеклаб қўймайди. У баъзи шоирлар ижодидан бир байт ёки бир рубоий, бошқаларидан эса шеърий парча, бир ғазал ё қасида, гоҳо ундан ҳам кўпроқ намуналар келтиради. Масалан, Фузулийга бағишланган мақола сўнгида 56 мисра, Боқий ижодидан 92 мисра шеър беради”<sup>3</sup>. Олима “Мажолис ун-нафоис”даги айрим муҳим жиҳатларнинг такрорланиши ёки тўлдирилиши кабиларни таҳлил этиш орқали ундан келиб чиқадиган анъаналар орасидаги боғлиқликни акс эттиради.

<sup>1</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавохир ул-ажойиб. Таржимонлар С.Ганиева, Ж.Жўраев; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2014. – Б. 10.

<sup>2</sup> Ганиева С. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари таъсирида ёзилган тазкира // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963. – № 6. – Б. 58.

<sup>3</sup> Ганиева С. Навоий насри ҳақида. Навоий насри нафосати. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 57.

Олима қиёсий-тарихий таҳлиллар асосида янгича қарашларни илмга олиб кирди. Хусусан, “замима тазкира” жумласи Суйима Ғаниева томонидан биринчи марта қўлланади. “Фарҳанги форсий муъийн” луғатида “замима” – арабча сўз бўлиб, бирор нарсага илова қилинган қўшимча маъносини билдириши келтирилган<sup>1</sup>.

Замима тазкиралар хусусида Суйима Ғаниева шундай ёзади: “Шарқ адабиётида асар ёзиш одоби – “одоби тасниф” қоидаси бўлган. Асар “Басмала”, “Аллоҳ ҳамди”, “Пайғамбарга наът” кабилардан бошланади. Агар буларга риоя қилинмаган бўлса, мустақил асар саналмайди, кўпинча, илова ҳисобланади. Тазкиралардаги каби маълумотлар берилган мустақил асар таркибидаги қисмларни “замима тазкира” деб атадик. Биринчи замима тазкира Низомий Арузий Самарқандий томонидан “Чаҳор мақола” номи билан машҳур “Мажмаъ ун-наводир” асари 1156-1157 йили ёзилган. Асарнинг иккинчи мақолати (фасли) “Шеър илми моҳияти ва шоир салоҳияти” деб аталади, унда 10 нафар шоир ҳақида маълумотлар ва ҳикоятлар келтирилади. Улардан бири шеърят “Одам Атоси” деб таърифланган Рудакийдир”<sup>2</sup>.

Низомий Арузий Самарқандий асарида аввал ҳамд, наът, муқаддима қисми, кейин қуйидаги тўрт мақола келтирилади: дабирлик (котиблик) илмининг моҳияти ва етук дабир сифатлари; шеър илмининг моҳияти ва шоир салоҳияти; юлдузлар илмининг моҳияти ва мунажжимлар қобилияти; тиб илмининг моҳияти ва табиблар зарурияти<sup>3</sup>. Айнан асарнинг 2-мақола (боби)да сосонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар каби подшоликлар даврида ижод этган шоирлар ҳақида маълумот, ижод намуналари берилган. “Агар шоир ёшлик айёмида ва йигитлик давронида, – деб ёзади Низомий Арузий, – ўтмиш шоирларининг шеърларидан 20 минг байтни хотирасида тутмаса, замондошларининг асарларидан 10 минг мисрани ёд билмаса, устодлар

---

<sup>1</sup>[www.vaajehyab.com](http://www.vaajehyab.com)

<sup>2</sup>Ғаниева С. Замима тазкираларда мусика ва мусикачилар // Шарқ тароналари. VI Халқаро мусика фестивали анжуман материаллари. – Самарқанд, 2009. – Б. 46.

<sup>3</sup>Қаранг: Зиёдов Ш., Маҳмудов Қ. Самарқандлик алломалар. – Т.: Имом Бухорий халқаро маркази, 2017. – Б. 152.



девонини доимо мутолаа қилмаса, сўзнинг нозик томонлари ва қийин жойларини қандай йўл билан ҳал этганликларини ўрганмаса, юксак даражага етмайди”<sup>1</sup>. Демак, маълум бўладики, Низомий Арузий Самарқандийнинг асари тўла тазкира талабига жавоб бермаса-да, асар ичида илова, яъни замима келтирилади. Гарчи асар кичик рисола шаклида бўлса-да, ундаги маълумотлар катта аҳамиятга эга экани таҳлиллардан ҳам кузатилади. С.Ғаниева шунинг учун ҳам бундай маълумотларни яратилиш мақсади ва таркибига кўра замима тазкира, деб билади. Чунки, асарда ҳажман кичик рисола шаклида тазкира илова этилган. Дарҳақиқат, Ҳирот адабий муҳитида шарҳлар ёзиш каби замима тазкиралар ёзиш одат тусига кирган. Жумладан, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон” асари шундай замима тазкиралардан ҳисобланади. “Баҳористон” Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари типидagi ахлоқий-таълимий, дидактик асар ҳисобланади. Абдурахмон Жомий “Баҳористон”нинг “Шеър ва шоирлик бобида” деб номланувчи еттинчи равзасида 22 та шоир ҳақида тарихий маълумот ва ижод намуналарини илова қилиши ушбу асарни “Замима тазкира” сифатида илмий мулоҳазаларда мурожаат этишимиз мумкинлигини кўрсатади. Гарчи асар, муаллифнинг муқаддимада келтирган эътирофига кўра, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”идан таъсирланиб ёзилган бўлса-да, унда тазкира, аниқроғи замима тазкирага хос бўлган қисқа илмий маълумотлар, факт ва далиллар учрайди. Қайд этиш керакки, олиманинг замима тазкиралар борасидаги фикри адабиётшуносларимиз ҳамда хорижлик олимлар, хусусан, эронлик тазкирашунослар томонидан маъқулланган.

Суйима Ғаниева илмий қарашлари давомида социологик ёндашувлар асосида тадқиқлар ҳам олиб борганлиги маълум бўлади. Адабиётшунос бадий асар матни таҳлилида жамиятдаги маънавий, маданий қарашларни, ижтимоий ҳаётдаги инсон ўрнини социологик ёндашув асосида талқин этади. Зеро, олим ҳам, шоир ҳам, ёзувчи ҳам муайян даврнинг ўз мақомига эга бўлган шахсидир; у ўз даври ҳодисаларидан четлаб фикр юрита

---

<sup>1</sup>Ҳомидий Ҳ. Кўхна Шарқ дарғалари. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 130.

олмайди. Шу жиҳатдан социологик усул ўз мақсадини оқлайди ва қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1. Давр воқелиги таҳлил қилинади.
2. Ижтимоий ҳаётдаги инсон кайфияти ўрганилади.
3. Жамиятдаги маданий, маънавий ва диний қарашлар таҳлил этилади.

Адабиётшунос олим Умарали Норматов “Сўз ва маданият” деб номланган мақоласидаги фикрларга аҳамият қаратар эканмиз, шуларни ёзади: “Кейинги пайтларда “вульгар социологизм” иллатининг янги кўринишда намоён бўлаётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда, бу социологик ёндашишни яна бир бор ёмон отлик бўлишига олиб келмоқда. Аслида холис, соғлом, юксак маърифатли, адабиётнинг сўз санъати эканини асло назардан соқит этмайдиган теран илмий социологик тадқиқот усулига бугунги адабиётшуносликда талаб ва эҳтиёж ниҳоятда катта”<sup>1</sup>.

Суйима Ғаниева “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод, Ширин, Шопур, Меҳинбону, Хусрав каби образлар ҳақида гапирар экан, уларнинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Олима Фарҳод образига “оташин ошиқ, айни чоғда севгида садоқатли сиймо”, Фарҳоднинг тож-тахтга муносабатига “севгини, инсонни тожу тахтдан юқори кўядики, бу масала даврнинг бош масаласи ҳисобланар эди. Чунки ўша даврда тахт учун кураш жараёнида қанчадан қанча бегуноҳ қонлар, неча-неча софдил, самимий одамларнинг ёстиғи қурир эди”<sup>2</sup> тарзида образлар характерини очишга ҳаракат қилади.

Олима дostonдаги машҳур Фарҳод ва Хусрав ўртасидаги мунозарага “бу бир-бирини истисно қилувчи икки ижтимоий гуруҳ вакиллари ўртасидаги тортишув” деб қарайди. Бу билан у Фарҳод ва Хусравни бой ёки камбағал синф вакиллари эмас, балки бири маънавий оламини юксалтиришга, халқ фаравонлиги, юрт тинчлигини ҳимоя қилишга бел

---

<sup>1</sup>Қаранг: Норматов У. Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар. <http://normatov31.narod.ru/maqola/ajg.html>

<sup>2</sup> Ғаниева С. Аlisher Navoiy: hayoti va ijodi. – Т., 2012. – Б. 61.

боғлаган сарой вакили, иккинчиси эса моддият яъни, шон-шавкат, бойлик йиғиш мақсади бўлган сарой вакили сифатида ўзаро ажралишини кўрсатади.

Абдурауф Фитрат эса ўз даврида Фарҳод образи ҳақида ёзар экан, куйидагиларни қайд этади: “Навоий комил бир инсон типиди оладир. Илмда, истеъдодда, ботирликда, кучда жуда камолга етишканини унинг ҳар бир ҳаракати билан, ҳар иши билан исбот этмакчи бўладир. Бу қадар мукамал шахсиятни камбағал тош усталари орасида кўрмак, шулардан чиқармоқ Навоийга ёқмайду. У бу типда одамларни ўз синфидан саройдаги тўралар, хонлар, беклар орасидан чиқарлар, деб гумон қиладир. Шунинг учун Фарҳодни оддий тошчиликдан олиб, ўз синфига киргизадир”<sup>1</sup>, – деган мулоҳазага келган эди. Бу фикрлари билан Фитрат ҳам Фарҳод образини ижтимоий ҳаётдаги ўрни, давлат сиёсати, мамлакат ривожини учун саройдан танланганлигига аҳамият қаратгани маълум бўлади.

Ваҳоланки, Нажмиддин Комилов ёзганидек, “Навоийда дарвешчилик ғояси, таркидунёчилик ва зоҳидлик ғояси ҳам, ночор ва қашшоқ кишилар мафқураси ҳам эмас, балки ботиний маънавий юксалиш ғояси, яъни Комил инсон маънавияти”<sup>2</sup> ни ифода этиш муҳим ҳисобланади.

Олима “Фарҳод ва Ширин” достонининг бош ғояси халқ фаровонлиги, тинчлик, дўстлик масалалари эканлигига кўпроқ аҳамият қаратар экан шундай ёзади: “Достоннинг марказий ғояларидан бири халқлар дўстлигини куйлашдир. Асар қаҳрамонлари турли халқларнинг вакиллари дир. Фарҳод – хитойлик, Ширин – арман қизи, Шопур – эронлик. Уч асосий қаҳрамон миллати жиҳатидан бирдирлар. Уларнинг ҳар бири ўзини иккинчисисиз тасаввур қила олмайди. Уларнинг ҳар бири ўз халқининг вакили. Улар ўртасидаги садоқатни тасвирлаш орқали инсоний дўстликни юксак даражага кўтаради, улуғлайди. Бу орқали ўз қаҳрамонлари мансуб бўлган халқларга муҳаббат кўзи билан қарайди. Шунинг учун ҳам асар умумбашарий аҳамият

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. “Фарҳоду Ширин” достони тўғрисида. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Б. 116-117.

<sup>2</sup> Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: “Маънавият”, 2005. – Б. 12.

касб этади”<sup>1</sup>. “Навоий комил мусулмон, аммо бу унга исломгача бўлган тарихий воқеаларни ҳикоя этувчи “Тарихи мулуки Ажам” каби асарни ёзишга, бир қанча “ғайридин” халқларга тегишли афсоналардан фойдаланишга тўсқинлик қилмайди. Улуғ мутафаккир шоир инсоният тўплаган илмларни ўзи шавқ билан ўрганар экан, бошқаларга ҳам шуни лозим деб билади”<sup>2</sup>.

Суйима Ғаниева “Лайли ва Мажнун” достонида Лайлининг Мажнунга ёзган мактуби борасида “шу фикрларнинг ўзи ҳам ўша даврларда аёлларнинг қанчалик аянч аҳволда эканлигини яққол кўрсатади. Лайли образини яратиш орқали Навоий даврининг асосий масаласи – жамиятнинг ярмини ташкил этган аёлларнинг аччиқ тақдирини, фожиасини ифода қилади”<sup>3</sup> сингари қарашлари билан асардаги воқеалар ўша давр ҳаётида қандай бўлганлигига аҳамият қаратади. Олима Навоий асарларида шоир яшаган даврнинг бадиий ифодасини ўрганишни мақсад қилади ва бу билан XV-XVI асрлардаги аёллар турмуш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

С. Ғаниева бадиий асар яратилган давр табиатига мос ижтимоий реал ҳаётни акс эттирувчи ҳодиса сифатида ёндашади. Асосан, муаллифнинг ижод жараёнлари билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш, тарихий шахс образи ва реал тарихий шахснинг ҳаётдаги ўрни каби масалаларга олима аҳамият қаратган. Жумладан, “Алишер Навоий ва ижодкор темурий шахзодалар”<sup>4</sup> номли мақоласида темурийлар ҳақидаги Навоий эътироф этган ҳақиқатнинг асосларини ўрганади. Шоир асарларида темурий шахзодалар образи билан тарихий ҳақиқатни қанчалик мос келиши олима томонидан илмий таҳлилга тортилади. “Фарҳод ва Ширин” достонида Шоҳғариб Мирзога боғлиқ шундай мисралар ёзилади:

**Ғариб ўлғай ниҳоятдин зиёда,**

**Бу янглиғ гулким ўлғай шоҳзода.**

<sup>1</sup> Ғаниева С. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: “O‘zbekiston”, 2015. – Б. 59.

<sup>2</sup> Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: “Маънавият”, 2005. – Б. 19.

<sup>3</sup> G‘aniyeva S. Alisher Navoiy: hayoti va ijodi. – Т., 2012. – Б. 79.

<sup>4</sup> Ғаниева С. Алишер Навоий ва ижодкор темурий шахзодалар. Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.

Қаю шахзода ул кони малоҳат,  
Такаллум вақти дарёи фасоҳат.  
Фасоҳат бобида шахға қариб ул,  
Бори шахлар фасихи Шоҳғариб ул.  
Зихи нутқунг такаллум вақти жонбахш,  
Масихо янглиғ анфосинг равонбахш.  
Не маъни бўлса диққатдин ниҳонинг,  
Ҳал айлаб они табъи хурдадонинг.  
Кичик ёшда қилиб табъинг шумора,  
Хирад пирини тифли ширхора.  
Сенинг зотинггадур бу сўз фуруғи,  
Кичик ёшдин улуғларнинг улуғи.  
Эрурда кавкаби бахтинг янги ой,  
Эурсен бадр янглиғ оламорой.  
Қачонким бадрлиғ топса ҳилолинг,  
Қуёшдин бўлғай ортуқроғ камолинг.  
Янги ой бадрлиқдин келди махжур,  
Қуёшдин ҳар кеча касб этмаса нур.  
Қуёшлиқ истасанг касби камол эт,  
Камоллар касб этарсен, бемалол эт.  
Киши таълимдин топса малолат,  
Топар илм аҳли оллинда хижолат.  
Киши фарзонавону золим ўлса,  
Ва лекин нуктадону олим ўлса”<sup>1</sup>.

“Мажолис ун-нафоис”да ҳам Шоҳғариб Мирзога кўпроқ ўрин ажратилиши, яъни, Навоий бу темурийзодага бошқалардан кўра кўпроқ эътибор қаратади; у ҳақидаги маълумотлар деярли бир саҳифани ташкил этади. Ҳатто тазкиранавис зикр охирида: “Яхши матлаълари бу мухтасарға

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Мукамал асарлар тўплами. 8 жилд. – Т. : Фан, 1991. – Б. 509.

сигмас, магар яна бир китоб битилгай”<sup>1</sup>, – дея фикрларини яқунлайди. С.Ғаниева ШохҒариб Мирзонинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини манбалардаги қайдлар асосида кўриб чиқади. Суйима Ғаниева ёзади: “Фахрий Ҳиротий ёзишича, ҳиротлик бир шоир “Ғарибий” тахаллусини олганда Ҳусайн Бойқаро ўғлининг хотири учун унинг тахаллусини “Мажлисий”га ўзгартирган экан...”<sup>2</sup>

ШохҒариб ҳақида олима “Равзат ус-салотин” асаридаги “Шеърга майл кўрсатган ва (шеър) айтган Самарқанду Хуросоннинг Амир Темур Кўрагон авлодидан бўлган султонлари зикрида” бобидаги: “ШохҒариб Мирзо – Султон Ҳусайн Мирзонинг фарзанди эди. Шоирлик ва хуштабликда машҳур бўлган. Туркий ва форсий назмни яхши айтар эди. Халқ ўртасида унинг шеърӣ девони машҳурдир:

**Бир қаро кўз бағри тошнинг хоксоримен яна,**

**Кирса майдон ичра раҳшининг ғуборимен яна...**

**Эй Ғарибий, оқса бағрим қони кўздин не ажаб,**

**Бир қаро кўз бағри тошнинг хоксоримен яна”**<sup>3</sup>, – деган қайдларни ҳам ўрганади.

Хуллас, муаллиф ва ижтимоий ҳаёт, воқелик боғлиқлигини текширар экан, олима темурий шаҳзода ҳақидаги бадиий асардаги ифоданинг тарихий жараёндаги ҳақиқатини ижтимоий таҳлил асосида топади. Бундай ёндашуви билан Навоий даври ижтимоий, сиёсий ҳаётида шоҳ ва шаҳзодалар маънавий қиёфаси очилади. ШохҒариб Мирзо ҳаёти ва ижодини ўрганган Шафиқа Ёркин ёзганидек: “Навоий Султон Ҳусайн мирзога, унинг хонадонию фарзандларига хурмату муҳаббат кўзи билан қарагани сабабли, улар ҳақида ҳар доим фақат яхши сўзлаб, уларни жамолу камолда, жисмоний ва маънавий фазилатларда тенги йўқ кишилар, деб улуғлайди. Ғарибий, бир томондан, Султоннинг фарзанди эканлиги учун Навоийнинг

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Ған, 1997. – Б. 170.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Ған, 1997. – Б. 278.

<sup>3</sup>Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2014. – Б. 192.

меҳру ҳурматиға сазовор бўлган бўлса, иккинчи томондан кучли шоир эканлиги учун унинг қалбидан жой олган эди”<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, Суйима Ғаниева тадқиқ усуллари яна бошқа масалан, биографик ёндашув асосида ҳам олиб борилган. Жумладан, Суйима Ғаниева Низомий Ганжавий “Искандарнома”нинг “Иқболнома” қисмидаги муғаннийномалар шоир шахсий ҳаётига оид маълумотлар бадиий акси эканлигини шундай парчалар билан асослайди:

**“Фалак пештар з-инки, озода буд,  
Аз он беҳ канизе маро дода буд.  
Ҳамон меҳру хизматгарй пеша дошт,  
Ҳамон кордони дар андеша дошт.  
Чу чашми маро чашмаи нур кард,  
Зи чашмаи маро чашмаи бад дур кард.  
Рабоянда чарх чу он чунонаш рабуд,  
Ки гуфти ки, то буд ҳаргез набуд.  
Чу ҳалвои “Ширин” ҳаме сохтам,  
Зи ҳалвогарй хона пардохтам.  
Чу бар ганжи “Лайли” кашидам ҳисор,  
Дигар гавҳаре кардам он жо нисор...**

Яъни, Фалак авваллари менга марҳаматли бўлганида, бир канизакни менга тухфа қилган эди. Менинг кўзларимни у нур чашмаси-булоғига айлантирган ва кўзларимдан ёмон кўзни йироқ қилган эди. Юлғич фалак мендан уни тортиб олди, айтиш мумкинки, гўё у бўлмаган эди. Мен “Ширин” халво тайёрлар эканман, уйимдаги ҳалвогарим – ширинлик тайёрловчини олиб кетди. “Лайли” хазинаси атрофида тўсиқ яратаётганимда, бошқа бир гавҳаримни сочқи қилдим”<sup>2</sup>. Олима Низомийнинг шахсий ҳаётида рўй берган воқеалар билан юқоридаги

<sup>1</sup> Ёрқин Шафика. Шоҳғариб Мирзо Ғарибий. Девон. – Т. “Шарқ”, 2001. – Б. 11.

<sup>2</sup> Ғаниева С. Низомий муғаннийномалари / Низомий ва ўзбек адабиёти. Илмий анжуман материаллари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 58-59.

мисралар боғлиқлиги, яъни Низомий муғаннийномаларида шоирнинг шахсий ҳаётига оид маълумотлар мавжуд экан.

Хулоса шуки, Суйима Ғаниева дақиқ назарлик билан қиёсий-тарихий, социологик тадқиқ усуллари асосида ўзининг изланишларини олиб борган. Теранлик, зийраклик олима илмий услубларини тўлдирувчи тамойиллар бўлган.

## 2.2. Навоийшуносликда герменевтик метод самаралари

Кейинги вақтда адабиётшунослик соҳасида герменевтик таҳлилга кўпроқ мурожаат этилиши кўзга ташланмоқда<sup>1</sup>. Герменевтика аслида фалсафий қараш бўлиб, афсонавий Гермес номи билан боғланади<sup>2</sup>. Ўзбек адабиётшунослигида герменевтикага матн талқини нуқтаи назаридан ёндашилиб, матн герменевтиказининг асосий ва устувор жиҳатларини кўрсатиш ҳамда бу тадқиқот усули орқали фикр-мулоҳазалари кенг ифодалашга эришиш мумкинлиги айрим тадқиқотларда кўрсатилган<sup>3</sup>.

Адабиётшунослик тадқиқ усуллари борасида сўз юритилганда баъзан Шарқ герменевтикаси ва Ғарб герменевтиказининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганиш масаласига тўхтаб ўтилади<sup>4</sup>. Гермес ҳақидаги маълумотларни ўрганиш давомида бу номнинг Идрис алайҳис-саломга бориб тақалишини кўриш мумкин. Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида: “Язид ибни Маҳлойил. Дерларким, Язид бағоят зеборўй ва писандидахўй эрди. Қушлар эти ва болиғ эти емакка ул мухтариё бўлди. Ва ариғлар қозиб, сув чикорди ва кўп никоҳ қилур эрди. Анга қирқ ўғул пайдо бўлди. Боридин кичикроқ Ахнуҳ эрдик, ани Идрис дебдурлар. Умри тўкуз юз олтмиш иккига етконда, Идрис алайҳиссаломни валиаҳд қилиб, охират сафариға озим бўлди ва аждоди ёнида дафн қилдилар. Идрис алайҳиссалом

<sup>1</sup> Қаранг: Тожибоева О. Алишер Навоий “Хамса”сининг насрий баёнлари: тамойил, мезон ва услуб. – Т.: “Nodirabegim”, 2020.

<sup>2</sup> Павлов Е.В. Основы герменевтики. – М.: Московский богословский институт, 2004. – С. 4.

<sup>3</sup> Қаранг: Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг ХУ-ХХ аср манбалари: Филол.фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1998; Баходир Карим. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2006; Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари. – Т.: Tammadun, 2017.

<sup>4</sup> Қаранг: Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Т.: “Муҳаррир”, 2011. – Б. 84.



сурёний пайғамбардур. Отаси Язид замонида бутпарастлик шойеъ бўлди. Анга ваҳй келдиким, ул элни бутпарастликдин манъ қилғай. Черик тортиб, кўп жиҳод қилиб, Қобил авлодинким, бутпарастлик қилур эрдилар, қатл ва асир қилиб, ғазва ва жиҳод қоидасин ул ароға киюрди. Ва ани халқ мусалласун-неъма дедиларким, учунчи пайғамбар ва учунчи ҳақим ва учунчи подшоҳ эрди. Юнон аҳли ақидаси будурким, Хурмис ҳақим улдур. Хат ва нужум илмини ул пайдо қилди ва киймак ва емак андин қолди. Ҳақ таоло анинг учун ўтуз саҳифа нозил қилди. Ва анинг замонидин Нух алайҳиссалом замониғача тўрт юз ўтуз тўрт йилдур. Олтмиш беш ёшида Матушлах мутаваллид бўлди. Ва Идрис алайҳиссаломнинг мавтин киши кўрмайдур...”<sup>1</sup> – деб ёзилади. Демак, Навоий ёзганидек, юнонистонликлар ақидаси бўйича Идрис а.с. бу – Хурмис, Хурмис эса Гермеснинг шарқдаги номланиши бўлган. Низомий Ганжавийнинг “Иқболнома” достонида эса ушбу ҳақимнинг исми Ҳирмис шаклида келтирилган:

**“Румнинг аҳли файласуфи баъзи дам,  
Турфа эл-юртдан келиб бўларди жам.  
Қилиб кенгаш илм равнақидин гоҳ,  
Қилиб жонбахшу дилгир сўздин огоҳ.  
Исботи берса синовга кимни дош,  
Шул боис у бўлди сарварларга бош.  
Гоҳо Ҳирмис жаҳли солса ҳам ғулу,  
Одил эрди, ёқтирар ҳақ гапни у.  
Бўлса аввалдан далил ҳар кимда гар,  
Парвариш топди сўзи осмон қадар.  
Рухонийлар сирин очган учун кўп,  
Юнонийлар қиларди рашк уни хўп.  
Етмиши қурди бўлиб жам анжуман,  
Этгали инкор уни бўлди бир тан.**

---

<sup>1</sup>Қаранг: Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Мукаммал асарлар тўплами. 16 жилд. – Т.: Фан. – Б.101-102.

**Нима ҳам деса гўё англамасмиз,  
Зебодир сўзи гарчи, тингламасмиз...”<sup>1</sup>**

Идрис а.с. кўп дарс ўқитгани, дарс бергани сабаб Идрис (дарс ўқитувчи) номини олган. Шундай маълумотларга таяниб, Идрис а.с. дастлабки ўқитувчи, тушунтирувчи, шарҳловчи деб хулоса бера оламиз.

Герменевтика соҳасининг тушунтириш, шарҳлаш, талқин этиш ва дарс бериш сингари мазмунни англантиши билан боғлиқлигини ҳамда Идрис алайҳиссаломнинг ҳам биринчи дарс берган (Идрис-дарс ўқутгон) набий экани ҳисобга олинса, герменевтик қарашларнинг тарихий шаклланиши Шарқдан эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Герменевтиканинг матн таҳлили билан боғлиқ турли йўналишлари мавжуд<sup>2</sup> бўлиб, С. Ғаниева илмий-адабий тадқиқотларида матн таҳлилининг учта йўналиши кузатилади:

1. Табдил (бошқа тилдаги асарни ўз тилига ўгириш).
2. Реконструкция (ҳақиқий матнни тиклаш, яъни бир тил ичида матн яратиш).
3. Мулоқот (матн талқини, шарҳи).

Олиманинг таржима этишдаги энг йирик иши “Калила ва Димна”нинг форс тилидан ўзбек тилига ўгириш бўлади. “Калила ва Димна” таржималари ҳақида академик В.Зоҳидов шундай ёзади: “...бу асарнинг Шарқ тилларидаги таржималари кўп жихатдан бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бир таржимон ўз дунёқарашлари ва даври талабларидан келиб чиқиб, асарга ўзича мустақил ёндашган ҳамда озми кўпми ўзгартишлар киритган”<sup>3</sup>. Ўзга тилда яратилган матн она тилига таржима қилинганда тилда мавжуд бўлган лексик тил имкониятлари билан изоҳланади. Таржима жараёнида ўзга тилдаги маълум бир сўз ўзбек тилига айнан таржима этилмасдан, шу сўз

<sup>1</sup> Низомий Ганжавий. Иқболнома. Форсчадан Ж.Субҳон таржимаси. – Т.: ART FLEX, 2009. – Б. 80.

<sup>2</sup> Қаранг: Аллаёрова С.Н. Фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатлари: Фал.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2010.

<sup>3</sup> Зоҳидов В. Юсак нафосат ва мангу ҳикмат обидаси. Сўзбоши. Калила ва Димна. Учинчи нашр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 4.

маъносига яқин бўлган лексема танланиши мумкин. Олима таржима ишини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга таянган:

1. Асосан асарнинг мукамал матни ўқувчиларга етказиш мақсадида форсча матни ва Фазлуллоҳ Алмаий таржимасидаги ҳикоятлар, баъзан кичик лавҳалар олинган.

2. Асарнинг озарбайжонча таржимасидаги баъзи ўринсиз такрорлар, узун тафсилотлар қисқартирилган.

3. Нашрнинг оммабоплигини назарда тутиб, баъзан парчалар бирмунча эркин таржима қилинган, баъзан эса уларнинг мухтасар баёни берилган.

4. “Калила ва Димна”нинг ёзилиши фольклор тил ва услубига монандлиги боис оригиналлик сақланишига аҳамият қаратилган. Жонли халқ тили хусусиятларидан фойдаланилган.

Албатта, таржима матни тил сатҳининг хорижий тилларга мансублигидан келиб чиқади. Суйима Ғаниева илмий тадқиқот усулларида матни табдил этиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис”да Навоий шерозлик Мавлоно Толиб Жожармий қабр тошига битилган рубоийсини ўқиб, ёдида қолдирганини ёзади ва шундай келтиради:

**Дар кўчаи ошиқи ба паймон дуруст,  
Меғуфт ба манн аҳли диле рўзина хуст,  
Толиб маталаб касеки у ғайри ту жуст,  
Ту толиби у бошки, у толиби туст<sup>1</sup>.**

Албатта, олима Навоий бир маротаба ўқиб, эсида қолдирган рубоий матни таржимасини бериш мақсадга мувофиқ, деб топади ва рубоийни насрий йўл билан шундай тушунтиришни маъқул кўради: “Ошиқлик кўчасида аҳд-паймони мустаҳкам бўлган бир аҳли дил (яъни, дилбар, дилдор) менга айтган эди: Сендан бошқани қидирган кишини талабгорликка ундама, сен шундай кишига талабгор бўлгинки, у ҳам сенга талабгор

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б.24.

бўлсин”<sup>1</sup>. Маълум бўладики, рубоий матнида “толиб” сўзи уч маротаба кўлланган бўлса, таржимада шу сўз маъносини берувчи “талабгор” сўзи шунча келтирилган. Таржимада матн маъноси асосий бўлиб, вазн яъни шакл сақланмаган. Бу олима томонидан тушунтиришнинг етакчи мақсад бўлганлигини кўрсатади.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида Навоийнинг форсча рубоийлари ҳам бор. Жумладан:

**Гуфтам фалакам ба ҳар тараф ронандаст,  
Саргаштаги орандаву гирёнандаст,  
Не, не донад ҳар он ки у донандаст,  
К-у низ асири дасти гардонандаст<sup>2</sup>.**

Олима тўртлик мазмунини қуйидагича беради: Дедим фалак мени ҳар тарафга ҳайдайди, Саргашта қилади ва йиғлатади. Йўк, йўк, у ҳар қандай билиш керак нарсани билади. У ҳам айлантирувчи кўлида асирдир”<sup>3</sup>.

Шеърин таржимада матн мазмунини келтириш олиманинг асосий мақсади бўлган. Жумладан, Фахрий Ҳиравийнинг “Жавоҳир ул-ажойиб” асарини форсчадан ўзбек тилига таржима этар экан, у тазкиранинг назмий қисмидаги матнларнинг аввал транскрипциясини, сўнгра мазмунини ҳавола этади; бу билан олима гарчи шеърнинг асл вариантыга хос вазн, қофия сингари ташқи омиллари сақланмаса ҳам уларнинг мазмунига диққат каратади, шеърни табдил қилади. Масалан, олима тазкирадаги машҳур аёл шоиралардан бўлган Маҳсатий Ганжавий (XI аср охири XII аср бошлари) фикрасида бир рубоийни қуйидагича таржима қилган: “Дейдилар: Кечаларнинг бирида Маҳсатий ҳаво олиш учун Султон мажлисидан ташқарига чикди. Қараса, қор ёққан экан. Қайтиб кирганидан кейин Султон хавонинг қандайлигини сўради. Маҳсатий бадихона қуйидаги рубоийни айтади. Рубоий:

**Шоҳо, фалак аспи саодат заййин кард,**

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б.227.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 15 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 43.

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 15 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 198.

**В-аз жумлаи хусравон туро таҳсин кард.**

**То дар ҳаракат саманди заррин наълат,**

**Бар гил наниҳад пой, замин симин кард.**

Яъни: Эй шоҳ, фалак саодат отини эгарлади, Ва барча ҳукмдорлар ичида сенгагина таҳсин айтди. Олтин тақали тулпоринг юрганида, Тупрок устига қадам босмасин деб, ер кумушдек бўлди”<sup>1</sup>.

Бу ерда олима ушбу рубоий аслиятидаги мазмунни ўқувчи яхши англаши учун насрий таржима қилган. Ушбу рубоий адабиётшунос олим, таржимон Эргаш Очилов томонидан қуйидагича таржима қилинган:

Бахт отини, эй шоҳ, фалак этди тайёр,

Шоҳлар ичида қилди шаънингни пойдор.

Лой бўлмасин оёғи отингни дея,

Ёғдирди замин узра, қара, оппоқ қор<sup>2</sup>.

Диққат этилса, С. Ғаниева таржимасида илмийлик, яъни мазмунни сақлаш асосий мақсад, Э.Очилов таржимасида эса бадиийлик, яъни вазн, қофия асосий бўлган.

Шунингдек, мазкур фикрада шоиранинг исмини ҳам тўғри ёзгани олиманинг матнга нисбатан эътиборли эканлигидан далолат беради. Чунки, мазкур шоира ҳақидаги маълумотларни кузатганимизда уч ўринда уч хил шаклда берилганини кўрдик. Жумладан, 2009 йилда нашр этилган “Минг бир рубоий” тўпламида ўқиймиз: “Маҳастий Ганжавий (1098 - XII аср ўрталари). Асли исми Муниса бўлиб, Хўжандда туғилган. Маҳастий (Маҳситий) унинг тахаллуси бўлиб, “ой юзли” демакдир...<sup>3</sup>”. 2019 йилда усмонли турк тилидан таржима қилиниб, чоп этилган Ризоуддин Фахриддин ўғлининг “Машҳур хотунлар” китобида эса қуйидагича берилади: “Маҳистий. Эроннинг машҳур шоираларидан бўлган “Улуғхоним”дир. У ганжалик ёки нишопурлик. Султон Санжар салжуқийнинг

<sup>1</sup> Фахрий Ҳиравий. Жавоҳир ул-ажойиб. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2014. – Б. 147.

<sup>2</sup> Минг бир рубоий / форс-тожик тилидан Э.Очилов таржималари. – Т.: Фан, 2009. – Б.54.

<sup>3</sup> Қаранг: Минг бир рубоий / форс-тожик тилидан Эргаш Очилов таржималари. –Т.Фан. 2009. –Б.49.

хамсухбатларидан бўлиб, Абдуллахон Ҳиротни қамал қилган пайтида вафот этган<sup>1</sup>”.

Интернет сайтларидаги мазкур шоира ҳақидаги маълумотда қуйидагича шаклда берилган: **مَه سَتِي گنجہ ای یا مِه سَتِي گنجوی**

**Озарбайжонча шакли эса қуйидагича берилган: Məhsəti Gəncəvi** – XII əsrdə yaşamış mənşəcə [Azərbaycanlı](#) olan şair, sufi Əxi təriqətinin üzvü. 2013-cü ildə [UNESCO](#)-nun Baş Konfransının 36-cı sessiyasında Məhsəti Gəncəvinin 900 illik yubileyinin dünya səviyyəsində qeyd edilməsi haqqında qərar qəbul edili<sup>2</sup>.

Бизнингча, Суйима Ғаниева матнида келтирилган Маҳсатий исми тўғри, чунки шоира тахаллуси “моҳ” сўзи билан боғланиши аниқдир.

Суйима Ғаниева илмий фаолиятида матнни реконструкция, яъни матнни қайта тиклаш, матннинг муаллиф қалами остида чиққан маъносини тузиш ишлари кузатилади. Олима томонидан олиб борилган бу ёндашув таржима жараёнидан фарқ қилиб, нафақат ўзга ва она тил ўртасида, балки бир тил ичида матн яратиши билан ажралади. Суйима Ғаниева “Мажолис ун-нафоис” асари илмий-танқидий матнини тузишда ҳам айнан реконструкция қилиш асосида асарнинг таянч матнини тузиб чиқади. Олима “Мажолис ун-нафоис” асари илмий-танқидий матнини қуйидаги тамойиллар асосида тайёрлайди:

1. Агар илмий-танқидий матнга киритилган бирор сўз асосга олинган қўлғезмаларда бошқа сўз билан алмаштирилган бўлса, унда матндаги сўз тепасига рақам қўйиб, матн остида шу рақамнинг ёнига қайси қўлғезмада қандай сўз келган бўлса, бевосита шу сўз ёзилади.

2. Фарқлар бирикма ёки бутун бир жумлага тегишли бўлса, унда жумла бошланадиган сўзнинг ўнг томонига “\*” белгиси, тугалланган сўз

<sup>1</sup> Қаранг: Фахриддин ўғли, Ризоуддин. Машхур хотунлар (Тарихда номи чиққан аёллар) / Таржималар: М.Эшмухаммедова, Б.Умурзоков. –Т.: “Navro‘z”, 2019. – Б. 274.

<sup>2</sup> Məhsəti Gəncəvi. <http://www.fa.wikipedia.org//az.wikipedia.org>

ёнига рақам қўйилган, шу рақам асосида матн илмий аппаратида қўлёзма матнлари фарқини кузатиш мумкин бўлади.

3. Баъзан бутун бир бет таянч матндан фарқланади. Бундай ҳолда илмий-танқидий матн бўлаги бошланишига “\*\*” белгиси қўйилган, матний фарқлар кўрсатилган.

4. Баъзан котиблар ихтиёри ёки юзага келган ноаниқликлар сабабли тушиб қолган сўз, бирикма, жумлалар “ – ” белгиси билан, аксинча, қўшимчалар “ + ” белгиси билан бериб борилган.

Умуман, олиманинг ўзи қайд этганидек, “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий матни таянч нусха тартиби билан тузилган, бошқа қўлёзмаларда мавжуд фарқлар матн остида фиксация қилиб, изоҳланган.

Немис файласуфи Гадамернинг фикрича, “тушуниш мумкин бўлган борлик, бу фақат тилдир”<sup>1</sup>. Герменевтикада тушуниш ва тушунтириш билан бир қаторда интерпретация – талқин этиш ҳам муҳим ҳисобланади. Суйима Ғаниева илмий қарашларида матн билан жонли мулоқотга киришиш, нафақат матнни тушуниш, балки шарҳлаш, тушунтириш устун туради. Олима қарашларининг мулоқот характериға эға бўлишини шарҳловчи ва матн ўртасида юзага келган жонли бирикувнинг юзага чиқиши билан изоҳлаймиз.

Мумтоз шеърлар матнида сўзлар қўлланиши поэтик вазифа бажариш ҳамда герменевтик трансформация учун ўзига хос ғоя ташишга хизмат қилади. Сўзлардаги уйғунлик унинг ташқи ва ички маънолари ўртасида пайдо бўлиб, трансформация орқали матн мазмунидан келиб чиққан сўз янги, оригинал маъно, оригинал шаклга эға бўлади. Олима шарқ адабиётига хос бўлган бундай ҳодиса хусусида сўз юритар экан, Ҳувайдо ижодида ҳам ботиний ва зоҳирий маъноси мавжуд сўзларға эътибор қаратади:

**Санамни дардини дафтар қилиб хатга битиб бўлмас,**

---

<sup>1</sup>Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики. – М.: Прогресс, 1988. – С. 548.

## **Ани асрорини бефаҳмларга шарҳ этиб бўлмас<sup>1</sup>.**

Байтдаги *эй дилбар, санам, асрор* каби сўзлар маъноси ички маънонинг кенгайишига ёрдам бериб, сўз шакли мотивлашиши учун манба бўлмоқда.

Мумтоз асарлар матнини тушунишда баъзан сезиларли даражада давр, миллат, маданият масалаларини ҳал этиш зарурияти туғилади. Мана шу жараёнда матнни тушуниш учун таяниш керак бўлган герменевтик восита – матн шарҳи зарур бўлади. Бадиий асар матнини шарҳлаш жараёни оддий луғат билан таққослаш тарзида кўринса-да, аслида тадқиқотчининг ўз-ўзини кузатиш, таҳлил этиш жараёни шаклланган махсус илмий ёндашув ҳиболанади. Шарҳ – шарҳни қабул қилувчига матнни етарли даражада тушуниши учун зарур бўлган маълумотлар тўплами кенг ўқувчилар оммаси, бошқа тил ёки соҳа вакиллари бўлиши мумкин.

Шарҳ мамлакатларида қадимдан ривожланган шарҳ, яъни матндаги сўзлар мазмунини талқин этиш ўзининг ёрқин услубий характериға эгадир. Шарҳда асарни назарий ва амалий ўрганиб, кейин унга ёзилган шарҳ мустақил асар бўлади. Шарҳ адабий-танқидий қарашлари тарихида “герменевтика” атамаси учрамаса-да, аммо унинг мазмун-моҳиятиға мос фикрлаш тарзи қадим даврларидаёқ мавжуд бўлганлиги юқорида Идрис а.с. таърифи мисолида кузатилди.

Фикҳ илми ривожига катта ҳисса қўшган олим Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарига ўнлаб шарҳ битилган<sup>2</sup>. “XVII-XVIII асрларда “Маснавий” мутолаа қилиш ва унга шарҳ ёзиш Ўрта Осиё, Эрон ва Туркияда кенг расм бўлган”<sup>3</sup>. Асарларға ёзилган шарҳлар асосан манба матни талқини бўлиб, шарҳловчининг ўзгача ёндашуви ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

<sup>1</sup>Ғаниева С. Шоир ҳақида сўз. Хувайдо. Кўнгил дарди. – Т.: “MERIYUS”, 2009. – Б. 5.

<sup>2</sup>Қаранг: Ҳасаний Маҳмуд. Ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.

<sup>3</sup>Ҳамроева Д. “Маснавий” шарҳлари // Сино, 2008. – № 30. – Б. 35.



Албатта, “шарҳ – санъат учун санъат”<sup>1</sup> яратишдир. Суйима Ғаниева “Амир Темур ва темурийлар Навоий нигоҳида”<sup>2</sup> номли мақоласида “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисида Амир Темур зикрида келтирган: *Абдол зи бим чанг бар Мусҳаф зад* (Мазмуни: Дарвеш кўркувдан Қуръонга чанг солди) мисраси тўлиқ матнини ўрганади. “Темур бадиҳона келтирган мисра X асрдаги буюк орифлардан шайх ва шоир Абусаид Абдулхайрнинг машхур “Ҳавроия” рубойиси тўртинчи мисрасидир. Бу рубой билан боғлиқ ривоят ҳақида Жомий “Нафоҳот ул-унс”да, Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Абусаид Абдулхайрга бағишланган фикрага тўхталиб ўтадилар. Рубой матни:

**Ҳавро ба назораи нигораи саф зад,**

**Ризвон ба ажаб бемонду каф бар каф зад.**

**Як холии сияҳ барон рухон мутраф зад,**

**Абдол зи бим чанг бар Мусҳаф зад.**

Яъни: Ҳурлар нигоримни кўриш учун саф тортдилар, жаннат дарвозабони ажабланиб, қарсак чалди. Бир қора хол ул юзларга парда тортди, абдол (демона) эса кўркувдан Қуръонга чанг солди”<sup>3</sup>. Бу мисра ва унинг муаллифи борасида бошқа олимлар ҳам сўз юритишган. “Бу рубой ўша даврларда ниҳоятда кенг тарқалган бўлиб, уни ҳар хил талқин қилишлар унга шарҳ ёзишларни ҳам тақозо этган”<sup>4</sup> ва ҳатто Хожа Аҳрори Валий ҳам шу рубой шарҳига бағишлаб “Ҳуроия” ёки “Ҳавроия” рисоласини ёзган. С. Ғаниева бу машхур рубойга Хожа Аҳрордан ташқари яна бошқалар томонидан ёзилган шарҳларни “Шайх Абусаид Абдулхайрнинг “Ҳавроия” рубойисига ёзилган шарҳлар ҳақида” мақоласида келтиради. Олима асар моҳияти, унинг бадиий-эстетик хусусиятларини очиқ бериш, асар матнида акс этган ижодкор ғоясини талқин этишни ўқувчига асарни тушуниши учун ёрдамчи восита деб қарайди. Матн

<sup>1</sup> Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. – М.: Просвещение, 1970. – Б. 293.

<sup>2</sup> Ғаниева С. Амир Темур ва темурийлар Навоий нигоҳида / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009. – № 28. – Б. 4.

<sup>3</sup> Ғаниева С. Амир Темур ва темурийлар Навоий нигоҳида / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009. – № 28. – Б. 4.

<sup>4</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Вали. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – Б. 104.

шарҳида муаллиф ишора этган баъзи ўринлар, у ёки бу сабаб билан ошкора ёзмаган ёки баён этилиши лозим топмаган ҳолатлар талқин қилиниши билан матн моҳияти очилади.

Шарҳ қисқа ва фойдаланишга қулай бўлиб, одатда, матндан кейин алоҳида мақола ёки маълумот тариқасида жойлаштирилади. Матндан сўнг берилган шарҳнинг ўзига хос фойдали жиҳатлари бор. “Китобхон жами ёрдамчи иловани, – деб ёзади С.А. Рейсер, – бирйўла олади, ўзига керакли маълумотни шу жойдан ахтаради ҳамда матн шарҳини яхлит кўздан кечиради”<sup>1</sup>. С. Ғаниева Алишер Навоий 20 жилдлик мукамал асарлар тўплами нашрига берган шарҳларида айнан шу усулни қўллайди.

Олима томонидан тайёрланган “Мажолис ун-нафоис”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Назм ул-жавоҳир”, “Вақфия”, “Арбаъин”, “Маҳбуб ул-қулуб” сингари асарлар матни шарҳлари мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин бўлади:

- а) ташбеҳли ва рамзли байтлар шарҳи;
- б) матнда тилга олинган асарлар ёки уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар;
- в) шеърий санъатларга доир изоҳлар;
- д) тарихий ва афсонавий шахслар тавсифи;
- е) муаммоли ёки илмий тадқиқотларга туртки бўладиган шарҳлар.

Суйима Ғаниева матн шарҳини беришда адабиётшунослик, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, тарих, тилшунослик, диншунослик каби фанларига мурожаат этган. Жумладан, С. Ғаниева “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари матн талқини билан боғлиқ ҳар бир нуқтага эътибор қаратаркан, ҳозирги давр ўқувчиси учун **буғро, тавочи, улуфа, мақомат, ринд, тафсил, лангар, қушчилик, сипоҳийлик** каби сўзлар маъносини тушунтиришни зарур деб билади. Олиманинг “буғро – лағмонга ўхшаган хамир овқат”<sup>2</sup>; тавочи – подшоҳнинг буйруқ ҳамда топшириқларини тегишли

<sup>1</sup>Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. – Л.: Просвещение, 1970. – Б. 296.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Мукамал асарлар тўплами. 15 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 211.

жойларга ва одамларга етказувчи ҳамда амалга оширувчи амалдор<sup>1</sup>; улуфа – амалдорларга давлат томонидан белгиланган маош ва озиқ-овқат<sup>2</sup>; кушчилик – ов қиладиган кушларга қаровчи шахс, ўрта асрларда саройда кушчилик лавозими ҳам бўлган, кушчилар нуфузли шахс ҳисобланган;<sup>3</sup> сипоҳийлик – амалдорлик, ҳукумат хизматида бўлиш, ҳарбий юриш ёки машваратларда қатнашиш бундай хизмат доирасига киради<sup>4</sup> каби қўшимча изоҳлар бериши асар мазмуни кенг, чуқур англанишига қаратилади ҳамда шарҳларни беришда асар матни тили билан ўқувчи англайдиган тил фарқланишидан келиб чиқиб иш юритади.

Баъзан шарҳлашда шу нарса кузатиладики, асар матни нашрларида тафовутлар учрайди. Масалан, “Мажолис ун-нафоис”нинг муқаддимасида: “Ҳазрати малики алломнинг каломи муъжиз низоми Жаброили хужаста фаржом воситаси била хайр-ул-аном алайҳиссалавоту вассалламға нозил бўлди”<sup>5</sup> каби жумлалар мустақилликдан олдинги тазкира нашрида берилмаган. Шарҳловчининг фикрига кўра, кейинги давр ўқувчилари бу жумлаларни тушунтириш керак. Олима шунинг учун “*малики аллом* – Оллоҳ кўзда тутилмоқда, *каломи муъжиз низоми* – Қуръони каримнинг нозил бўлиши ҳақида сўз кетмоқда, *Жаброил* – Исломдаги тўрт фариштадан бири, Худо билан пайғамбар ўртасида элчилик қилган, *хайр-ул-аном алайҳис салавоту вассаллам* – одамларнинг яхшиси, унга салом ва дуолар бўлсин демакдир. Бу ибора Муҳаммад пайғамбар номига қўшиб ёки уни назарда тутиб айтилади” тарзида матнни шарҳлаган.

Бундай ёндашув “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида Саййид Ҳасаннинг отаси Ардашер Бойсунғур мирзо таърифидаги “Сулаймон” сўзига берилган шарҳда ҳам кўринади. Навоий Ардашернинг ўз касбининг маҳоратли кишиси бўлгани муносабати билан бир байт келтиради:

**Кўп хунарлик кимса шахларга этар дамсозлик,**

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 15 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 200.

<sup>2</sup>Ўша асар. – Б. 220.

<sup>3</sup>Ўша асар. – Б. 217.

<sup>4</sup>Ўша асар. – Б. 218.

<sup>5</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 7.

## Қуш тилин билган Сулаймонға этар ҳамрозлик<sup>1</sup>.

Навоий Саййид Ҳасан отасининг кўп ҳунарлар эгаси эканлигини Сулаймон пайғамбарга ўхшатар экан, шарҳловчи Сулаймон – Тавротга кўра шох, Қуръони мажидда эса, пайғамбар дейилишини, ривоят ва қиссаларда у ақлу идрокли, тадбиркор бўлгани, унинг сеҳрли узуги бўлиб, ана шу узук (хотам) воситасида ҳаммани ўзига мутеъ қила билганини ёзади. Яна шарҳда Сулаймон Сабо маликаси Билқисга уйланган, у қушлар, инсу жинлар тилини билган, Сулаймон ҳақида Қуръоннинг 44-сураси 11-12 оятларида, “Насойим ул-муҳаббат”да “Сулаймон бинни Довуд алайҳимус-салом” сарлавҳаси остида муфассал фикра берганини ҳам қайд этади<sup>2</sup>. Кўришиб турибдики, С. Ғаниева Сулаймон пайғамбар билан боғлиқ асосий манбалар “Таврот” ва “Қуръон” кейин “Насойим ул-муҳаббат”даги маълумотларни жамлаш асосида шарҳлаш олиб боради.

Суйима Ғаниева илмий ёндашувларида матнда келтирилган асар ҳақида сўз юритиш кўп учрайди. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис”нинг аввалги мажлисининг Мавлоно Ҳусайн Хоразмий ҳақида фикрасида: “Мавлоно ўз замонининг машоҳириндур ва “Мақсади ақсо” анинг таснифидур. Ва Мавлоно Жалолиддин Румий (қуддиса сирруҳу) маснавийсиға шарҳ битибдур ва “Қасидаи бурда”ға ҳам хоразмийча туркий тил билан шарҳ битибдур. Ўзга мусаннафоти ҳам бор. Аммо ахлоқ ва сифоти ботин илмида ёруғлик топқоннинг мунофисидур”<sup>3</sup>, – деб ёзилади. Демак, Навоий бу фикрада “Қасидаи бурда”, “Мақсади ақсо” ҳамда Румий асарига ёзилган шарҳ ҳақида айтиб ўтмоқда. Олима бу ерда асосан “Қасидаи бурда”ға шундай эътибор қаратади: “*Қасидаи бурда*” – араб шоири Каъб ибни Зуҳайр (VII аср) асари. Бурда дегани йўл-йўл матодан тикилган устки кийим – қабони англатади. Ривоятга кўра, Муҳаммад пайғамбар шол дардига мубтало бир бемор устига ўз бурдаси – устки кийимини ташлаган экан, у даво топиб, тузалиб кетибди. Қасиданинг номида шу ривоятга ишора бор.

<sup>1</sup>Ўша асар. – Б. 7.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 217.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б.13-14.

Қасида уч қисмдан – анъанавий лирик муқаддима, дидактик қисм ва мадҳдан иборат. “Қасидаи бурда”га жуда кўплаб назиралар ёзилган, мухаммаслар боғланган, шарҳлар битилган. Мусулмонлар қасидага маълум даврларда илоҳий маъно ҳам бериб, унинг айрим парчаларини тумор тарзида ўзлари билан олиб юрганлар”<sup>1</sup>. Олима шарҳи манбасини танлаган, яъни матндаги ҳар учала асарга эмас, биттаси кенгроқ, иккинчиси қисман, учинчиси ҳақида умуман шарҳ бермаган. Бизнингча, бундай шарҳлашда шарҳловчи кўпроқ ўқувчи учун аҳамиятли деб топган ўринларни танлаб, иш олиб борган.

Биз аслида олиманинг ушбу шарҳига қўшимча иловалар киритиш лозим эди, деган фикрдамиз. Яъни, машҳур саҳобий Каъб ибн Зухайрнинг “Қасидаи бурда”си билан Муҳаммад ибн Саъид ибн Ҳаммод ибн Абдуллоҳ ал-Бусирий(1212-1292)нинг “Қасидаи бурда” асари бир хил номланган. Шунинг учун Бусирийнинг манзумаси фарқлаш мақсадида “Қасидат ул-бур’а” (ал-Қасидат ул-бур’иййа) номи билан ҳам юритилган<sup>2</sup>. Шунинг учун Мавлоно Ҳусайн Хоразмий бу икки асарнинг қайсига шарҳ битганига аниқлик киритиш керак бўлади. Бизнингча, Абдуллоҳ ал-Бусирийнинг “Қасидаи бурда” асарида асрлар давомида кўплаб шарҳлар ёзилган ва уларнинг кўпчилиги машҳур бўлганини инобатга олсак, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий ҳам ушбу асарга шарҳ битган, деган хулоса тўғри бўлади. “Ислом оламида “Қасидаи бурда”чалик машҳур бўлган, кўп ўқилган ҳамда кўплаб шарҳ ва изоҳлар битилган бошқа бирор қасида мавжуд эмас. Тадқиқотларга кўра, бу мавзуда ёзилган асарлар 330 га яқиндир”<sup>3</sup>.

Баъзи ўринларда олима томонидан тайёрланган шарҳлар қамрови кенг олингани кўринади. “Мезон ул-авзон”да Навоий шундай ёзади: “...рамали махбундурки, ҳар мисраи саккиз рукндурки, байти ўн олти бўлғай, Хожа Исмаил Бухорийда пурбаҳо дебдурлар...”<sup>4</sup> Суйима Ғаниева матн шарҳида Хожа Исмаил Бухорий ҳақида батафсил шундай шарҳ беради:

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б. 218.

<sup>2</sup> Қаранг: Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусирий. Қасидаи бурда. Араб тилидан Сайфиддин Сайфуллоҳ таржимаси. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2005. – Б. 3.

<sup>3</sup> Сайфиддин Сайфуллоҳ. Муқаддима. Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусирий. Қасидаи бурда.– Т.: “Мовароуннаҳр”, 2005. – Б. 10.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Мукамал асарлар тўплами. 16 жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 91.

“Хожа Исмат Бухорий (ваф. 1437) – Бухорода яшаб ижод қилган шоир. Халил Султон саройида хизмат қилган. Халил Султон зиндонбанд этилгандан сўнг у саргардонликка учрайди. Улуғбек тахтга ўтиргач, Исмат Бухорийни саройга таклиф этади. Лекин шоир таклифни қабул қилмайди, у узлатни, дарвешлар орасида бўлишни афзал кўради. Исмат Бухорийнинг 8000 минг байтдан иборат шеърлар девони, “Иброҳим Адҳам” номли маснавийси мавжуд. Шоирнинг девонида Улуғбекка (13), Халил Султонга (40) ва Темурий шаҳзодаларга бағишланган жами 75 қасидаси, 466 ғазал, мухаммас, қитъа ва бошқа жанрдаги шеърлари мавжуд. Унинг девони 1987 йили Техронда нашр қилинди. Унга Аҳмад Каримий “Забардаст олим ва порсо ориф” номли сўзбоши ёзган. Сўзбошида таъкидланишича, ирфоний жиҳатдан Исмат Бухорий шеърлари Ҳофизга ва равонликда Саъдийга ўхшайди. Шоир “Исмат”, “Исматуллоҳ”, “Насирий” тахаллусларида шеърлар ёзган ва охириги тахаллусини Халил Султон тавсия этган экан”<sup>1</sup>.

Суйима Ғаниева шарҳларини ўрганиш шуни кўрсатадики, олима ўқувчи учун муаллиф ижод линиясига доир қўшимча тўплам тайёрлаган. Бу жараён икки хил ёндашув асосида амалга оширилган:

1. Навоий тилга олган ижодкорлар ҳақида қўшимча шарҳлар бериш.
2. Алишер Навоий бирор муносабат билан тилга олиб ўтган шахслар ҳақида маълумот тўлдириш.

Биринчи ёндашув ҳақида гапирадиган бўлсак, масалан, муаллиф “Мажолис ун-нафоис”да Амир Қосим Анвор, Жалолиддин Румий, Котибий, Ашраф, Хожа Исматулло, Яҳё Себак, Хожа Ҳофиз, Мир Ислом Ғаззолий каби ижодкорлар ҳақида етарлича тавсилотлар беради. С. Ғаниева муаллиф маълумотларини кенгайтириш мақсадида шундай шарҳ беради: “Ҳужжат ул-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий – Абдуҳомид Муҳаммад ибни Муҳаммад Тусий машҳур мутакаллим, фақиҳ ва суфий. Аввал Гургон, кейин Нишопур яқинидаги “Низомия мадрасаларида таҳсил кўради. Бир неча муддат Бағдоддаги “Низомия” мадрасасида мударрислик қилади.

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Мукамал асарлар тўплами. 16 жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 324.

Сўнгра Шом Фаластин ва Ҳижозда яшайди. Ғаззолий асарларида фалсафа, илоҳиёт, риёзиёт, табиёт, мантиқ ва ахлоққа оид масалалар юзасидан баҳс юритилади. Ғаззолийнинг тасаввуфга оид “Кимёи саодат”, “Иҳёи ул-улум ад-дин” асарлари халқ орасида маълум бўлган. Ғаззолий фалсафаси асосида худони ақл билан англаш мумкин эмас, уни руҳий илтижолар, сиғиниш ва ибодатлар орқали англаш мумкин, деган ақида ётади. Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Муҳаммад Ғаззолийга алоҳида мақола бағишланган. Унда олимнинг куняти Абу Ҳомид ва лақаби Зайниддин деб кўрсатилган. Мисрнинг Искандария шаҳрида, Нишопурда яшагани ҳам қайд қилинади. Ғаззолий Нишопурда хонақоҳ ва мадраса курган. Навоий Ғаззолийнинг яна “Ёқут ут-таъвид” (Сўзнинг ёқутлари), “Жавоҳир ул-Қуръон” ва “Мишкот ул-анвор” (Қандил нурлари) номли асарлар ёзганини таъкидлайди<sup>1</sup>, – деган анча кенг шарҳлашни маъкул кўради. Аслида муаллиф бу шахс ҳақида: “Ҳужжат ул-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий (қуддиса сирруху) авлодидиндур. Зоҳир улумин такмил қилди ва лекин фоний сифат ва бетакаллуф киши эрди. Ва тиб ва ҳикматда маҳорати бор эрди. Салотин ва ҳукамо мажлисиға борур эрди” мазмунидаги маълумот билан кифояланган. Демак, олима муаллиф маълумоти барча учун бирдек равшан эмас, деган фикрга келган ва шарҳлаш доирасини кенгроқ режада амалга оширган. Бу билан шарҳловчи муаллиф маълумотига кўшимча шарҳ бериш орқали асар матнига эмас, ўқувчи билим савиясига сезиларли таъсир кўрсата олади.

С. Ғаниева “Мажолис ун-нафоис”нинг учинчи мажлисида тилга олинган Мавлоно Осафий яъни Хожа Шамсиддин Ҳиравий шахси ҳақида айтайлик, бутун бир илмий тўплам тақдим этади. Олима аввал Мавлоно Осафий туғилган, вафот этган йили ва жойини девонининг 1968 йил Техронда Ҳоди Арфаъ Кирмоний томонидан сўзбоши билан нашр этирилганини келтиради. Шориҳ Навоийнинг “Соқийнома” асарида Осафий яқин дўстлар ва ҳаммаслаклар каторида ҳамда заковатли шоир сифатида тилга олинишини қайд этади. Фахрий Ҳиротий эса Навоий адабий

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 221-222.

анжуманларда ўқиган Осафийнинг байти, Навоий вафотида ёзган марсиясидан бир байт ва таъриhini келтирган. Қўшимча маълумот тариқасида “Макорим ул-ахлоқ”, “Бадоеъ ул-вақоеъ” каби асарларда Осафийга эътибор қаратилганлиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

Олиманинг шарҳлашдаги иккинчи ёндашуви муаллиф бирор муносабат билан тилга олиб ўтган, лекин у ҳақида тўхталишни лозим билмаган ўринларни шарҳлаш бўлади. Бу усул орқали нотаниш шахс ҳақида янги маълумот жамланади. Масалан, “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида Имом Али Мусо ар-Ризо, Меҳрий, Анварий, Алауддавла Мирзо, Хожа Салмон, Шайх Камол, Мавлоно Саъдуддин Кошғарий ёки иккинчи мажлисида Абу Ҳанифа, Ибн Ҳожиб, Сайид Шариф, Шайх Зайниддин, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Имом Фахр, Амир Суҳайлий, Ҳазрат Шайх, Шайх Фариддин Аттор, Шайх Баҳовуддин Умар, Хожа Абу Наср Порсо, Ҳазрат Шайх Абдусаид Абдулхайр, Кичик Мирзо, Мавлоно Жаъфар, Ҳазрати шайх ул-исломий Аҳмади Жомий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Ҳожибек кабиларга махсус фикра ажратилмайди. Бу шахслар ҳақида қисқача маълумотлар асар матни шарҳида келтирилади. Бу ҳолат “Мажолис ун-нафоис”дан ташқари яна бошқа асарлар шарҳида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, “Назм ул-жавоҳир”да Ҳусайн Бойқаро таърифидаги: “...адабиёти мўъжиза монанди тарокибидин Заҳир ва Анварий руҳи шарманда ва фиқароти сеҳр пайванди салосатидин Вассоф била Табарий равони сарафканда” матни шарҳида олима ёзади: “Заҳир Фарёбий машҳур шоир, Анварий Авҳадуддин Али ибн Муҳаммад машҳур форс шоири, Вассоф Шарафуддин Абдуллоҳ олим ва атоқли тарихнавис, Табарий Муҳаммад ибн Жарир форс донишманд тарихчиларидан”<sup>2</sup>. Шарҳ изоҳли луғатга асосланган, лекин ўқувчининг шу жойда Ҳусайн Бойқаронинг қанчалик улуғ кишилар билан тенглаштирилганлигини англаш қийин эмас.

<sup>1</sup>Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 244-245.

<sup>2</sup>Қаранг: Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. Мукаммал асарлар тўплами. 15 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 229.



Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами учун олима томонидан жами 1400га яқин матн шарҳлари тайёрланган. Биргина “Мажолис ун-нафоис” асари матни учун шарҳ ва таржималарнинг умумий сони 706 тага етади. Шулардан муқаддимада – 16 та, I мажлисда – 119 та, II мажлисда – 141та, III мажлисда – 194 та, IV мажлисда – 106 та, V мажлисда – 28 та, VI мажлисда – 49 та, VII мажлисда – 40 та, VIII мажлисда – 13 та шарҳ ва таржималар келтирилган.

Суйима Ғаниева ўз шарҳларини асосан қуйидаги манбалар асосида берган:

1. “Насойим ул-муҳаббат”, “Девони Фоний”.
2. “Равзат ус-салотин”, “Жавоҳир ул-ажойиб”.
3. “Тазкират ул-авлиё”, “Мақорим ул-ахлоқ”, “Ҳабиб ус-сияр”, “Бадойеъ ул-вақоиеъ”, “Бобурнома”, “Парданишонони суҳангўй”.

4. Арабча-ўзбекча, форсча-ўзбекча ва изоҳли луғатлар.

5. Ўзбек, рус, эрон, тожик, афғон адабиётшунос ва тарихчи олимларнинг илмий тадқиқотлари. Жумладан, Ҳ.Ҳомидий (Фирдавсий Тусий шарҳи), А.Муродов (Мавлоно Мажнун, Бадиъуззамон Мирзо шарҳи), А.Рустамов (Мир Атоуллоҳ шарҳи), С.Рафиддинов (Мавлоно Атойи шарҳи), Е.Э.Бертельс (Хожа Мажиддин Муҳаммад шарҳи), А.Н.Болдиров (Мавлоно Соҳиб шарҳи), А.Мирзоев (Мавлоно Биноий шарҳи) сингари олимлар илмий ишлари.

С. Ғаниева шарҳларини ўрганиш давомида айрим ноаниқлар ҳам учради. Жумладан, “Мажолис”нинг тўртинчи мажлисида Мавлоно Фахрий деган ижодкор ҳақида шундай: “Мавлоно Фахрий – Ҳирий шахрининг одамизодаларидиндур”<sup>1</sup>, – деб ёзилган ва шоирнинг бир матлаъси келтирилган. С. Ғаниева бу ижодкор шарҳини беришда хатоликка йўл қўйган. У тазкирада тилга олинган Фахрий билан “Мажолис ун-нафоис”нинг таржимони Фахрий Ҳиротийни адаштириб юборади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. Мукамал асарлар тўплами. 15 жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б. 125.

<sup>2</sup>Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 264.

“Мажолис ун-нафоис” таржимони Фахрий Ҳиротий тазкирага киритилган бўлганида, албатта, “Мажолис ун-нафоис”нинг форсча таржимаси “Латойифнома”да ҳам бу ҳақида ёзилган, ишора этилган бўларди. Демак, тазкиранинг тўртинчи мажлисида “шеърга машҳур ва мубоҳий” бўлмаган Мавлоно Фахрий Ҳиравий эмас.

Шарҳлар асар матнини тўғри ва осон тушуниш, киши исми ва жой номлари билан боғлиқ ноаниқликларни ўрганиш учун аҳамиятлидир. Олима томонидан амалга оширилган шарҳлаш усули бугунги кунда ҳам зарур ҳолатдир. Чунки таълим жараёнларида матнни шарҳлаш орқали талқин этиш таҳлилий мулоҳаза ҳамда билим олиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатади.

## **II боб бўйича хулосалар**

1. Суйима Ғаниева тадқиқ усули орқали тазкираларнинг ёзилиш тарихи, уларнинг назарий жиҳатлари, адабий мактаблар, тазкираларда қайд этилган ижодкорлар ҳаёти, фаолияти, ижод намуналарини ўзаро қиёсий ўрганиш орқали адабиётшунослик соҳасига илмий янгиликларни тақдим этади.

2. Суйима Ғаниева тадқиқ усули асосида Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари ва унинг форсий таржималари, Фахрий Ҳиротийнинг “Равзат ус-салотин”, “Жавоҳир ул-ажойиб”, Содик Китобдорнинг “Мажмаъ ул-хавос” каби тазкираларни ўзаро қиёсий-тарихий шаклда ўрганди.

3. Олима томонидан илмий истеъмолга киритилган янгилик – мустақил асар таркибидаги тазкирага хос маълумотлар жамланмасининг ўзи “замима” тазкира бўлади.

4. Суйима Ғаниева илмий ёндашувларида бадиий асар матнини ижтимоий ҳаёт билан боғлаб ўрганиш, жамиятдаги маданий-маърифий ривожланишларга аҳамият қаратиш асосий ўринда туради. Суйима Ғаниева бадиий асарлар сюжетида ўша давр воқеълигини кўради. У “Хамса” асари

қахрамонларининг асардаги ифодасини ижтимоий ҳаёт билан боғлаган ҳолда тадқиқ этади.

5. Адабиётшуносликда илмий шарҳ герменевтик усул воситаси ҳисобланади. Шарҳлаш жараёни “тушуниш ҳолати”нинг уч қисмини юзага келтиради, яъни биринчиси асар муаллифи, иккинчиси шарҳловчи, учинчиси шарҳни ўқувчи бўлади. С. Ғаниева матн шарҳларини беришда таржима, реконструкция ва шарҳлаш ишларини олиб борган.

6. Суйима Ғаниева томонидан тайёрланган Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами матн шарҳлари – илмий, бадий ва тарихий маълумотларни бир жойга жамланса, катта замима тазкира вужудга келади. Бу каби изох ва таржималар Навоий асарларини ўрганиш, тушуниш учун зарур ҳисобланади.

## III БОБ. ОЛИМАНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ЕТАКЧИ ХУСУСИЯТЛАР

### 3.1. Олима илмий фаолиятидаги асосий мезонлар

Ҳар бир тадқиқотчининг ўзига хос профессионал чегараси, аниқроғи, касбий-илмий этикаси йиллар давомида шаклланиб боради. Шу билан бирга, илмий тадқиқот олиб борувчи билан ўрганаётган давр ёки ижодкор ўртасида мураккаб, тушунтириб бўлмас боғлиқлик бўлади. Суйима Ғаниева адабиёт тарихини ўрганишни асосий мақсад қилгани ҳамда бу соҳада ўзига хос тадқиқот ёндашувларини танлаши олиманинг эътиқод, ҳурмат, ғурур каби хислатлари билан боғланади.

Адабиётшунос Нурбой Жабборов мунаққид Озод Шарафиддиновнинг “Замон, қалб, поэзия” деб номланган китобида адабиётшуноснинг бадиий асарларни баҳолаш мезонлари: ҳақиқатпарастлик, талабчанлик, изланувчанлик кабилар асосий бўлганлигини келтиради<sup>1</sup>.

С. Ғаниева мумтоз адабиёт тарихи тадқиқига ёндашув мезонларининг биринчи ва олима илмий-адабий қарашларини яққол намоён этадиган – **анъанавийликни ўрганиш**, яъни Шарқ адабиёти бошқа халқлар адабий меросидан ўзининг тарихий шаклланиш жараёни ва ўта поэтик бадиийликка бойлиги билан ажралишига аҳамият қаратиш ҳамда шу мезон асосида ўзининг илмий қарашларини баён этиш бўлади.

Шарқда аънаналарга эътибор бериш муҳим ҳисобланиб, аънаналар асрлар давомида ижодий ривож топиб, кейинги давр адабиётининг гуллаб-яшнаши учун замин бўлади. С. Ғаниева ёзганидек, “Шарқ адабиёти

---

<sup>1</sup>Қаранг: Жабборов Н. Замон, мезон, шеърят. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 63-73.

анъаналар чамбариди яратилади, шаклланади, равнақ топади”<sup>1</sup>. У мумтоз асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳаёти ва ижодини ўрганишда, аввало, шарқона тафаккур маҳсули сифатида уларга қарайди. Олима мумтоз асарлар таҳлилида шарқ адабиёти учун хос бўлган: поэтиканинг устувор бўлиши; Шарқ шеърлятида асл мазмун ҳикматлар асосида берилиши; асарларда рамзийлик мавжудлиги; бир мавзу доирасида турли оригинал асар яратилиши каби жиҳатларга эътибор қаратади.

Суйима Ғаниева мумтоз ғазаллар шакли ва мазмуни жиҳатидан ягона бирликни ҳосил қилган ижод маҳсули эканлигига аҳамият қаратган. Олима рамзийлик асосида шоир бадиий маҳорати ва ўзига хос услуби намоён бўлишини шундай изоҳлайди: “Мумтоз адабиётимизга хос бўлган зулмаънайн ҳодиса – зоҳирий ва ботиний маънолар чатишуви Хувайдо қаламига мансуб аксар ғазалларнинг сирф хусусиятидир. Шоирнинг ғиноий-лирик шеърлятида зоҳирий-мажозий маънолар замирида юксак маҳорат билан ботиний-орифона тафаккур ва ирфоний фалсафа яширинган. Хувайдонинг:

**Сийнани садпора қилдинг, эй пари қоши қаро,**

**Тийра мужгонинг била қилдинг юрак бағрим яро...**

Ёки:

**Сенинг ҳажрингда, эй дилбар, ажойиб хаста ҳолим бор,**

**Юраким қуввати кетти, юрагга не мажолим бор – каби бошқа шеърлари ана шундай зулмаънайн шеърлардир”<sup>2</sup>.**

С.Ғаниева айнан шоир ижодида май мавзусининг берилиши бўйича шуларни ёзади: “Хувайдо ижодидаги май мадҳи, уни йигитликда ичишга чорлашни қариган чоғда эмас, ёшликда ишқи ҳақиқий майидан маст бўлишликни, худованд ишқи омонатини бандасига майхонада беради, деган тасаввуфий ақидани уқдиришлик деб англаш керак. Бу майхона шундай бир майхонаки, унда дунёвий ғам-ташвишлардан холи бўлиб, ёлғиз Аллоҳ ишқи

<sup>1</sup> Ғаниева С. Низомий муғаннийномалари / Низомий ва ўзбек адабиёти. Илмий анжуман материаллари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 56.

<sup>2</sup> Ғаниева С. Шоир ҳақида сўз. Хувайдо. Кўнғил дарди. – Т.: “MERIYUS”, 2009. – Б. 4-5.

билан ёнилади”<sup>1</sup>. Хувайдо шеърлари гўзал ва содда тилда ёзилиши билан бирга олима қайд этганидек, ошиқона, орифона, риндона мавзулар ифода этилиши билан ажралади.

Албатта, кейинги адабиёт вакиллари ижоди анъаналардан чиқиб, янги гоё, янги шакл яратишга, адабиётга ўзгача тамойилларни киритишга ҳаракат қилишган. Адабиётшунос Ҳ.Болтабоев ёзганидек, “Ўтган аср бошларида ўзбек шоири Чўлпон мумтоз шеърининг “бир хиллиги”дан безиб, янги шакл ва вазн ахтариш натижасида ўзбек шеърини бармоқ вазнини таомилга киритиб, сарбасти топган экан, бу имконият биргина янгилик илинжидан эмас, балки анъанавий шеърини чуқур билиш натижасида амалга оширилган саъй-ҳаракат эди. Жадид адабиёти ўзгача бўлган мумтоз адабиётини чуқур ўзлаштириш, жаҳон адабиётидаги етакчи тенденциялардан хабар топиш натижасидагина маданий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги каби бадииятда ҳам янгилик эҳтиёжини ҳис қилган ва бунга ўзларининг бутун ижодий кучларини қаратган эдилар”<sup>2</sup>.

Олима Шарқда назира боғлаш, татаббуъ ёзиш каби анъаналар ва узвийликка эътибор қаратар экан, хусусан, “Лисон ут-тайр” асарининг Навоий томонидан ижодий қайта яратилишига бўлган турли хил қарашларга шундай ўринли жавоб беради: “Навоийнинг ўз асарини “Мантук-тайр”га жавобан, назира тарзида ёзгани ҳақидаги эътирофини адабий анъанага риоя қилиш мазмунида тушуниш тўғрироқ бўлади. Зероки, асар оригиналлик даражасига кўтарилган. Бу ҳол, ўз навбатида, ўша даврларда назира боғлаш масаласига бениҳоя кенг ва анчайин чуқур маънода ёндашилганидан далолат беради. Демак, “Лисон ут-тайр” достони кўчирма асар эмас, балки буюк устозлар мактабида ўқиш, уларнинг асарларидан завқланиш таъсирида ёзилган асар ҳисобланади”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ғаниева С. Шоир ҳақида сўз. Хувайдо. Кўнгиладарди. – Т.: “MERIYUS”, 2009. – Б. 4.

<sup>2</sup> Болтабоев Ҳ. Янги назарий тамойиллар // Жаҳон адабиёти. 2008. – № 3. – Б. 31.

<sup>3</sup> Ғаниева С. Қуш тили ишорати билан. Сўзбоши. Лисон ут-тайр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 5.

Айнан биз олиманинг “буюк устозлар мактабида ўқиш”, деган фикрига эътибор қаратамиз. Олима бу билан назира боғлаш нафақат мавзуни такрорлаш, балки ўқиш, ўрганиш ҳам эканлигини айтмоқчи бўлади. Бу масалага кенгроқ ёндашган адабиётшунос Султонмурод Олимов ёзади: “XX асрнинг 20-йилларида йирик шарқшунос Е.Э.Бертельс Навоийнинг тенг ҳуқуқли оригинал шоир эканини илман исботлаб кўрсатиш учун айнан “Лисон ут-тайр”ни танлагани бежиз эмас эди. Бу билан олим, ҳатто, Навоийнинг олти достони орасидаги таъсир этаётган асарга нисбатан энг яқини ҳисобланган “Лисон ут-тайр” ҳам мустақил ижод намунаси бўлган оҳорий бадиий ижод намунаси, демоқчи бўлган. Бироқ бундан қарийб бир аср илгари ёзилган мазкур тадқиқотда муаллифнинг мақсади кўпроқ Аттор ва Фоний асарлари ўртасидаги фарқ-тафовутларни бўрттириб кўрсатишдан иборат бўлиб қолган. Адабиётшунослик, жумладан, таржимашуносликнинг эндиги вазифаси эса Аттор ва Фоний достонлари ўртасидаги ялпи вобасталикни тўла-тўқис, яъни ҳар тарафлама очиб беришдан иборат бўлиши лозим”<sup>1</sup>. Албатта, Навоий ва унинг салафлари ўртасида вобасталик, уйғунлик ҳодисасини ўрганиш орқали шоирнинг маҳоратини тўла очиб бериш мумкин бўлади.

Суйима Ғаниевага хос бўлган **иккинчи мезон** – бадиий асарлар нашридаги хато, камчиликларни тузатишга **холислик** асосида ёндашишдир. С.Ғаниева илмий фаолияти давомида учраган баъзи ноаниқликларни тузатиш ва бартараф этишни лозим деб топади. Масалан: Ҳувайдонинг “Сабо, еткур саломимни қади сарви равонимға” олти байтли, ҳазажи мусаммани солим баҳридаги ғазал бешинчи байти биринчи нашрида:

**Они дарди фироқи ўлгунча мандин жудо бўлмас,**

**Тирилмас жисмима ондек тамоми устухонимға**<sup>2</sup> – шаклида ёзилган, кейинги нашрда олима томонидан байтдаги хатонинг тузатилиши шоир мақсадини аниқ очади. Яъни:

<sup>1</sup> Олимов С. Таржимавийлик ва назиравийлик. <https://jahonadabiyoti.uz/2018/04/26/>

<sup>2</sup> Ҳувайдо. Девон. Роҳати дил. – Т.: Ўздавадабийнашр, 1961. – Б. 14.

**Они дарди фироқи ўлгунча мандин жудо бўлмас,  
Таралмиш жисмима жондек тамоми устухонимға<sup>1</sup>.**

Олиманинг холислик мезони жиҳатидан қарашлари унинг ҳавола ва изоҳларида ҳам кўринади. Олима бирор ижодкор биографиясига оид маълумот берганида айни шу шахсга бошқа асарларда қандай муносабат билдирилганини айнан келтириб ўтади. Масалан, “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисидаги Фаридун Ҳусайн Мирзо фикрасида ўқиймиз: “Фаридун Ҳусайн Мирзо – Фаридун ҳасаблиқ ва Ҳусайн насаблиқ. Зоти таъзим ва виқорлиқ ва хулқи адаб ва ҳурмат шиорлиқ, ёй кучида ягона ва ўқ отарда замона аҳлига нишона. Тоат ва тақвийға мойил. Зикр ва тиловатқа машғул йигитдур. Хуб таъби ва мулойим зеҳни бор. Бу матлаъ анингдурким:

**Гарчи дар кўи ту помоли жафо гардидам,  
Ба худо гар сари мўе зи вафо гардидам.**

Бу туркча матлаъ ҳам анингдурким:

**Эй сабо, еткур манга сарви равонимдин хабар,  
Раҳм этиб бергил манга ороми жонимдин хабар<sup>2</sup>”.**

Гарчи Навоий бу темурийзодани алқаб, унинг яхши сифатларига кўпроқ эътибор қаратган бўлса-да, С. Ғаниева “Бобурнома”га таяниб унинг ожиз жиҳатларини ҳам холисона ёритиб беради: “Фаридун Ҳусайн Мирзо – Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Бу шахзода ҳақида Бобур ёзади: “Ёйни яхши тортиб, ўқни яхши отар эди. Камон гуруҳасин дерларким, 40 ботмон экандур. Ўзи хейли мардона эди, вали ферузжанг эмас эди. Ҳар ердаким, урушти, мағлуб бўлди”. Фаридун Ҳусайн мирзо Шайбонийга қарши жанглардан бирида ҳалок бўлган”<sup>3</sup>. Демак, шахзода ҳақидаги Навоий кўрсатмаган камчиликларни, олима “Бобурнома”га асосланиб, изоҳлаб

<sup>1</sup>Хувайдо. Кўнгил дарди. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С.Ғаниева. – Т.: “MERIYUS”, 2009. – Б. 42.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Ған. – Б. 170-171.

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Ған. – Б. 279.



кетади. Фахрий Ҳиравийнинг “Равзат ус-салотин” асарида шахзода ҳақидаги маълумотлар Навоий сўзларига яқин<sup>1</sup>.

Олима илмий ишларига хос **учинчи мезон** – маълумотларни йиғиш, бирор ижодкор ҳаёти, ижодини ёритиш, яъни **тизимлилик** ҳисобланади. Айнан “Адабиёт тарихи” китоби миллатимиз тарихини акс эттирадиган муҳим ҳужжат бўлганидан бу жараён олимдан жуда катта масъулият ва мажбурият талаб этади. С. Ғаниева “Ўзбек адабиёти тарихи” китоби учун тайёрлаган материаллари мавжуд мезонлар асосида тизимли равишда қисқа, аниқ баён этилган.

“Ўзбек адабиёти тарихи”ни тузиб чиқишда ҳар бир қисм ёки илмий хулосалар шу мавзунини чуқур тадқиқ этган адабиётшуносларга топширилган. Адабиётшунослар китобнинг таркибини олдиндан белгилаб олиб, ишга жиддий ёндашганликлари хусусида шундай ёзилади: “Энг аввалдан шунга қарор қилиндики, адабиётнинг ривожланиш жараёни, ундаги барча мураккаблик ва янгиликлар “Тарих”нинг обзор қисмларида, ғоявий-тематик, назарий масалалар, бадиий-эстетик маҳорат ва улар билан боғлиқ анъана ва новаторлик каби масалалар алоҳида шоир ва адибларга бағишланган бобларда ёритилди. Шундай қилиб, жилдлар обзор ҳамда монографик портретлардан таркиб топди”<sup>2</sup>. Суйима Ғаниева бу китобга Гадоий, Ҳусайн Бойқаро ва Навоий асарларни нашрга тайёрлаган. Алишер Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир”, “Лисон ут-тайр”, Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Вақфия”, “Муншаот”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларини олдинги нашрлар ва илмий тадқиқотларга таяниб маълумотларни киритган. С. Ғаниеванинг “Ўзбек адабиёти тарихи” китобидаги иштироки ўзининг тузилиши, қамраб олган материаллари, уларни жойлаштириш ва баҳоланиши нуқтаи назаридан илмийлик ва тизимлиликка асосланганлиги билан ажралади. Олиманинг “Ўзбек адабиёти тарихи” нашридаги тўплаган

<sup>1</sup> Қаранг: Фахрий Ҳиравий. Равзан ус-салотин. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”. – Б. 62.

<sup>2</sup> Ҳайитметов А., Ғаниева С. Кўп томлик “Ўзбек адабиёти тарихи”ни яратиш тажрибасидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. – № 4. – Б. 55.

тажрибаси 20 жилдлик Алишер Навоий мукамал асарлари тўплами нашрида ўз самарасини кўрсатди. С.Ғаниеванинг танлаган мавзулари билан боғлиқ тадқиқотлари, илмий мақолалари, маърузалари муҳим ҳисобланади. Унинг бу нашрдаги иштирокини бевосита эмас, балки билвосита яъни тааллуқли тарзда иштирок этган деб белгилаш тўғри бўлади.

С.Ғаниева энциклопедиялар, хусусан, “Ўзбекистон совет энциклопедияси”(1971-1980), “Адабиёт энциклопедияси луғати” (1987), “Турк адабиёти қомуси” (2001) учун юздан ортиқ мақолаларни илмий-назарий билими ва тизимлилик мезони асосида тайёрлаган.

Суйима Ғаниева илмий қарашларидаги кейинги мезон бу – **қисқа, ихчам ва чиройли сўздан** ўринли фойдаланиб, фикрни ифода этишга эришишдир. Олима Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари хусусида сўз юритар экан, “асарнинг энг гўзал фазилатларидан бири ундаги ниҳоят даражада лакониклик – оз сўз билан кўп маънони билдиришликка” эришилгани ҳамда Навоийнинг бундай услуби “энг бой ҳикмат қаймоғи, донолик намунаси” ёки “Хамса” асари сарлавҳалари ҳар бир мустақил достоннинг ҳар бир фаслидаги асосий мазмунни изоҳлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир”<sup>1</sup>, – дея ёзади. Адабиётшунос Абдулҳамид Қурбонов шундай ёзади: “Хамса” шеърий асар бўлса ҳам, ундаги ҳар бир бобга насрий сарлавҳалар қўйилган. Алишер Навоий “Хамса” ёзишга киришар экан, устоз шоирлар: Низомий, Деҳлавий ва Жомийларнинг бу соҳадаги анъаналарини давом эттиради. Шу билан бирга, бошқа соҳаларда бўлганидек, уларни беҳад ривожлантириб, мазмун томонидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам бутунлай янги поғонага кўтаради”<sup>2</sup>. Бинобарин, Алишер Навоийдек буюк зотнинг сарлавҳалар танланиши ҳамда устозларга эргашиш мезони олима томонидан ўзига хос тарзда давом эттирилган. С. Ғаниеванинг мақола, рисола, китоблари номланишида мумтоз асарлар, хусусан, Навоийга мурожаат этиши кўп учрайди. Олима Алишер Навоий ижодида Ватан мавзусининг ёритилиши

<sup>1</sup>Ғаниева С. Алишер Навоий. – Т. : Фан, 1968. – Б. 123.

<sup>2</sup>Қурбонов А. “Хамса” сарлавҳалари бадиияти. – Т.: “MERIYUS”, 2016. – Б. 3.

ҳақида сўз юритар экан, “Алишер Навоий ва Шарқ адабиёти” (2011) тўпламида эълон қилган мақоласини “Ватан таркини бир нафас айлама” деб номлайдики, бу ўринли ном мақола матн мазмунининг ярмига тенгдир. “Садди Искандарий” достонидан олинган бу мисра асарда шундай давом этади:

**Кўриб умр тарихи мубҳамлигин,  
Ғанимат бил асҳоб ҳамдамлигин.  
Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.**

Кўринадики, олима бутун дoston матнидан шоирнинг ватанпарварлик ғояси тўла намoён бўлган мисрасини аниқ танлаган. Яна олиманинг Ансориддин Иброҳимов хотирасига бағишланган “Сабрдин ўзга чора ва таҳаммулдин ўзга тадбир йўқ” ёки Воҳид Абдуллаев хотирасига бағишланган “Кўнгил уйин илм этибон бир жаҳон” мақола сарлавҳалари “Ҳайрат ул-аброр”дан олинганки, бу олима томонидан мазмунли, чиройли сўзнинг дostonдан ўринли ажратилганлигини кўрсатади.

Шу ўринда А. Самаднинг Суйима Ғаниева ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятига бағишланган китобида:

**Нафосат илмида мақом эгаси,  
Мустақил Ватаннинг дилбар эркаси,  
Дилларни забт этган бир опамиз бор –**

**Ўзбекнинг ардоқли Суйимбекаси**<sup>1</sup>, – мисраларида олимани Суйимбека деб номланиши эътиборимизни тортди.

Суйимбека тарихий шахс бўлиб, у ўзининг ақл-фаросати, ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим мавқега эга аёл бўлган. Суйимбека Қозон давлат Саройчиқ шаҳридаги Юсуфхон ибн Мусо оиласида 1520 йили дунёга келган. Қозон шаҳридаги “Хон масжиди минораси” деб ном олган иншоотни ушбу аёл қурдиртирган<sup>2</sup>. “Ўзбекнинг ардоқли Суйимбекаси”

<sup>1</sup> Самад Асрор. Ўзбекнинг ардоқли Суйимбекаси. – Т.: “MERIYUS”, 2012. – Б. 3.

<sup>2</sup> Қаранг: Ризоуддин Фаҳридин ўғли. Машҳур хотунлар. – Т.: “Navro‘z”, 2019. – Б. 192-194.

китоби муаллифи Суйимбека ва Суйима шахслари ўз халқининг ардоғи, хурмати ва эътиборига сазовор бўлган, деган фикрни беради. Демак, сарлавҳа танлаш аниқ мақсад билан ўринли, чиройли, қисқа сўзлар берилиши мезонига амал қилади.

Суйима Ғаниева илмий фаолияти яққол кўзга ташланадиган яна бир мезон – **далилийлик, тасдиқ** келтириш бўлади. Олима мумтоз адабиётимиз вакиллари ҳаёти ва ижодини ёритишда кўплаб манбаларга мурожаат этганлиги кўзга ташланади. Масалан, Суйима Ғаниева “Навоийнинг “ёри азиз”и”<sup>1</sup> номли мақоласида XV аср иккинчи ярми Ҳирот адабий муҳитида нуфузли шахс, шоир Аҳмад Суҳайлий ҳақидаги мулоҳазаларини дастлаб Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида Суҳайлийга берилган қуйидаги таърифни келтиришдан бошлайди:

**“Хотамаш кори жаҳоний бидеҳи рост кунад,**

**Қаламаш ганжи маоний бидеҳи афшонад.**

(Яъни: Мухрига жаҳон ишларини топширсанг, тўғрилайди, Қаламига маънолар хазинасини берсанг, сочади)”).<sup>2</sup>

Олима мақоласидаги иккинчи манба – Б. Валихўжаевнинг Суҳайлий ижодига оид мақоласи бўлади. Учинчи манба бевосита – Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Лайли ва Мажнун”, “Соқийнома” каби асарларида Шайхим Суҳайлийнинг тилга олиниши бўлади. Тўртинчи манба эса Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан “Калила ва Димна” асари таржима қилиниб, Шайхим Суҳайлийга бағишлаб, “Анвори Суҳайлий” деб номланганлиги бўлади. Бешинчи манба Сом Мирзонинг “Тухфаи Сомий” тазкирасида “Амир Шайх Низомиддин ал-машҳур Суҳайлий туркий насабли бу шоирнинг истеъдоди – таъби яхши, идроки ўшал уфқ юлдузидек порлоқ”, – дея таъриф қилинишига аҳамият қаратиш бўлади. Мақолада келтирилган олтинчи манба бу Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида Ҳусайн Бойқаро умароси сирасида келтирилаган

<sup>1</sup>Ғаниева С. Навоийнинг “ёри азиз”и / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2007. – № 36. – Б. 4.

<sup>2</sup>Ғаниева С. Навоийнинг “ёри азиз”и / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2007. – № 36. – Б. 4.

маълумот, еттинчи манба сифатида олима Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Навоий ва Шайхим Суҳайлийлар томонидан бир хил байт – таворуд бўлганлиги ҳақидаги воқеани келтириши бўлади. Охирида олима мақоласини шундай якунлайди: “Навоийнинг ёри азизи, “Мажолис ун-нафоис”да Ҳазрати Маҳдуми Нуран, Шайх ул-ислом Абдурахмон Жомийдан сўнг ёдга олинган. Шайхим Суҳайлий яхши дўст, яхши инсон, истеъдодли зуллисонайн шоир, саховатли ҳомий, ибратли давлат арбоби бўлган. Шояд, унинг она тили туркийда тадвин қилинган девони топилса, деб умид қиламиз”<sup>1</sup>. Кўринадики, олима Шайхим Суҳайлий ҳақида энг асосли манбаларни келтириш орқали бу шахснинг ўз даврида машҳур бўлганлигини далилий кўрсатади ва натижада Шайхим Суҳайлий ҳақидаги тасаввур кенгаяди.

Мумтоз адабиётшуносликда ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида манбаларга таяниш ва улардан иқтибослар олиш кўп учраганидек, олима тадқиқотларида ҳам далиллаш асосий мезонлардан ҳисобланган. Жумладан, олима “Бобурнинг эътиқоди ва ирфоний қарашлари”<sup>2</sup> номли мақоласида фикрини қатор далилий манбалар асосида мустаҳкамлайди. Олима Бобурнинг ирфоний қарашларини унинг шеърляти, “Бобурнома”, “Аруз рисоласи”, “Мубаййин” каби асарлари, мактублари, ҳатто чиқарган фармонларида акс этишини келтиради. Жумладан, олима шундай ёзади: “1528 йили Гувалёрда Бобур оғир иситмалаб қолади. Бир ойу қирқ кун бу хасталикдан кутулиш ниятида “Волидия” асари таржимасини бошлайди ва таржимани тугатмасданок хасталик чекинади”<sup>3</sup>.

Олима Бобурнинг эътиқоди кучли бўлган, деган фикрни эса Бобурнинг асарларидан ташқари Гулбаданбегим, Мутрибий кабилар ёзган воқеаларга асосланиб ёритиб беради. Олима манба билан ишлаш асосида бобурийлар, хусусан, шаҳзода Шохжаҳоннинг тўнғич ўғли Муҳаммад Дорошукух томонидан Бобур анъаналари давом эттиргани, унинг орифона асарлар ёзгани,

<sup>1</sup>Ганиева С. Навоийнинг “ёри азиз”и / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2007. – № 36. – Б. 4.

<sup>2</sup>Ганиева С. Бобурнинг эътиқоди ва ирфоний қарашлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2006. – № 9. – Б. 21-23.

<sup>3</sup>Ганиева С. Бобурнинг эътиқоди ва ирфоний қарашлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2006. – № 9.– Б. 21-23.

Бобур таржима ишларини ҳам давом эттиргани ҳамда Муҳаммад Доро Шукуҳ томонидан ёзилган 10 та тасаввуф мавзусидаги асарларига ҳам тўхталади.

Асосийси, Суйима Ғаниева тадқиқотларида келтириладиган кўпдан кўп манбалар фақат фикрни тасдиқлаш ёки ҳамфикрни кўрсатиш учун эмас, балки кейинги илмий ишларга туртки, илмий янгиликларга манба вазифани ҳам бажаради.

Олиманинг илмий қиёфаси, дунёқарашига хос бўлган яна бир мезон – бу **янгиликка интилиш, муттасил изланувчанлик, мунтазамлиликдир.** Суйима Ғаниева илмий-адабий фаолияти давомида кундалик, эсдалик дафтарларини мунтазам юритиб борган. Журналист Эшқобил Шукуров айтганидек, “олима илмий ютуқларининг асосий сабаби мунтазамлилик бўлган”. Эсдалик дафтарлар олиманинг хорижий мамлакатларга қилган саёҳатлари билан ҳам боғланади. Олима ўзининг саёҳатлари ҳақида шундай ёзади: “...мен собиқ СССР Республикаларига ҳам борганман. Латвия, Эстония, Украина, Белорусия, Татаристон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Гуржистон, Арманистонда ҳам бўлдим. Баъзиларини кўриб келдим, баъзиларида Халқаро анжуманлар ёки Юбилей тантаналарида иштирок этдим. Кўп атоқли олимлар, машҳур шоирлар билан суҳбатлашдим, кутубхоналар, музейларда бўлдим. Имкон қадар булар ҳақида ҳам ёзишга ҳаракат қиламан. Таассуротларим чексиз, кўрганларим мислсиз...”<sup>1</sup>

Олиманинг 1990 йил 22 декабрь – 1991 йил 4 январ кунлари Эрон сафари ҳақидаги қайдларини ўқиймиз: “Фирдавсий “Шоҳнома”сининг 1000 йиллигига Халқаро Конгресси Техрон университетида 22-27 декабрь кунлари ўтказилди. 31 мамлакатдан 96 олимлар келди. Конгрессни кириш сўзи билан Эрон Ислом жумҳурияти Президенти Ҳошимий Рафсанжоний очдилар. Техрон университети ректори Муҳаммад Раҳимиён, ЮНЕСКО бошлиғи Ф.Мажор, Фарҳанг Иршоди ва Эрон вазири Хотамий “Шоҳнома” ҳақида илмий-маърифий фикрлар изҳор қилдилар. Конгресс кун тартибида 125

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ғаниева С. Кундалиқлар. Архив. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2021.

маърузалар режаланган, уч шўъбада ўтилади. 23 декабрь учинчи шўъба мажлисига Шероз Университети профессори доктор Фасоий ва мен раислик қилдик. 24 декабрда мен “Шоҳнома”нинг ўзбек тилига таржималари мавзусида форс тилида маъруза қилдим, сўзим охирида асардаги ақл таърифидаги қисмидан 8 байт – ўзбек тилида ўқиб бердим. Мен Эронда иккита кутубхона (бири Университет, бири Миллий кутубхона)да ишладим. Навоий қўлёзмаларини, шоирнинг Ҳаж сафарига изн сўраб Ҳусайн Бойқарога ёзган (форсийда) хати ва унга шоҳнинг жавобияси, Навоийнинг ўз биродари ва тарбиясига олган фарзандига ёзган (форсий С.Ғ.) мактублари, Навоий адабий давра ҳақидаги мақолалар нусхаси, Эрон адабиётидан шоир Шаҳриёрнинг “Туркий Девон”и, тасаввуфга оид луғатларни олиб келдим. Конгрессда менга “Шоҳнома”нинг Флоренция (Италия С.Ғ.)да сақланаётган энг қадимги қўлёзмаси факсимелини ҳадя қилган эдилар, келганимда уни Ш.Шомухамедовга тухфа қилдим”<sup>1</sup>.

Суйима Ғаниева илмий-ижодий лабораториясида хотира, йўл эсталиклари, саёхатномалар ва кундалик кўринишида ўнга яқин дафтарлар мавжуд. Уларда баён қилинган илмий қайдлар ҳамда маълумотларга адабиётшунослик, манбашунослик соҳалари учун янгиликларни олиб кириш йўлидаги холис хизматлар сифатида қараш ўринлидир.

### **3.2. “Мажолис ун-нафоис”га доир тадқиқотларнинг ўзига**

#### **хослиги**

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасини 1491 йилдан тартиб беришни бошлайди, 1498 йили эса асар шоир томонидан қайта таҳрир этилади. “Мажолис ун-нафоис” муаллиф томонидан икки хил таҳрир этилганлиги учун асарнинг қўлёзма нусхалари ўртасида турли хиллилик келиб чиққан. Масалан, 1917 йили тазкира бошқа асарлар билан бирга тўплам таркибида тошбосмада босилган, I мажлисда – 42 шоир, II мажлисда – 84, III мажлисда – 107, IV мажлисда – 46, V мажлисда – 14, VI мажлисда –

<sup>1</sup>Ғаниева С. Кундалиқлар. Архив. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2021.

28, VII мажлисада – 16, VIII мажлисада – 1 шоирга алоҳида фикра ажратилган. Тошбосма нусха тазкиранинг биринчи таҳрири асосида тайёрланган бўлиб, унда жами 338 шоир ҳақида маълумот бор, ҳар бир мажлис сўнгидаги хотималар нусхада келтирилмаган. Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган саккизинчи мажлис ҳам тазкиранинг биринчи таҳрири асосида берилган. Яна Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида 1320/1902–1903 йили, иккинчи марта 1336/1917–1918 йили тошбосмада чоп этилган “Мажолис ун-нафоис”нинг нашрлари биринчи таҳрир асосида амалга оширганлиги маълум бўлади<sup>1</sup>.

1948 йили Навоий юбилейи муносабати билан “Мажолис ун-нафоис” ва “Муҳокамат ул-луғатайн” асари биргаликда кирилл алифбосида нашр этилади<sup>2</sup>. Мазкур нашр Навоий асарларини кенг китобхонларга етказиш мақсадида амалга оширилган. Китоб саҳифалари остида атамалар шарҳи ва муаммо жанрига оид изоҳлар берилган. Асар охирида тазкирада зикр этилган шоирлар исми, географик жой ва китоб номлари кўрсаткичи илова этилган. Тазкиранинг ушбу нашри ҳам биринчи таҳрир матни асосида тайёрланган, шунга кўра жами 355 ижодкор яъни: I мажлисада – 42 шоир, II мажлисада – 90, III мажлисада – 110, IV мажлисада – 50, V мажлисада – 19, VI мажлисада – 27, VII мажлисада – 16, VIII мажлисада – 1 шоирга алоҳида фикра ажратилган. Ушбу нашр матни ҳам тазкиранинг иккинчи таҳрири билан фарқланади. Масалан, учинчи мажлисада Навоий Жомийнинг Хожа Муҳаммад Таёбодий деган кекса бир мулозими ҳақида ёзади. Унинг назмдан бир байт билмаслиги ва насрдан бир нуқта фаҳм этмаслигини келтиради. Тазкиранинг биринчи таҳририда “Боракаллоҳ камоли қобилият шунча бўлғай!” – деган сўзлар билан Жомий ҳақидаги фикра мухтасар яқунлаган<sup>3</sup>. Тазкиранинг иккинчи таҳририда эса воқеа қуйидагича давом

---

<sup>1</sup> Қаранг: Маҳмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан // Адабий мерос, 1968. – № 1. – Б. 102.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Танланган асарлар. – Т.: Ўздавнашр, 1948.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Танланган асарлар. – Т.: Ўздавнашр, 1948. – Б. 64.



этирилган: “Ул ҳазрат йиллар анинг бадхўйлуғин кўруб синггурубдурлар ва ўзларига кетурмайдурлар ва аларнинг бу ҳолига содиқ келур ул байтким:

**Раҳравони боркашро саҳл дон ошоми қаҳр,  
Дар даҳони ноқа хори хушк хурмои тар аст ”<sup>1</sup>.**

(Мазмуни: Йўловчи билгилки, қаҳр пайтида қийинчиликларни кўтариш осон кўринади, туянинг оғзида куруқ янтоқ хурмодек тотли туюлади. С.Ғ.)

Шу ўринда айтиш мумкинки, ушбу китоб учун асос қилиб олинган манба нашрга тайёрловчилар томонидан қайд этилмасдан қолган. Матншунос Порсо Шамсиев шундай изоҳлайди: “Ўша вақтларда бу мураккаб асарнинг мўътабар ва шоирнинг энг сўнгги таҳрири ҳисобланган қўлёзмасини қўлга киритиш қийин бўлди. Шу билан бирга матн тузиш ишининг ўзи бениҳоят мураккаб ва мушкул эди. Майдонда қўлёзмалар кўп, лекин қўлёзмалараро ҳеч қандай мувозанат топилмайди, тазкирада зикр этилган шоир ва адиблар сони биз кўрган қўлёзмаларда ҳар хил. Кўпгина қўлёзмалар қаралган, бир-бирига таққосланган, шулар натижасида китобга 355 шахс киритилган эди. Ишимиздаги катта бир нуқсон шуки, кўрилган ва таққосланган бирорта ҳам қўлёзманинг рўйхати кўрсатилмаган”<sup>2</sup>.

Маълум бўладики, 1948 йили нашрга тайёрланган “Мажолис ун-нафоис” матни учун асос қилиб олинган қўлёзма аниқ эмас. Бундай чалкашликларга барҳам беришнинг битта йўли тазкиранинг энг қадимги ва ишончли қўлёзма нусхаларини топиш ва унинг илмий-танқидий матнини яратиш эди.

Бу масалага кўплаб навоийшунослар диққат этишган. Жумладан, ўша вақтдаги ёш навоийшунослардан бири А.Ҳайитметовнинг ёзганларидан ҳам англаш мумкин: “Мажолис”нинг Ўзбекистондаги энг қадимги нусхаси 1490–91 йили машҳур Султонали котиб томонидан кўчирилган деб тахмин қилинади. Бу қўлёзманинг асли Улуғ Ватан уруши даврида Ленинградда

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукамал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т. : Фан, 1997. – Б. 71.

<sup>2</sup>Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Филол.фанлари д-ри....дисс. – Т., 1969. – Б. 16.

йўқолган бўлиб, унинг фотокопияси ЎзР ФА Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланади”<sup>1</sup>.

Кейинроқ эса профессор Н.Маллаев бу нусха ва унинг котиби ҳақида кўйидагиларни ёзади: “Мажолис ун-нафоис”нинг энг эски ва мўътабар кўлёмма нусхаси бўлган Султон Али Хандон нусхасида 355 шоир зикр этилган. Бу нусханинг фотонусхаси ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Навоийнинг “Танланган асарлари” III томидаги “Мажолис ун-нафоис”га шу нусха асос қилиб олинган”<sup>2</sup>. Маълум бўладики, иккала олим ҳам битта нусха борасида сўз юритмоқда, аммо улар кўлёманинг котибини икки хил кўрсатишмоқда. Кўлёмма фотонусхасига қараб, унинг хаттоти: Султонали Машҳадий ёки Султон Муҳаммад Хандон, дейилмоқда. Шунинг учун ҳам С. Ғаниева “Мажолис ун-нафоис” асари илмий-танқидий матнини тузиш мақсадида, аввало, тазкира кўлёмма нусхаларини ўрганайди. Бунинг учун олима аввал Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фонди, кейин Ленинград давлат университети Шарқ факультети кўлёмалар фонди, Бокудаги Фанлар академияси кўлёмалар фонди, Тожикистон Фанлар академияси Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институти кўлёмалар фондида сақланаётган тазкира кўлёмаларини ўрганиб чиқади. Қадимги ва тўла ишончли нусха эса Вена кутубхонасида сақланаётган кўлёмма эканлиги маълум бўлади.

Олимага бу ноёб кўлёмма немис филологи Ирмгард Энгельке томонидан тақдим этилади<sup>3</sup>. И.Энгельке ҳам “Мажолис ун-нафоис” асари илмий-танқидий матнини тузишни мақсад қилган бўлиб, у Тошкентга келганида С. Ғаниева тадқиқотлари билан танишади, ўзбек олимаси олиб бораётган ишдан қониқиб, “Мажолис ун-нафоис” кўлёмалари, шу жумладан, асарнинг 903/1498–1499 йили кўчирилган, ҳозирги кунда Вена кутубхонасида сақланаётган нусха микрофильмини Тошкентга юборади.

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. “Мажолис ун-нафоис” ҳақида баъзи мулоҳазалар // Тил ва адабиёт масалалари, 1958. – № 1. – Б. 53.

<sup>2</sup> Маллаев Н. XV тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти // Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Т.: Бадиий адабиёт, 1959. – Б. 278.

<sup>3</sup> Қаранг: Носов. В. Дўстлик натижасида туғилган кашфиёт / Қизил Ўзбекистон, 1963. – 24 янв.

Суйима Ғаниева асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлашда шу нусхани таянч қилиб олди.

Бу ҳақда вақтли матбуотда: “Турли мамлакат олимларининг мана шундай дўст бўлиб ҳамкорликда ишлаши кўпгина ноаниқ саволларга жавоб топишга ёрдам берди ва шу туфайли шарқшунослар ўзбек ва бутун Шарқ адабиёти тарихидаги энг мароқли саҳифалардан бирини ёритган тазкиранинг энг аниқ ва тўлиқ матнини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар”<sup>1</sup>, – деган сўзларни ўқиймиз.

1961 йили Суйима Ғаниева томонидан навоийшуносликда қўлга киритган ютуқлар, илмий-танқидий матн яратиш йўлидаги изланишлар натижасида “Мажолис ун-нафоис” асари илмий-танқидий матни амалга оширилди. Олима бу ишида Навоий асарлари илмий-танқидий матнлари яратиш тажрибаларининг деярли барчасини эътиборда тутди. Тазкира илмий-танқидий матни хаттот Абдуқодир Муродий томонидан настаълик хатида кўчирилган.

С. Ғаниева “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матнини тузишда унинг 6 та қўлёзма нусхаси асос қилиб олади. Булар қуйидагилар:

1. Вена қўлёзма нусхаси – шартли белгиси **W**.
2. Париж қўлёзма нусхаси – шартли белгиси **P**.
3. Ленинград нусхаси – шартли белгиси **L**.
4. Боку нусхаси – шартли белгиси **B**.
5. Тошкент нусхаси – шартли белгиси **T<sub>1</sub>**.

Бу йўқолган қўлёзманинг фотонусхаси 6098 ва 6099 инвентар рақами билан иккита альбомга ёпиштирилган ҳолда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Суйима Ғаниева биз юқорида сўз юритган 1948 йили Ойбек ва П.Шамсиевлар томонидан тазкиранинг нашрга тайёрланган нусхаси шу фотонусха деб ёзади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Носов. В. Дўстлик натижасида туғилган кашфиёт / Қизил Ўзбекистон, 1963. – 24 янв.

<sup>2</sup> Қаранг: Ғаниева С. “Мажолис-ун-нафоис” Алишера Навои (литературно-исторический анализ и критический текст III и IV мажлисов). Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ленинград, 1956. – С.15.

## 6. Тошкент нусхаси – шартли белгиси T<sub>2</sub>.

Илмий-танқидий матн тузишдан мақсад шуки, асарнинг ҳар қандай шубҳа ва нуқсонлардан холи бўлган мукамал, ишончли, имкони борича муаллиф қалами остидан чиққан нусхасини тиклаш ва уни ўқувчилар ҳамда тадқиқотчиларга етказишдир. Олима илмий-танқидий матнни тузишда таянч “W” нусха ва асос қилиб олинган нусхаларнинг барчасига танқидий кўз билан қараб, фаол танлаб олиш тамойили бўйича иш тутади. Олима биринчи навбатда, матннинг мантиқий боғланиб боришига аҳамият берган. Тазкира матни қиёсий таҳлиллар асосида тикланган бўлишига қарамай “W” нусха тартиби ва тузилиши тўла сақланганлиги қайд этилади. Асос кўлёмаларда мавжуд бўлган ҳар хилликлар матн ости илмий аппаратида берилади. Суйима Ғаниева айрим сўз ёхуд жумлаларни тушунишда таянч нусха матнида ноаниқлик ёки камчилик сезса, уни танқидий матнда рад қилиб, матности илмий аппаратида қайд қилиб борган.

Асарнинг биринчи таҳрири нисбатан тарқоқ бўлгани учун VIII мажлис фақат асарнинг иккинчи таҳрири матнини берувчи нусхаларга таяниб тайёрланган. Олима матн тузишда иккала таҳрир фарқини илмий аппаратда фиксация этишни маъқул кўрмайди. Чунки у ҳолатда матн илмий-танқидий аппарати жуда чалкашиб, оғирлашиб кетиши мумкин бўларди. Олиманинг илмий-танқидий матн тузишдаги тамойиллари кейинги тадқиқотлар учун назарий-амалий манба бўлган<sup>1</sup>.

Суйима Ғаниева “Мажолис ун-нафоис”нинг яратилган даври, ёзилиши ва қайта таҳрир этилиш сабаблари, ғоявий мазмуни, ижодкорлар ҳаёти, фаолияти, тазкиранинг ўзига хос хусусиятлари каби жиҳатларни илмий тадқиқ этади. Ўйиборлиси, тазкира илмий-танқидий матнининг тузилиши адабиёт тарихи, хусусан, Навоий меросини ўрганишдаги муаммоли масалаларга равшанлик киритди. Хусусан, тазкиранинг ёзилиш даври билан боғлиқ ноаниқликлар тўлиқ тадқиқ этилди. Навоий тазкиранинг иккинчи

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ҳамидова М. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи: Филол.фанлари д-ри....дисс. автореф. – Т., 1994. – Б. 74.

мажлиси сарлавҳасида асарнинг ёзилиш йилини шундай кўрсатади. “... сана ситта ва тисъина ва самона миа тарихидаким, бу мухтасар битиладур...”<sup>1</sup>. Лекин иккинчи мажлис ёзилиш тарихи, яъни 896/1490–1491 йил бутун асарнинг яратилиш санаси эмаслиги олима томонидан баён қилинади. У тазкиранинг мукаммал, тўлиқ кўлёзма нусхаларидаги маълумотларни ўрганиш билан асарнинг иккинчи таҳрири амалга оширилиш даврини кўрсатган.

Суйима Ғаниева тазкирадаги ҳар бир фикра ва ундаги маълумотларни илмий ўрганиб чиққан. Жумладан, тазкиранинг еттинчи мажлисида темурийлардан Султонали мирзо ҳақида фикра бор. Яъни: “Султонали мирзо ҳоло Самарқанд мулкида салтанат тахтида мутамаккиндур. Дерларки таъби назмға мойилдур, бу матлаъни андин нақл қилурларким...”<sup>2</sup>. С.Ғаниева мана шу маълумотни бошқа манбалар билан солиштиради ва “Бобурнома”даги маълумотларга таянган ҳолда Султонали мирзо Мовороуннаҳрга биринчи марта 1496, иккинчи марта эса 1497–1500 йилларда ҳукмронлик қилганлигига аҳамият қаратади. Иккинчи мажлисда келтирилган йил билан Султонали мирзо ҳукмронлик қилган давр бири-бирига мутаносиб келмайди. Олима шундай маълумотлар асосида асарнинг тўлиқ, мукаммал таҳрирининг ёзилиш даври 896/1490–1491 йил эмас, деган хулосага келади.

1928 йили рус олими В.Бартольд тазкиранинг ёзилиши санасига биринчи бўлиб эътибор қаратиб, асарнинг иккинчи таҳрири Навоий қаламига мансуб эмас, деган мулоҳазани билдирган<sup>3</sup>. Ўзбек адабиётшунослигида бу масалага ёндашувлар турли хил бўлган. Жумладан, адабиётшунос Н.Маллаев “Мажолис ун-нафоис” асари хусусида гапирар экан, шундай ёзади: “Алишер Навоий 1491 йили “Мажолис ун-нафоис”ни ёзишга киришди. Бироқ, бу асарнинг қачон тугатилгани маълум эмас.

<sup>1</sup>Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий матни. – Т.: Фан, 1961. – Б. 34.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий матни. – Т.: Фан, 1961. – Б. 206.

<sup>3</sup>Қаранг: Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь. Сочин. в IX томах. Т. II. Ч. 2. – М.: Наука, 1964.– С.222–223.

Айрим фактлар, масалан, Абдурахмон Жомийни марҳум сифатида тилга олингани (Абдурахмон Жомий 1492 йили вафот этган) ва бошқалар Навоий бу асарни кейинроқ тугатган ёки таҳрир этган, деб фараз қилишга асос беради”<sup>1</sup>. Суйима Ғаниева эса асарнинг иккинчи таҳририни Навоийнинг ўзи амалга оширган, деган фикрини қуйидагича исботлайди:

**Биринчидан,** тазкирага кейин киритилган шоирлар асарнинг охири ёки дуч келган жойига эмас, балки тазкиранавис талаби билан мажлисларга жойлаштирилган.

**Иккинчидан,** тазкира баёни биринчи шахс, яъни муаллиф тилидан олиб борилган, асарда Султон Ҳусайн ва унинг яқин доирасига Навоийнинг муомала-муносабатига мос услуб тазкиранинг кейинги таҳририда сақланган.

**Учинчидан,** тазкира тили, услуби, композицион қурилиши ва ғояси биринчи ва иккинчи таҳрирда тамоман бир хилда ёзилган<sup>2</sup>.

С. Ғаниева фикрини далиллашда кўпроқ асар матни мазмунини таҳлил доирасига тортади. Масалан, олима 1490–1491 йили Абдурахмон Жомий ҳаёт бўлгани, шунинг учун биринчи таҳрирдаги учинчи мажлис Паҳлавон Котибнинг бир ғазали матлаъси билан якун топгани, “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи таҳририда эса шоир дўсти хотирасини ёдлаб, рубоий билан учинчи мажлисни якунлашини келтиради ҳамда тазкира қайта тўлдирилганлигини асослайди<sup>3</sup>.

Навоийшунослар, хусусан, хорижий мутахассислар ҳам олиманинг бу борадаги фикрига қўшилади. Турк адабиётшуноси Камол Эраслан “Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис” номли китоб сўзбошисида Суйима Ғаниеванинг Навоий тазкирани 1491 йили ёзиб, 1498 йили қайта тўлдирган, деган илмий хулосасини қувватлашини ёзади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>Маллаев Н. XV тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти // Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 276.

<sup>2</sup>Қаранг: Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси: археографик кириш. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961. – Б.12.

<sup>3</sup>Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961. – Б. 3–14.

<sup>4</sup>Ali-şir Nevayî. Mecalisu'n-nefayis. 1-kitab. Hazirlayan Prof.Dr. Kemal Eraslan. – Ankara: Turk dil Kurumu Yayinlari, 2001. – Б. 104.

Манбашунос олим А.Эркинов: “Матн тарихини ўрганишдан мақсад фақат илмий-танқидий матн яратиш, матнни нашр қилишгина бўлиб қолмай, балки уни адабиётшунослик, манбашунослик жиҳатидан таҳлил этиш учун ҳам керак бўлишидир”<sup>1</sup>, – деб ёзганидек, олима томонидан асардаги тарихий маълумотларни манбалар асосида қиёсий таҳлил доирасига олиниши аҳамиятлидир. Жумладан, тазкирада Навоий Хондамир ҳақида: “Мавлоно Хондамир Мирхонднинг фарзандидур ва салоҳиятлик йигитдур. Тарих фанида маҳорати бор “Нақий” отиға бу муаммо анингдурким...” – деган сўзларини ёзади<sup>2</sup>. Тазкиранинг Ленинград қўлёзма нусхасида ҳам Хондамир Мирхонднинг “ўғлидур” деб ёзилгани кўрсатилган<sup>3</sup>. Адабиётшунослар Хондамир ва Мирхонднинг қариндошлиги борасида бироз чалкашадилар. Жумладан, академик Иззат Султон “Мақорим ул-ахлоқ” асари нашри сўзбошисида Хондамир Мирхонднинг фарзанди, деб ёзади<sup>4</sup>.

Олима манба, хусусан, “Ҳабиб ус-сияр”нинг 1857 йили Бомбай нашрига асосланиб, “Амир Хонмуҳаммад ушбу варақларни ёзувчи онасининг ҳурматли отасидур”<sup>5</sup>, – деб ёзилган ўринларга эътибор қаратади. Олима Хондамир Мирхонднинг ўғли эмас, набираси, деб маълумотни тузатади. Хондамир ҳақидаги илмий аниқлик бугунги илмий-тадқиқотлар учун таянч манба бўлган. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” китобида: “Хондамир – Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Хожа Ҳумомуддин ибн Хожа Жалолуддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин Муҳаммад Шерозий. Она томондан Мирхонднинг набираси ва шогирди”<sup>6</sup>, – деб ёзилган.

“Мажолис ун-нафоис” илмий-танқидий матни нашрида нусхалар ўртасидаги фарқлар сони 3000 тадан ошган. Сўз, жумла, қўшимча, мисра, баъзи сана ёки сонлар ўртасидаги фарқлар илмий аппаратда берилади. Бу

<sup>1</sup>Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т.: Республика таълим маркази, 1997. – Б. 23.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961. – Б.145–146.

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961. – Б. 8.

<sup>4</sup>Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. Нашрга тайёрловчи С.Муталибов. – Т.: O‘zFAN, 1941. – Б. 4; Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. П.Шамсиев таржимаси. – Т.: ЎзР ФА, 1948. – Б. 5.

<sup>5</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961. – Б. 145.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9 жилд. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 461.

эса тазкира устида олиб бориладиган келгуси тадқиқотларга материал бўла олади. Жумладан, 933/1527 йили кўчирилган деб тахмин қилинган Париж кўлэзма нусхасида баъзи ўзига хос фарқли жиҳатлар илмий аппаратда намоён бўлган. Тазкиранинг саккизинчи мажлисида: “Малик ул-калом Мавлоно Лутфийнинг машҳур матлаъи жавобида дебтур:

**Эй қадинг тубию жаннат хатти гулгун устина.**

Бу матлаъ воқеъ бўлубтурким:

**Хаттининг тори тушубтур лаъли майгун устина,  
Уйлаким, жон риштаси бир қатраи хун устина”<sup>1</sup>.**

Маълум бўлмоқдаки, Навоий Хусайн Бойқаронинг Лутфий ғазалига битган жавоби ҳақида сўз юритган. Париж нусхасининг котиби Лутфий ғазалининг иккинчи мисрасини ҳам *“Кўрмади даврон онингдек ойиқи дун устина”*<sup>2</sup> тарзида келтирган. Париж нусхасида бунга ўхшаш кўшимча байтларнинг кўп учраши котибнинг асарни кўчиришга эркин-ижодий ёндашганлигини кўрсатади.

2008 йили “Мажолис ун-нафоис”нинг Мозори Шариф шаҳрида афғонистонлик олим Абдуллоҳ Руин томонидан тайёрланган нашрига Алишер Навоий 20 жилдлик мукамал асарлари 13 жилди асос қилиб олинган<sup>3</sup>. “Навоий фонди” саъй-ҳаракати билан амалга оширилган бу китобда Абдуллоҳ Руин Тошкент нашридаги матн шарҳларини айнан ёки қисқартириб олишни лозим топади. Масалан, “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида Мавлоно Амирийга ажратилган фикрада шайх Камол номи тилга олинади. Олима бу шахсга қуйидагича шарҳ берган: “Камолиддин Масъуд (1318-23/1401) Камол Хўжандий номи билан машҳур бўлган. Шоир асосий таҳсилни Хўжанд, кейин Самарқандда олган. Хоразм, Шош каби жойларда ҳам истиқомат қилган. Камол Хўжандий ниҳоятда билимдон шахс бўлган. Адабиёт, араб тили, фикҳ, ҳадис, калом, ҳикмат,

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961. – Б. 240.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961. – Б. 240.

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис / Нашрга тайёрловчи Абдуллоҳ Руин. –Балх: Султоний матбааси, 2008.



тафсир ва тасаввуфни пухта билган. Ироқ ва Озарбайжон ҳокими Табриз атрофидан Волиёнқуҳ деган мавзени тухфа қилгач, ўша ерда боғ барпо этган ҳамда уни Беҳишт деб атаб, боғдорчилик билан кун кечирган”<sup>1</sup>.

Абдуллоҳ Руиннинг Камол Хўжандий бошланғич таҳсил олган жойини Самарқанд эмас, Бағдод деб ўзгартириш киритганини инобатга олинмаса, деярли шарҳ бир хил берилган<sup>2</sup>. Абдуллоҳ Руин тайёрлаган нашр охирида “Мажолис ун-нафоис”нинг Фахрий Ҳиротий ҳамда Қазвиний таржималари, Тошкент нашридаги шоирлар сонини ўзаро солиштириб, муқоясавий жадвал тузиб чиққан. Жадвалда келтирилишича, Тошкент (1997) нашрида – 458, Фахрий Ҳиротий Ҳирий таржимасида – 385, Қазвиний таржимасида – 354 ижодкорга фикра ажратилган.

Эътибор қилсак, Алишер Навоий 20 жилдлик мукаммал асарлари тўпламида тазкиранинг тўртинчи мажлисидаги Паҳлавон Дарвеш Муҳаммад билан иниси Ҳусайний ҳақидаги фикра биргаликда берилган<sup>3</sup>. Шу сабабдан шоирлар сони 1997 йилдаги нашрда биттага қисқарган. “Мажолис ун-нафоис” илмий-танқидий матнида бу ижодкорлар алоҳида-алоҳида фикрадан жой олганлиги сабабли 459 шоир келтирилган.

Адабиётшунос олим Баҳодир Каримов ёзганидек, “бугунги ўзбек адабиётшунослиги Шарқ адабиётшунослиги тарихидаги адабий мезонлар билан жаҳон илм-фанидаги самарали усулларни уйғунлаштирган – синтез қилган ҳолда тараққий этиши мумкин”<sup>4</sup>. Ўзбек адабиётшунослари яратган илмий мактаб фаолиятини ўрганиш ҳозирги тадқиқ жараёнларининг кенг ёндашувлар асосида амалга ошишида муҳим ҳисобланади.

### **Боб бўйича хулоса**

1. Суйима Ғаниеванинг мумтоз адабиёт тарихига доир тадқиқотларини ўрганиш асосида олиманинг илмий қиёфасини намоён

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 226-227.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис / Нашрга тайёрловчи Абдуллоҳ Руин. –Балх: Султоний матбааси, 2008. – Б. 26.

<sup>3</sup>Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б.136.

<sup>4</sup> Каримов Б. Моҳиятга элтувчи йўл / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2018. – 6 сент.

этувчи илмий мезонлари, яъни: анъанавийлик, тизимлилик, далилийлик, лакониклик, янгиликларга интилувчанлик кабилар кўринади.

2. С. Ғаниева мумтоз асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳаётини ўрганишда, аввало, уларга шарқона тафаккур маҳсули сифатида қарайди. У мумтоз асарлар нашрини амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни кейинги нашр ишларида тузатиб боради.

3. С. Ғаниева мақола, рисола, китобларига сарлавҳа танлашга жиддий қарайди. Олима қисқа, мазмунли сўзлардан фойдаланишни мақсад қилади.

4. С. Ғаниева томонидан биринчи марта Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари қўлёзма манбалари йиғилган, тазкиранинг энг қадимий қўлёзма нусхаси аниқланган ва илмий-танқидий матн тузиб чиқилган. Таянч ва асос нусхалар ўртасидаги фарқлар фиксациялаш йўли билан илмий аппаратда бериб борилган. Илмий аппаратдаги фарқлар таҳлили эса келгуси тадқиқотларга материал бўлган.

5. С. Ғаниева “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилган ва қайта таҳрир этилган йилини асосли манбалар билан кўрсатади. Натижада тазкира нусхалари ўртасидаги фарқли жиҳатларнинг сабаби аниқланади.

6. Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукамал асарлар тўплами 13 жилди асарнинг хорижий нашрлари учун асос қилиб олинган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Суйима Ғаниева илмий-адабий фаолияти давомида олиб борган тадқиқот усуллари ва мезонларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбек адабиётшунослигида навоийшунослик энг йирик соҳа ҳисобланиб, унинг ўз тарихий тараққиёт босқичлари мавжуд. Суйима Ғаниева ўтган асрнинг 60-йиллар бошларидан навоийшуносликка ўзининг илғор қарашлари, илмий-адабий жараёнда фаол амалий ишлари билан кириб келди; соҳа ривожини учун кенг қамровли ишларни олиб борди. Олима тадқиқотларида илгари сурилган фикрларнинг жаҳон адабиётшунослигида мавжуд категорияларга жавоб бериши уларнинг бугунги кунгача илмий қимматини йўқотмаганидан далолат беради.

2. Суйима Ғаниева Навоийнинг насрий асарлари аниқ мақсад билан яратилгани, Навоий насрида муаллиф шахси ва руҳиятини очиб берадиган нуқталар мавжудлиги, Навоий насрида назмнинг ўрни катта эканлигига

аҳамият қаратиш орқали “Муножот”, “Муншаот”, “Мажолис ун-нафоис” асарларини махсус ўрганади.

3. Суйима Ғаниева Навоийнинг “Муножот”, “Сирож ул-муслимин” каби асарларини биринчи бўлиб илмий истеъмолга олиб кирди. “Муножот” олима қайд этганидек, мустақил асар ҳисобланиб, у Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” асари таъсирида ёзилган.

4. Суйима Ғаниева “Наводир ун-ниҳоя” девонининг Техрон нусхасини Ўзбекистонга олиб келишга эришди ва биринчи марта девон факсимилье эълон қилинди; олима шоир муҳридаги сўзларни тўғри ўқиш орқали Навоий эътиқоди борасида илм аҳлининг тасаввурини кенгайтди.

5. Суйима Ғаниева томонидан Алишер Навоий асарларининг рус тилига таржима этилиши русийзабон ўқувчиларга Навоийни танитиш билан бирга ҳозирги таржималарни амалга оширишда тажриба мактаби ҳам бўла олади. Олиманинг таржима усули асосан рус шарқшуносларидан олинган. Зеро, олима бир неча йил Ленинград шарқшунослик институтида профессор А.Н. Болдирев кўлида таълим ва тарбия олган. Алишер Навоий асарларини Суйима Ғаниева рус тилига қилган таржималарини ўрганиш олиманинг ўзбек таржимашунослигида ўзига хос ўрни борлигини кўрсатади.

6. Суйима Ғаниева навоийшуносликда анъанавий концепцияларга асосланди ва ўзига хос бўлган йўналиш: Навоийни шахсияти, ҳаётий фаолияти ва ижодига яқин бўлган кишилар муносабати билан боғлаб ўрганди. Олима имкон борича шоир яшаган даврга яқин ижодкорлар билан боғлиқ материалларни қамраб олишга интилиш билан Ҳирот адабий муҳитидаги адабий алоқаларни ёритиб берди.

7. Суйима Ғаниева “Мажолис ун-нафоис”да Ҳусайнийга махсус мажлис ажратилиши ва эътибор қаратилишини Султон Ҳусайн Бойқаронинг маданият, маърифат аҳлини кадрлагани учун деб билди. Олима Ҳусайний асарларини дастлабки нашрини мамлакатимизда амалга оширди. Суйима Ғаниева Ҳусайн Бойқарога феодал-клерикал, сарой шоири тамғаси босилиб, унинг ижодига етарли баҳо берилмаган даврда бу ижодкорни ўзбек адабиёти

тарихида ўрни борлигини кўрсата олди, Хусайн Бойқаро фаолияти ҳамда ижодини атрофлича ўрганиш олимларимиз қаршисида турган муҳим вазифалардан эканлигини қатъий баён этди.

8. Суйима Ғаниева қиёсий-тарихий тадқиқ усули асосида Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари ва унинг форсий таржималари, Фахрий Ҳиротийнинг “Равзат ус-салотин”, “Жавоҳир ул-ажойиб”, Содик Китобдорнинг “Мажмаъ ул-хавос” каби тазкираларни ўзаро қиёсий-тарихий ёндашув асосида ўрганди.

9. Суйима Ғаниева мумтоз асарлар таҳлиliga, биринчи навбатда, тарихий тенденциялар, ижтимоий шартли лаҳзалар, иқтисодий ва сиёсий қонунлар, ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқ бўлган белгилар асосида ёндашади. У “Хамса” асари қаҳрамонларининг асардаги ифодасини ижтимоий ҳаёт билан боғлаган ҳолда тадқиқ этади. Герменевтика қадимги юнон файласуфи Гермес исми билан боғланади; Гермес Шарқда Ҳермес ёки Ҳурмус деб аталиши ва бу Идрис алайҳис-салом эканлиги Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида берилган.

10. Адабиётшуносликда илмий шарҳ герменевтик усул воситаси ҳисобланади. Суйима Ғаниева илмий тадқиқотларида таржима, реконструкция ва шарҳ герменевтик воситаларига кўп мурожаат этади. Шарҳлаш жараёни “тушуниш ҳолат”ининг уч қисмини юзага келтиради. Шарҳларни ўрганиш эса тўртинчи қисм бўлади.

11. Суйима Ғаниева томонидан тайёрланган Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами матн шарҳлари – илмий, бадий ва тарихий маълумотларни бир жойга жамланса, катта тўплам вужудга келади. Буни эса, олима таъбири билан айтганда, “замима тазкира” дейиш мумкин. Бу каби изоҳ ва таржималар мумтоз асарларини тушуниб ўқишини таъминлайди.

12. Суйима Ғаниева илмий фаолиятини ўрганиш асосида олиманинг илмий қиёфасини намоён этувчи илмий мезонлари, яъни: анъанавийлик, тизимлилик, далилийлик, лакониклик, янгиликларга интилувчанлик кабилар аниқланди. Олима томонидан “Мажолис ун-нафоис” асари қўлёзма

манбалари йиғилган, тазкиранинг энг қадимий қўлёзма нусхаси аниқланган ва илмий-танқидий матн тузиб чиқилган. Суйима Ғаниева ўзининг бутун илмий-адабий фаолияти давомида ўзига хос илмий мактаб ярата олди. Бу мактаб “Мумтоз адабиёт тарихини комплекс ўрганиш” деб номланади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

### **I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2010. – 173 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи, 2017. – 4 август.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 113 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ–4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги Қарори.

### **II. Методологик аҳамиятга молик нашрлар:**

6. Азизий (Азизхон Қаюмов). Навоийга таъзим. – Т.: “Adabiyot uchqunlari”, 2016. – 272 б.
7. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997. – 284 б.
8. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 16 жилд. – Т. : Фан, 2000. – 336 б.
9. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17 жилд. – Т. : Фан, 2001. – 536 б.
10. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Нашрга тайёрловчи Абдуллоҳ Руин. – Балх: Султоний матбааси, 2008. – 338 б.
11. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Танқидий матн. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2015. – 198 б.

12. Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамойимил футувват. – Т.: “Movarounnahr”, 2017. – 576 б.
13. Ali-şir Nevayî.Mecalisu'n-nefayis(Giris ve Metin). 1-kitab. Hazirlayan Prof.Dr. Kemal Eraslan. – Ankara: Turk dil Kurumu Yayinlari, 2001. – 236 s.
14. Болотнова Н.С. Филологический анализ текста (Элек.ресурс): Уч.пособ. / Н.С.Болотнова 4-е изд. – М.: Флинта, Наука, 2009. – 520 ст.
15. Борев Ю. Б. Искусство интерпретации и оценки. Опыт чтения “Медного всадника”. – М.: Советский писатель. 1981. – 399 ст.
16. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.
17. Воҳидов Р. "Мажолис ун-нафоис"нинг таржималари. – Т.: Фан, 1984. – 71 б.
18. Гадамер Г.-Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики. – М.: Прогресс. 1988. – 364 ст.
19. Гадойй. Девон / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Аҳмадхўжаев. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. – 148 б.
20. Гадойй девонининг луғати ва матни. Луғатни тузиб, маттни нашрга тайёрловчи М. Рустамов. – Т.: Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи таҳрир бўлими, 2007. – 203 б.
21. Девони Султон Ҳусайн Бойқаро. Йиғма-қиёсий матн. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Жўраева. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2016. – 170 б.
22. Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Учебное пособие. -3-е изд. – М.: Флинта, Наука, 2000. – 248 ст.
23. Ёрқин Шафика. Шохғариб Мирзо Ғарибий. Девон. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 96 б.
24. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Т.: “Ғафур Ғулом” нашриёт-матбаа ижодий уйи , 2015. – 304 б.



25. Жомий ва ўзбек адабиёти. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, “Мовароуннаҳр”, 2005. – 118 б.
26. Жомий. Баҳористон. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. – 114 б.
27. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 224 б.
28. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2003. – 124 б.
29. Имомназаров М. Азизхон Қаяумов мактаби. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2010. – 189 б.
30. Калила ва Димна. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 255 б.
31. Каримов Б. А.Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Т.: Akademnashr, 2014. – 288 б.
32. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Гафур Ғулом, 2018. – 364 б.
33. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Т.: “Муҳаррир”, 2011. – 88 б.
34. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: “МАЪНАВИЯТ”, 2005. – 320 б.
35. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Т.: “TAMADDUN”, 2012. – 316 б.
36. Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2013. – 624 б.
37. Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусирий. Қасидаи бурда. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2005. – 72 б.
38. Муҳаммад Али Содикбек Содикий Афшар (Китобдор). Мажмаъу-у-хавос (Хослар мажмуаси). – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2019. – 346 б.
39. Муҳаммад Ризобек Хоксор. Алишер Навоий асарлари луғати. Мунтахаб ул-луғот. Зубд ул-луғот. – Т.: “Akademnashr”, 2017. – 416 б.

40. Навоий дастхати (Наводир ун-ниҳоя). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи С. Ғаниева. – Т.: Фан, 1991. – 300 б.
41. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Т. : Фан, 1993. – 376 б.
42. Навоий ва адабий таъсир масалалари: Тўплам / Тузувчи ва масъул муҳаррир С.Ғаниева, А.Абдуғафуров. – Т.: Фан, 1968. – 353 б.
43. Нисорий, Ҳасанхожа. Музакири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси): Тазкира (Таржима ҳамда сўзбоши, изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 366 б.
44. Пошохожа. “Мифтоҳ ул адл” ва “Гулзор”дан. Нашрга тайёрловчилар В.Зоҳидов, С.Ғаниева. – Т.:ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962. – 56 б.
45. Расулов А. Илми ғарибани кумсаб. – Т.: Фан, 1998.
46. Рыбникова М.А. Очерки по методике литературного чтения. – 3-е изд. – М.: Учпедгиз, 1963. – 313 ст.
47. Раҳмон Ваҳоб. Мумтоз сўз сеҳри. – Т.: O‘zbekiston, 2015. – 440 б.
48. Самад Асрор. Ўзбекнинг ардоқли Суйимбекаси. – Т.: “MERIYUS”, 2012. – 136 б.
49. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – 65 б.
50. Сирожиддинов Ш. XV–XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. – Самарқанд: Зарафшон, 1997. – 100 б.
51. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари / Монография. –Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.
52. Сирожиддинов, Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011. – 326 б.
53. Сирожиддинов Ш. Умарова С. Ўзбек матншунослиги кирралари. – Т.: Akademnashr, 2015. – 128 б.

54. Томашевский Б. В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Издание второе. – М. : Искусство, 1959. –280 с.
55. Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2014. – 192 б.
56. Йўлдошев Қ. Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Т.:Камалак, 2016. – 464 с.
57. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. Биринчи том. – Т.: Фан. 1987. – 344 б.
58. Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. – Т. : Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 256 б.
59. Қуронов Д. Талқин имкониятлари. – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – 88 б.
60. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.:Akademnashr, 2018. – 480 б.
61. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002. – 298 б.
62. Қўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Т.: Маънавият, 1997.
63. Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий матн. – Т. : Ўз ФА нашриёти, 1961.
64. Ғаниева С. Алишер Навоий. – Т.: Фан, 1968. – 148 б.
65. Ғаниева С. Навоий насри нафосати. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2000. – 163б.
66. Ғаниева С. Навоий ёдга олган асарлар. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2004. – 36 б.
67. Ғаниева С. Библиография. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2007. – 44 б.
68. Ғаниева С. Ҳазрат Навоий васияти. – Т.: MERIYUS, 2011. – 28 б.
69. Ғаниева С. Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). – Т.: “O‘zbekiston”, 2015. – 128 б.

70. Гулом Каримов – маърифат фидойиси / тўплаб нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2009. – 208 б.
71. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: Фан, 1959. – 196 б.
72. Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. – Т.: Фан, 1981. – 123 б.
73. Ҳувайдо. Нашрга тайёрловчилар В.Зоҳидов, С.Ғаниева. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1961. – 100 б.
74. Ҳусайн Бойқаро. Рисола / Нашрга тайёрловчилар Алибек Рустам, Каримбек Ҳасан. – Т.: Шарқ, 1991. – 24 б.

### **III. Монография ва илмий мақолалар:**

75. Асадов М. Соқийнома: тарих ва поэтика. – Т.: “Тафаккур”, 2020. – 352 б.
76. Аҳмедов Т., Мирзааҳмедова М. Навоийшунос олима / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1982. – 5 март.
77. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Т.: Фан, 1992. – 105б.
78. Бекжонов И. Навоийнинг миниатюрадаги сиймоси / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993. – 18 июнь.
86. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг мўътабар дастхати девони хақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – № 3. – Б. 41-43.
87. Ёқубов И. Таҳлил ва талқинда муаллиф-баёнчи руҳий оламининг роли / Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба, технология. Республика илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2014. – Б.100-102.
88. Ёқубов И. Умуммиллий дардлар залвори / Ёшлик, 2015. – № 1. – Б. 60-62.
89. Жумахўжа Н. Миллий истиқлол мафқураси ва адабий мерос // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998. – № 1. – Б. 3-6.

90. Жўрабоев О. Матнинг матности сирлари. – Т.: “TAMADDUN”, 2017. – 200 б.
91. Каримов Б. Талқинда биографик маълумотнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 3. – Б. 13-16.
92. Каримов Н. Суйима Ғаниева // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – № 3. –Б. 68-70.
93. Маллаев Н. XV тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти / Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Т.: Бадиий адабиёт, 1959. – Б.278.
94. Махмина В.Л. “Тайна филологов”. Открытие Густавом Шпетом герменевтееские принципа // Густав Шпети современная методология гуманитарного знания. – М., 2006. – С. 187-220.
95. Махмудов М. Тақлид, тасвир, илҳом ва истеъдод // Шарқ юлдузи, 2014. – № 1.
96. Мирзамухамедова М. У ўз бахтини илмда топди / Тошкент ҳақиқати, 1959. – 4 август.
97. Носов. В. Дўстлик натижасида туғилган кашфиёт / Қизил Ўзбекистон, 1963. – 24 янв.
98. Олимов С. Илм ғаввоси / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002. – 15 март.
99. Омонов Қ. Ўлмас дostonнинг Ҳирот нусхаси / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. – 23 июл.
100. Расулов А. Адабиёт – маънавият сарчашмаси // Шарқ юлдузи, 2009. – № 4. – Б. 3-9.
101. Рашидова М. “Назму-л-жавоҳир” асарининг матний тадқиқоти. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2011. – 132 б.
102. Раҳимжонов Н. Бадиият – бош мезон. Адабий суҳбатлар. – Т.: “Akademnashr”, 2016. – 224 б.
103. Раҳматуллаева Д. Навоидан нур олган олима // Театр, 2011. – №1.

104. Ризоуддин Фахриддин ўғли. Машхур хотунлар. – Т.: “Navro‘z”, 2019. – 304 б.
105. Сирожиддинов Ш. “Бордир инсон зотида онча шараф...” / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2020. – 26 июнь.
106. Тожибоев М. Бадиий матнда инсон ва олам муносабатининг герменевтикаси // Шарқ юлдузи, 2012. – № 4.
107. Тожибоева О. Алишер Навоий “Хамса”сининг насрий баёнлари: тамойил, мезон ва услуб. – Т.: “Nodirabegim”, 2020. – 170 б.
108. Турсунов Ю. “Муншаот” асарининг матний тадқиқи. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2016. – 264 б.
109. Шайхзода М. Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида / Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Т.: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 242.
110. Эркинов А. Қолипдаги фан // Ёшлик, 1991. – № 3. – Б. 76-77.
111. Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Т.: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – 380 б.
112. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. Тўплам. – Т.: Фан. 1983.
113. Қаюмов А. Навоий ва навоийшунослик // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968. – № 5. – Б.7-12.
114. Қурбонов А. “Хамса” сарлавҳалари бадиияти. – Т. : “MERIYUS”, 2016. – 188 б.
115. Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси: археографик кириш // Алишер Навоий. “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий матни. – Т.: Фан, 1961. – Б.14.
116. Ғаниева С. Навоий биографиясига оид бир хужжат // Ўзбек тили ва адабиёти, 1981. – № 1. – Б.9.
117. Ғаниева С. “Хамса”нинг мукамал нашрини тайёрлаш принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. – № 1. – Б. 38-42.

118. Ғаниева С. “Донишу фазл гавҳарининг кони” – Мавлоно Жомий ҳақида / Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Самарқанд давлат университети, 2004. – Б. 6-8.

119. Ғаниева С. “Мажолис ун-нафоис”нинг Туркия нашри / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2006. – 3 март.

120. Ғаниева С. “Мажолис ун-нафоис”нинг Туркия нашри / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2006. – 3 март.

121. Ғаниева С. “Ҳайрат ул-аброр”нинг тасаввуфий моҳияти / Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни. II Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010. – Б. 66-68.

122. Ҳабибуллаев А, Баракаев Р. Фидойи олима // Шарқ машъали, 2002. – № 1.

123. Ҳайитметов А. “Мажолис ун-нафоис” ҳақида баъзи мулоҳазалар // Тил ва адабиёт масалалари, 1958. – № 1. – Б. 53-55.

124. Ҳайитметов А. Забардаст навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. – № 5. – Б. 19-22.

125. Ҳамдам У. Шарқ шеърлятида ижтимоий фикр такомилли // Жаҳон адабиёти, 2011. – № 4. – Б. 183-186.

126. Ҳаққул И. Шахсият ва ижод муштараклиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. – № 5. – Б. 18-27.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар:**

127. Аллаярова С.Н. Фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатлари: Фалса. фанлари ном....дисс. – Тошкент, 2010. – 160 б.

128. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фанлари д-ри....дисс. – Тошкент, 1996. – 156 б.

129. Валиходжаев Б. Из истории развития эпической поэзии в узбекской литературе: Автореф.дисс.д-ра филол.наук. – Самарканд, 1968. – 48 с.

130. Насруллаев Э. XX аср ўзбек навоийшунослигида улуғ шоир шахсияти талқинлари тадқиқи: Филол.фанлари буйича фал. д-ри....дисс.авто – Самарканд, 2019. – 56 б.

131. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари: Филол.фанлари д-ри....дисс. – Тошкент, 1997. – 248 б.

### **Интернет манбалари**

<http://natlib.uz>

<http://allbest.ru>

<http://www.literature-online>

<http://www.booksbooksbooks.ru>

<http://www.uz-translations.net>

<https://jahonadabiyoti.uz/2018/04/26/>

<http://vajehyaab.com>

<http://ganjur.com>